

29935

3

Эдвард Уайльд



Юлдуз-бола

Оскар Уайльд

Юлдуз - бола




Эртаклар

Инглизчадан Маҳкам Маҳмудов ва Абдуҳаким Муҳаммадиев
тержималари

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
1988



M 29935
3



у 4803020000—112
356 (04)-89 124—89

CS BN 5—633—00124—9

© Издательство «Еш гвардия», 1988 г. (перевод, оформление).



БАХТЛИ ШАҲЗОДА

Шаҳар узра бўй чўзган баланд устунда Бахтли Шаҳзоданинг ҳайкали турарди. У бошдан-оёқ олтин япроқчалар билан қопланган: кўзларининг ўрнидаги бир жуфт нурафшон забаржад ва қиличининг дастасидаги йирик лаъл ял-ял товланарди.

Шаҳзодага бутун шаҳар мафтун эди.

— У хўроз-парракдек ажойиб!— хитоб қилди Шаҳар Маслаҳатчиларидан бири, санъатни нақадар назик тушунишини намойиш қилиш учун.— Аммо, хўроз-парракдек фойдали эмас, албатта,— шу заҳоти қўшиб қўйди у, ишбилармонлиги шубҳа остида қолишидан қўрқиб. Маслаҳатчи ўзини ғоят омилкор деб биларди.

— Бахтли Шаҳзодадан ўрнат олсанг бўлмайди-ми?— деди оқила она,— оймомани олиб бер,— деб хархаша қилаётган боласига. — Бахтли Шаҳзода ҳеч қачон инжиқлик қилмайди!

— Қаранг-а, дунёда тўла бахтга эришган кимса ҳам бор экан; бу жуда қувонарли ҳол!— гулдуради ҳаётдан аламзада бўлган бир киши, гаройиб ҳайкалга ошуфта тикиларкан.

— Худди фариштанинг ўзи-я!— деб хитоб қилишди оппоқ пешгирли сербар оч-қизил кўйлак кийган Етимхона Болалари¹, ибодатхонадан чиқа солиб.

— Қаердан била қолдиларинг?— эътироз билдирди Риёзиёт Муаллими.— Ахир биронта фариштани ҳам кўрмагансиз-ку.

¹ Хайр-эхсон ҳисобига очилган мактаб талабалари.

— О, биз уларни тушимизда кўрамиз!— жавоб беришди Етимхона Болалари. Риёзиёт Муаллими уларга хўмрайиб қараб қўйди: болаларнинг туш кўришлари унга асло маъқул эмасди.

Бир куни тунда ўша шаҳарнинг тепасидан бир Қалдирғоч учиб кетаётганди. Дўстлари олти ой бурун Мисрга учиб кетишган, у эса Қамишпояга ошиқ бўлиб, улардан орқада қолганди. Қалдирғоч уни эрта баҳорда, катта сариқ капалакнинг кетидан қувиб кетаётганида кўриб қолганди. Қамишнинг нозик қадди уни шу қадар мафтун этдики, капалакни ҳам унутиб, донг қотиб қолди. Гапни чувалатишни ёқтирмайдиган Қалдирғоч, тўғридан-тўғри мақсадга кўча қолди.

— Сени севишимни хоҳлайсанми?— деб сўради у. Қамиш унга жавобан чуқур таъзим бажо келтирди.

Қувончга тўлган Қалдирғоч унинг устида чарх уриб уча бошлади; баъзан қанотлари тегиб, сувнинг юзида жимир-жимир кумуш ҳалқалар ҳосил бўларди. Қалдирғоч муҳаббатини шу тахлит изҳор қиларди. Бу ви-сол ўйини ёз бўйи давом этди.

— Топган тенгини қаранглар!— чуғурлашди бошқа қалдирғочлар.— Ўзи сариқ чақага арзимаёди; бунинг устига қанча қариндоши бор!

Чиндан ҳам дарёни қамишзор тутиб кетганди. Куз келгач, қалдирғочлар учиб кетишди.

Улар кетишлари билан Қалдирғоч яккаланди, етимчадек ҳис қилди ўзини; севгилис ҳам жонига тега бошлаганди.

— Худди соқовнинг ўзи-я!— зорланди Қалдирғоч.— Боз устига анчайин қув кўринади; бўлмаса, шабада билан ўйнашармиди...

Ҳақиқатан ҳам шабада келди дегунча, Қамиш нозланиб шундай эшилиб кетардики...

— Хонаки бўлса ўзига, лекин мен саёҳатга чиқарилганман-да, шундай экан, хотиним ҳам саёҳатни сева қолса бир жойи камайиб қолмасди.

— Хўш, мен билан учиб кетишни хоҳлайсанми?— сўради у ниҳоят Қамишдан. Аммо Қамиш бошини чайқади: у уйига шундай ўрганиб қолгандики!

— Ҳали муҳаббатим билан пачакилашиб юрган экансан-да!— деб қичқирди Қалдирғоч.— У ҳолда мен эҳромларга¹ учиб кетаман, алвидо!

¹ Миср эҳромлари.

Шундай деб, Қалдирғоч учиб кетди.

Қалдирғоч кунбўйи учди, ниҳоят тунда бир шаҳарга етиб келди.

— Қаерга қўнсам экан?— ўйланиб қолди у.— Мени кутиб олиш учун шаҳарда тайёргарлик кўрилган бўлса керак, деб ўйлагандим.

Бир пайт баланд устун тепасида турган ҳайкалга кўзи тушди.

— Жуда соз. Шу ерда қолганим бўлсин: қулай жой ва тоза ҳаво— жоннинг роҳати-ку!

Шундай дея Қалдирғоч Бахтли Шаҳзоданинг оёқлари остига қўнди.

— Энди менинг олтин ётоқхонам бор!— гурурланиб қўйди у атрофига назар соларкан ва бошини қанотларининг остига олиб энди уйқуга чоғланиб турганди ҳамки, устига йирик бир томчи келиб тушди.

— Ажабо!— ҳайратланди Қалдирғоч.— Осмонда бир парча ҳам булут йўқ: тиниқ ва чароғон юлдузлар парпираб турган бўлса, ёмғир қаёқдан пайдо бўлди экан? Шимолий Европанинг об-ҳавоси жуда расво-да. Ёмғир Қамишгинамнинг жони-дили эди, аммо у шундай худбин эдики.

Шу пайт яна бир томчи келиб урилди.

— Э, ўргилиб қўйдим: ёмғирдан сақлолмайдиган ҳайкалдан нима наф?! Биронта соябонли мўри топмасам бўлмайдн шекилли.

Шундай деб, Қалдирғоч парвозга шайланди. Аммо қанотларини ёйишга улгурмасидан яна бир томчи келиб тушди. Қалдирғоч тепага қаради ва нимани кўрди дег!

Бахтли Шаҳзоданинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, заррин ёноқларидан оқиб тушарди. Ой нурлари тушаётган юзи шу қадар фусункор эдики, буни кўриб Қалдирғочнинг кўнгли бузилиб кетди.

— Сен кимсан?— деб сўради Қалдирғоч.

— Мен Бахтли Шаҳзодаман.

— Унда нега йиғлаяпсан? Шалаббо қилиб юбординг-ку!

— Тириклик пайтимда, Сан-Суси саройида яшаган чоғларимда юрагим одамларникидек жонли эди,— хўрсиниб қўйди ҳайкал.— Кўзёши нима эканидан мутлақо беҳабар эдим. Чунки бу саройнинг эшиклари ғамалам учун таққа-тақ ёпиқ эди. Қуни дўстларим даврасида ўйин-кулги билан ўтказардим, кечқурунлари эса

муҳташам Танобий Уйда рақс тушардим. Боғни баланд деворлар ўраб турарди; унинг ортида нималар борлигини сўраш эса хаёлимга ҳам келмасди. Атрофимдаги нарсалар шундай гўзал, шундай гўзал эдики! Мени Бахтли Шаҳзода, деб аташарди яқинларим. Чиндан ҳам бахтли эдим, агар бахт ўйини-кулгидангина иборат бўлса албатта. Шу тахлит яшадим, шу тахлит вафот этдим. Мана, энди ўлганимдан сўнг, мени шундай юксак жойга ўрнатишдики, бу ердан туриб шаҳаримнинг ҳамма гурбат ва аянчларини яққол кўриб турибман ва гарчи юрагим энди қалайдан бўлса ҳам, ёшимни тийиб туrolмаяпман.

— Аҳ-ҳа, демак ҳаммаёғи олтиндан эмас экан-да? — хаёлидан ўтказди Қалдирғоч: бу сўзларини ичида айтишга унинг фаросати етарди ҳарҳолда.

— Узоқда, ҳув анави томонда, жинкўчада деразасининг бир табақаси очиқ турган кулбани кўряпман, — деб сўзида давом этди ҳайкал шивирлаб. — Очиқ деразадан стол олдида ўтирган бир аёл кўринмоқда. Юзи сўлғин, қўллари дағал ва игна санчилаверганидан қонталаш бўлиб кетган. Чунки у чевар-да. Қирроличанинг энг соҳибжамол дугонасининг навбатдаги сарой базмига атаб тиктираётган ипак кўйлагига гул чатимоқда. Хона бурчагидаги тўшакда боласи бетоб ётибди. У иситмада ёниб, — апельсин беринглар, — деб алаҳсираяпти. Аммо онасининг дарё сувидан бошқа берадиган нарсаси йўқ. Шунинг учун ҳам бола йиғлаяпти. Қалдирғоч, Қалдирғоч, жажжигина Қалдирғоч! Қиличимнинг дастасидаги лаълни олиб, ўша аёлга элиб берсанг-чи? Оёқларим супага маҳкам қотирилган, жойимдан қимирлолмайман.

— Мени Мисрда интизорлик билан кутмоқдалар, — деди Қалдирғоч. — Дўстларим Нил узра чарх уриб, улкан нилуфарлар билан суҳбат қуришмоқда. Тез орада улар Улуғ Шоҳнинг даҳмасига тунагани кетишади. У серҳашам тобутда: сариқ матоҳга чулғаниб, хушбўй кўкатлар билан мўмиёланиб ётибди. Бўйинига оч зангор яшмдан занжир ўралган, қўллари эса кузги хазондек заъфарон.

— Қалдирғоч, Қалдирғоч, жажжигина Қалдирғоч! Бир кечагина қола қол, менинг вакилим бўлиб. Болакай шундоқ чанқаганки, онаси ҳам шундоқ ғамгинки.

— Болакайларни унчалик жиним суймайди. Ўтган ёз, дарёнинг тепасида яшаган чоғимда тегирмон-

чининг баттол зумрашалари тошбўронга тутганлари-
тутган эди. Албатта, менга теккизиш йўл бўлсин
уларга. Биз қалдирғочлар чапдаст қушлармиз; боз
устига, камина эпчилликда донг таратган қалдирғоч-
лар авлодиданман. Шундай бўлса-да, буни менга нис-
батан жуда ҳурматсизлик деб биламан.

Аммо Бахтли Шаҳзода шундай илтижо билан тики-
лаётгандики, Қалдирғочнинг унга раҳми келди.

— Бу ер жуда совуқ экан,— деди у,— аммо айтга-
нингча бўлсин, топширигингни бажариш учун бир ке-
ча қолишга розиман.

— Миннатдорман, жажжи Қалдирғоч!— хитоб
қилди Бахтли Шаҳзода.

Шундай қилиб, Қалдирғоч ҳайкалнинг қиличидаги
лаълни чуқиб олди-да, шаҳар томлари узра учиб кет-
ди. У фаришталарнинг оппоқ ҳайкаллари ўрнатилган
ибодатхона қўнғироқхонасининг тепасидан учиб ўтди.
Қирол саройи узра ўтаётиб мусиқа садоларини эшит-
ди. Гўзал бир қиз ўз маъшуқи билан пешайвонга чи-
қиб келди.

— Нақадар ажиб бу юлдузлар,— деди йигит қиз-
га,— нақадар ажиб муҳаббат қудрати ҳам!

— Қўйлагим сарой базмигача тайёр бўлар деган
умиддаман,— жавоб берди қиз.— Мен кўйлагимга гул
чатишни буюрдим, бироқ шундай ялқовки бу чевар-
лар.

Қалдирғоч дарё узра учаётиб, кема мачталаридаги
чироқларни кўрди. Жўҳуд маҳалла устидан ўтар
экан, кекса яҳудийларнинг ўзаро шартлашиб, мис
тарозиларда танга тортаётганларини кўрди. Ниҳоят,
у бояги кулбага етиб келди ва ичкарига боқди. Бола
иситмада тўлғонар, онаси эса тошдек қотиб ухлаб
ётарди: ахир у қаттиқ чарчаганди-да. Қалдирғоч хо-
нага кириб, лаълни столда ётган ангишвонанинг ёни-
га қўйди. Сўнг тўшак узра қанот қоқиб, боланинг чўғ-
дек юзига шабада тарата бошлади.

— Қандай маза! Энди тузалиб кетсам керак,— деб
шинвирлади бола ва уйқуга кетди.

Шундан сўнг Қалдирғоч Бахтли Шаҳзоданинг ол-
дига қайтиб келиб кўрганларини сўзлаб берди.

— Қизиғи шундаки,— деди у сўзининг охирида,—
аёзлигига қарамай, энди совқотмаяпман.

— Чунки сен савобли иш қилдинг-да!— деб тушун-
тирди унга Шаҳзода. Қалдирғоч бу сўзнинг маъзини

чақиш учун ўйга толди ва шу заҳоти ухлаб қолди. Бирон нарса тўғрисида бош қотирди дегунча, уни уйқу элта бошларди.

Тонгда Қалдирғоч чўмилиб олгани дарё томон парвоз қилди.

— Қандай фаройиб ҳодиса!?— ажабланди шу пайтда кўприк устидан ўтиб бораётган Қушшунос бир Олим.— Қиш фаслида қалдирғоч нима қилиб юрибди?!

Олим ишни пайсалга солмай, маҳаллий матбуотда узундан-узоқ мақола чоп эттирди. Мақолада тушунар-сиз сўзлар қалашиб ётган бўлса-да, у ҳамманинг диққатини ўзига тортди.

— Бас, шу тундаёқ Мисрга жўнаб кетаман,— деб қарор қилди Қалдирғоч ва бу ўйдан бадани яйраб кетди.

У барча ёдгорликларни зиёрат қилиб келди ва узоқ вақт ибодатхона қўнғироқхонасининг томида ўтирди. Қаерга бормасин, чумчуқлар — бу зот ким бўлдийкин, деб чириқлашар, Қалдирғоч бундан чексиз ғурурланиб кетарди.

Осмонга ой қалқиб чиққанда, Қалдирғоч Бахтли Шаҳзоданинг ёнига қайтди.

— Мисрга доир нима топшириғинг бор?— деб сўради Қалдирғоч.— Мен ҳозироқ жўнаб кетяпман.

— Қалдирғоч, Қалдирғоч, жажжигина Қалдирғоч! Яна бир кечагина қола қол,— деб илтижо қилди ҳайкал.

— Мисрда йўлимга нигорон бўлиб ўтиришибди,— деди Қалдирғоч.— Эртага дўстларим Нилнинг иккинчи шоввасига парвоз қиладилар. У ерда, қамишзорларда гиппопотамлар яшайдилар, улкан мармар тахтада эса худо Мемнон¹ ўтиради. Тун бўйи у юлдузларга термулади, тонг шафағи жилваланиши билан эса қувонч билан уни олқишлайди, сўнг яна соқов бўлиб олади. Туш пайти сариқ шерлар дарё бўйига чанқоқларини қондиргани тушиб келишади. Уларнинг кўз-

¹ Мемнон — Қадимги Юнон афсонасига кўра Хабашистон (Эфиопия) шоҳи. Троя урушида грекларга қарши жанг қилиб, Ахиллес томонидан ўлдирилган. Унинг онаси — тонг худоси Эос ўғли учун Зевсдан абадий барҳаётлик сўраб олади. Фивадаги Миср фирави Аминхотиб III ни греклар Мемнон исми билан аташган. Тонг пайти одам овозига ўхшаш товуш чиқаргани учун, Мемнон — онаси Эос билан саломлашяпти, деб ҳисоблашган.

лари зумрад каби яшил, ўкириклари эса шаршаранинг товушини босиб кетади.

— Қалдирғоч, Қалдирғоч, жажжигина Қалдирғоч!— деди Шаҳзода.— Хув анови томонда, шаҳар четидаги чордоқда мен бир йигитни кўряпман. У столида ётган қоғозларга тикилиб ўтирибди; ёнидаги шиша идишда турган бинафшалар эса сўлиб ётибди. Сарғимтир сочлари тўзиган, лаблари анордек қизил, катта-катта кўзлари эса хаёлчан боқади. У Театр Директори учун ёзаётган пьесасини тугаллашга шошиляпти, аммо совуққотган бармоқлари аранг қимирляпти. Учоғида аллақачон олов сўнган, ўзи очликдан кўнгли озиб, хушидан кетай-кетай деб турибди.

— Бўпти, эрталабгача қолганим бўлсин!— деди чиндан ҳам кўнгилчан Қалдирғоч.— Унга ҳам лаъл олиб бораманми?

— Э-воҳ, менда энди лаъл йўқ!— ингради Шаҳзода.— Кўзларимдан бошқа ҳеч нарсам қолмади. Уларнинг йил муқаддам олис Ҳиндистондан келтирилган ғоят ноёб забаржалардан ясалган. Уларнинг бирини чўқиб ол ва ўша йигитга элиб бергин, уни заргарга пуллаб, ўтин сотиб олади ва пьесасини ҳам ниҳоясига етказди.

— Азизим, мен бундай қилолмайман!— деб йиғлай бошлади Қалдирғоч.

— Қалдирғоч, Қалдирғоч, жажжигина Қалдирғоч!— илтижо қилди Шаҳзода.— Илтимосимни бажо келтиргин.

Қалдирғоч ночор Бахтли Шаҳзоданинг кўзини чўқиб олди ва шоирнинг чордоғига томон парвоз қилди. Том тешик бўлгани учун у шу ердан қийинчиликсиз чордоққа кириб олди. Йигит юзини қўллари билан беркитиб ўтирарди. У ҳатто патиралаган қанот товушини ҳам эшитмади. Неча дақиқадан сўнгина, бошини кўтариб сўлғин гулдастанинг устида ётган қимматбаҳо тошга кўзи тушди.

— Ниҳоят қадримга ета бошлашибди!— қувонч билан хитоб қилди йигит.— Бу биронта ашаддий муҳлисимнинг совғаси бўлса керак. Энди пьесамни ҳам тугатсам бўлади.

Йигит ўзини жуда бахтиёр ҳис қилаётганди.

Эртасига эрталаб Қалдирғоч бандаргоҳга парвоз қилди. Катта бир кеманинг матчасига қўниб, тағхонасидан қандайдир юкларни арқон билан тортиб чиқара-

ётган денгизчиларнинг ишини тамоша қила бош-
лади.

— Ол-дик! Ол-дик!— қичқиришарди улар юк кў-
риниши билан.

— Мен Мисрга кетяпман!— деб қичқирди уларга
Қалдирғоч. Бироқ ҳеч ким унга эътибор бермади.

Ой чиққан маҳалдагина Қалдирғоч Бахтли Шаҳ-
зоданинг ёнига қайтиб келди.

— Сен билан хайрлашгани келдим!— деди у етиб
келиши билан.

— Қалдирғоч, Қалдирғоч, жажжигина Қалдир-
ғоч!— илтижо қилди Шаҳзода.— Яна бир кеча қол-
гин.

— Ҳозир қиш,— жавоб берди Қалдирғоч.— Тез ора-
да изғирин қор ёғиб беради. Мисрда эса қуёш чарақ-
лаб, хурмо дарахтларининг яшил япроқларини илит-
моқда. Тимсоҳлар лойқага чўзилиб, эринчоқлик билан
атрофга боқншмоқда. Дўстларим аллақачон Баалбек¹
ибодатхонасига уя солишмоқда. Оппоқ ва пушти ка-
бутарлар эса уларга тикилиб, бир-бирлари билан
ғув-ғувлашмоқдалар. Қадрли Шаҳзода, сени ташлаб
кетишга мажбурман; аммо ҳеч қачон сени унутмайман
ва албатта баҳорда ёнингга қайтиб келаман. Мисрдан
бояги тошлар ўрнига атиргулдан ҳам қизилроқ лаъл ва
денгиз тўлқинларидек мовий забаржад келтириб бера-
ман.

— Пастда, майдон четида гугуртфуруш қизча
турибди. У гугуртларини ариққа тушириб юбориб,
яроқсиз қилиб қўйди. Энди, уйига пулсиз борса, ота-
си уни ўлгудай дўппослайди. Шунинг учун ҳам қизча
йиғлаяпти. Оёғида на кавуши, на пайпоғи бор; бунинг
устига боши ҳам яланг. Нариги кўзимни ҳам ўйиб
олгин-да, қизчага элтиб бер. Шундай қилсанг, отаси
уни жазоламайди.

— Сен билан яна бир кеча қолишга розиман,— де-
ди Қалдирғоч.— Аммо кўзингни ўйиб олишни хоҳла-
майман. Ахир бутунлай кўр бўлиб қоласан-ку!

— Қалдирғоч, Қалдирғоч, жажжигина Қалдир-
ғоч!— илтижо қилди Шаҳзода.— Утинаман, илтимо-
симни рад этма.

¹ Ливандаги қадимий машҳур шаҳар. Рим ҳукмронлиги пай-
тида гуллаб-яшнаган; ажойиб иншоотларининг харобалари ҳозир ҳам
сақланиб қолган. Жумладан Юпитер ибодатхонаси.

Ноилож қолган Қалдирғоч Шаҳзоданинг иккинчи кўзини ҳам ўйиб, қизчанинг тепасига учиб келди ва жажжи қўлчасига ғаройиб забаржадни ташлади.

— Қандай ажойиб шишача!— қувониб кетди қизалоқ ва севинчини яширолмай, кулганча уйига чопқилади.

Қалдирғоч Бахтли Шаҳзоданинг қошига қайтиб келди.

— Энди бутунлай кўзларинг кўрмайдиган бўлиб қолди; шундай экан, умрбод сен билан қоламан.

— Йўқ, жажжи Қалдирғоч,— деди шўрлик Шаҳзода.— Сен Мисрга учининг керак.

— Умрбод сен билан қоламан,— сўзини қайтарди Қалдирғоч ва ҳайкалнинг оёқлари остига ётиб, уйқуга кетди.

Эртасига кунбўйи Қалдирғоч Шаҳзоданинг елкасида ўтириб, узоқ юртларда кўрган ғаройиб нарсалари ҳақида сўзлаб берди: Нилнинг саёз қирғоқларида саф тортиб, узун тумшуклари билан, олтин балиқчаларни тутиб ейдиган пушти иблис қушлар ҳақида, саҳрода яшайдиган ва ҳамма нарсадан воқиф, дунё каби кўҳна Сфинкс ҳақида, қаҳрабo тасбеҳ доналарини битта-битта ташлаб туяларининг ёнида оҳиста юриб борадиган савдогарлар ҳақида, катта биллур бўлагига сиғинадиган ва қора дарахтдек қора Ойдин Тоғларининг Шоҳи ҳақида, хурмо дарахтида ухлайдиган ва йнгирма нафар қоҳин асал кулчалар билан боқадиган улкан Зангори Илон ва мудом капалаклар билан жанг қилиб юрувчи, ясси ва кенг япроқларда кўл бўйлаб сузиб юрадиган митти одамлар ҳақида сўзлади.

— Қадрли Қалдирғоч!— деди Бахтли Шаҳзода.— Сен ҳайратомуз нарсалар ҳақида сўзлаяпсан. Аммо одамзод кулфатидан ҳам лол қиладиган нарса борми дунёда энг мушкул жумбоқ— ночорликдир. Жажжи Қалдирғоч, шаҳримни кезиб чиқиб, кўрган-эшитган нарсаларинг ҳақида сўзлаб бергин.

Бас, Қалдирғоч, парвоз қилиб, улкан шаҳарни бошидан охиригача учиб ўтди: муҳташам саройларда зиёфат-базм қиляётган давлатмандларни ва уларнинг остоналарида ўтирган камбағалларни кўрди; қоронғи ва тор кўчалар устидан ўтаётиб қоп-қора кўчаларга ғамгин боқаётган қоқсуяк болаларининг заъфарон юзларини кўрди. Кўприк остида икки болакай бир-бирининг пинжига кириб, совуқдан қақшаб ётардилар.

— Қорнимиз очқаб кетяпти!— деб зорланишарди улар.

— Бу ерда ётиш мумкин эмас!— ўдағайлади миршаб ва болакайларни яна ёмғирли кўчага ҳайдаб чиқарди.

Қалдирғоч ҳайкалнинг ёнига қайтиб, кўрган нарсалари ҳақида гапириб берди.

— Мени асл олтиндан ясашган,— деди Бахтли Шаҳзода.— Устимдаги ҳамма олтинни қаватма-қават кўчириб олгин-да, бева-бечораларга улашиб бергин. Пачора, одамлар бахт— олтинда, деб ўйлашади-да.

Қалдирғоч бу сафар ҳам ҳайкалнинг истагига қарши боролмади; олтин қаватларни бирма-бир кўчириб олгани сайин ҳайкал хиралашиб, ниҳоят қоп-қора тусга кирди. Қалдирғоч олтин парчаларни ғарибларга улашиб берди ва болаларнинг юзига қизил югуриб, кўчаларни тўлдириб, ўйин-кулги қила бошладилар.

— Энди бизнинг понимиз бор!— деб қичқирившарди улар.

Кейин қор ёғиб берди: қаттиқ совуқ бошланди. Кўчалар кумушдек ялтираб, уйларнинг бўғотларидан биллур ханжарларга ўхшаш сумалаклар осилиб тушишди; одамлар пўстинларига бурканиб, қизил қалпоқча кийган болалар муз устида сирпана бошладилар.

Бечора Қалдирғоч эса совуқдан титраб-қақшаб, бадани тобора музлаб борарди. Бироқ Шаҳзодани ташлаб кетишни хаёлига ҳам келтирмасди; уни жуда ҳам ёқтириб қолганди-да. У новвой кўриб қолмасин, деб биқинганча дўкон атрофида нон ушоқ териб ер, қизиб олиш учун ора-сира қанотларини патирлатиб қўярди. Ниҳоят, Қалдирғоч вақти соати етганини фаҳмлади; зўр қийинчилик билан сўнгги марта Шаҳзоданинг елкасига қўниб олди.

— Алvido, азизим!— деб шивирлади у.— Қўлингни ўпишга ижозат эт.

— Хайрият, охири Мисрга учиб кетаётганингдан жуда хурсандман,— жавоб берди Бахтли Шаҳзода.— Анчагина ҳаяллаб қолдинг ўзи. Аммо сени севиб қолдим: шунинг учун қўлимдан эмас, лабимдан ўпгин.

— Мисрга эмас, Марҳумлар Диёрига кетаётибман,— деди Қалдирғоч.— Ўлим — Тушнинг акаси-ку ахир, тўғрими?

Шундай дея Қалдирғоч Бахтли Шаҳзоданинг лабидан ўпди ва оёқлари остига йиқилиб, жон берди.

Худди шу пайтда ҳайкалнинг ичидан қандайдир нарсанинг синган товушига ўхшаш овоз эшитилди. Бу — чўрт бўлинган қалай юракнинг товуши эди. Ҳақиқатан ҳаво жуда совуқ эди-да.

Эртасига эрталаб, Шаҳар Ҳокими қуйидаги хиёбонда Маслаҳатчилари билан сайр қилиб юрарди. Шаҳзоданинг устунни ёнидан ўтиб бораркан, бошини кўтариб, ҳайкалга қаради.

— Ё худо! — деб қичқириб юборди Ҳоким. — Бахтли Шаҳзода жулдурвоқига айланиб қолибди-ку!

— Тўппа-тўғри, жулдурвоқининг худди ўзи! — деб тасдиқлашди ҳамма соҳада Ҳокимнинг фикрига қўшилган Шаҳар Маслаҳатчилари. Сўнг яхшироқ қараб чиқиш учун ҳайкалга яқинлашишди.

— Қиличига қадалган лаъл ғойиб бўлибди, — деди Ҳоким. — Кўзлари ўйиб олинди, энди у олтин ҳам эмас; тиланчидан фарқи қолмабди!

— Тўппа-тўғри, тиланчидан ҳам беш бадтар! — бир овоздан тасдиқлашди Маслаҳатчилар.

— Оёғининг остида эса қандайдир улкан қуш ётибди, — сўзида давом этди Ҳоким. — Дарҳол, қушларнинг бу ерда ўлишлари қатъиян ман қилинади, деган қарор чиқаришимиз лозим.

Шаҳар Кенгашининг Котиби шу заҳоти қарорни дафтарга ёзиб қўйди.

Шундай қилиб, Бахтли Шаҳзоданинг ҳайкали бу ердан олиб ташланди.

— У энди гўзалликдан бутунлай маҳрум! — дер эди Эстетика Профессори Университетда.

Ҳайкални оташдонда эритиб юборишганидан сўнг, Ҳоким Шаҳар Кенгашини чақириб, металдан нима қилиш хусусида маслаҳат солди.

— Ундан янги ҳайкал яшаш лозим ва у албатта менинг ҳайкалим бўлиши керак! — деб таклиф киритди Ҳоким.

— Менинг ҳайкалим бўлсин! — деб қичқиришди Шаҳар Маслаҳатчилари ва бир-бирлари билан ёқалаша бошладилар. Эшитишимча, улар ҳозир ҳам бир фикрга келолмаётган эмишлар.

— Ажабо, бу синган қалай юракни оташдонда эритиб бўлмаяпти-ку! — деди Пўлат Қуювчилар Бошлиғи ва уни ўлик Қалдирғоч ётган чиқиндилар орасига улоқтирди.

— Бу шаҳардаги иккита энг ноёб нарсани келтир-

гин,— фаришталаридан бирига амр қилди худо. Фаришта унга қалай юрак билан ўлик қушни келтирди.

— Жуда тўғри танлабсан,— деди таңгри.— Зотан бу қушча менинг жиннати боғларимда абадул абад хониш қилади, Бахтли Шаҳзода эса олтин кўшкимда менга мадхиялар тўқийди.



ХУДБИН ДЕВ

Ҳар куни, мактабдан қайтишда болалар Девнинг боғига кириб ўйнашни одат қилиб олишганди. Бу, ям-яшил майин майсалар ўсиб ётувчи катта сўлим бор эди. Чиройли гуллар у ер-бу ерда ўтлар орасида юлдузлардек очилиб ётар, ўн икки туп ўсган шафтоли дарахtlари эса баҳор пайти момик гавҳарий-пушти либос кийиб, куз келиши билан меваларга фарқ бўларди. Дарахtlарнинг шохида ўтирган қушлар шундай мастона куйлашардики, болалар кўпинча ўйинларини ташлаб уларнинг хонншларини тинглардилар.

— Бу ерда қандай яхши!— дейишарди улар бир-бирларига.

Кунлардан бир кун Дев уйига қайтиб келди. У корнуэллик оғайниси — одамхўр Девникига бориб, унинг уйида етти йил меҳмон бўлиб қайтганди. У эзмаликни ёқтирмасди, шу туфайли айтмоқчи бўлган гапларининг ҳаммасини етти йил мобайнида айтиб тугатди ва ниҳоят ўз қасрига қайтишга қарор қилди. Кела солиб не кўзи билан кўрсинки, боғида болалар ўйнашмоқда эди.

— Бу ерда нима қилаяпсизлар?— деб ҳайқирди у қўрқинчли овоз билан ва болалар шу заҳоти жуфтакни ростладилар.

— Боғ меники, фақат ўзимники,— деди Дев,— буни ҳамма билиши керак, бу ерда ўйнашга ўзимдан бошқа ҳеч кимга йўл қўймайман.

Шундай деб, Дев боғнинг атрофини баланд девор билан ўраб олди ва эълон осиб қўйди:

**Кириш ман қилинади!
Қондабузарлар жазога тортилади!**

У ниҳоят худбин Дев эди.

Бечора болаларга ўйнагани бошқа жой йўқ. Улар йўл устида ўйнаб кўрдилар, аммо у чанг ва қиррали тошлар билан тўла эди ва у ерда ўйнаш болаларга ёқмади. Энди болалар дарсдан сўнг баланд девор атрофида тентираб юришар ва унинг орқасидаги ажойиб боғни эслашарди.

— Қандай маза қилардик у ерда,— дейишарди улар бир-бирларига.

Кейин Баҳор келди, ҳамма жойда дарахтлар куртаклаб, жажжи қушчалар учиб кела бошладилар. Фақат Девнинг боғидагина ҳанузгача Қиш эди. Болаларнинг йўқлигидан қушлар ҳам у ерда куйлашни истамас, дарахтлар ҳам куртак чиқаришни унутгандилар. Бир кун чиройли бир гул майсалар орасидан ташқарига мўралади, бироқ, эълонга кўзи тушиши билан болаларга шундай ачиниб кетдики, шу заҳоти яна ер остига қайтиб уйқуга кетди. Бу ҳодисадан фақат Қор ва Аёзнинг бошлари осмонга етди.

— Баҳор бу боғни унутиб қолдирибди,— дейишди улар,— энди биз бу ерда йил бўйи яшашимиз мумкин!

Қор майсалар устига қалин ёпинчиғини ёпиб қўйди, Аёз эса барча дарахтларни кумуш рангга бўяди. Сўнгра улар Шимол Шамолини меҳмонга чақирдилар ва у дарҳол учиб келди. У бошдан-оёқ мўйнага бурканиб олганди. У кунбўйи боғ оралаб ва мўрининг ичида уввос тортиб кезинди.

— Бу ер жуда зўр экан!— деди Шимол Шамоли.— Биз Дўлни бу ерга таклиф этишимиз лозим.

Дўл ҳам ўзини кутдириб ўтирмади. У ҳар кун қасрнинг томида соатлаб ногора чалди, деярли барча ғишларини парчалаб ташлаганидан сўнг, зўр бериб боғ оралаб чопқиллади. У кулранг либосга ўралиб олган, нафаси эса муз каби совуқ эди.

— Қизиқ, нега Баҳор кечикяпти экан?— таажжубланди дераза тоқчасида совуқ, оппоқ боғига тикилиб ўтирган Худбин Дев.— Ҳаво тез орада ўзгаради, деб умид қиламан.

Аммо Баҳор келмади, Ёз ҳам келмади. Куз барча боғларни меваларга тўлдирди, Девнинг боғига эса қиё ҳам боқмади.

— У жуда ҳам худбин,— деди Куз. Девнинг боғида доим Қиш ҳукм сура бошлади, фақат Шимол Шамоли, Дўл, Аёз ва Қоргина шумшайган дарахтлар орасида рақсга тушардилар.

Кунлардан бир кун тўшагида бедор ётган Девнинг қулоғига ажиб бир мусиқа товуши чалинди. У шундай ёқимли эшитилдики, Дев — қасримнинг ёнидан қирол созандалари ўтиб кетмаётганмикан, деб ўйлади. Бу аслида жажжи тоғчумчуқ бўлиб, Девнинг деразаси остида куйлаётганди. Дев эса кўпдан бери қушларнинг хонишини эшитмаганидан чумчуқнинг чуғури унга дунёдаги энг ёқимли мусиқа бўлиб туюлди. Шу пайт боши узра чарх ураётган Дўл рақсини тўхтатди, Шимол Шамоли увлашини бас қилди ва очиқ деразадан ичкарига хушбўй ҳид кира бошлади.

— Ниҳоят Баҳор ҳам келди шекилли,— деди Дев ва тўшагидан сакраб тушди-да, деразадан ташқарига қаради.


Ва нимани кўрди денг?

У ажойиб манзарани кўрди. Болалар деворнинг торгина тирқишидан боққа кириб, дарахтларнинг шохига чиқиб олишганди. Қаёққа қарамасин, кўзи тушган барча дарахтларда болалар ўтиришарди. Уларнинг қайтиб келганларига дарахтлар шундай қувонишгандики, дарҳол гулга кириб, болаларнинг бошлари узра новдаларини майингина силкитардилар. Қушлар боғаро қувонч билан қанот қоқардилар, гуллар эса яшил майсалар орасидан мўралаб жилмаярдилар. Бу ғоят гўзал манзара эди, фақат боғнинг бир бурчагида ҳамон Қиш ҳукм сурарди. Бу боғнинг энг ичкари қисми эди ва у ерда бир болакай турарди. У шу қадар митти эдики, ҳатто дарахтнинг шохига ҳам қўли етмасди ва дарахтнинг атрофида айланганча, кўз ёшини тўкарди. Шўрлик дарахт ҳамон бошдан-оёқ қиров ва қор билан қопланиб ётар, Шимол Шамоли эса унинг теграсида увиллаб айланарди.

— Чиқиб ол, болакай,— деди Дарахт ва шохини имкони борича пастга эгди, аммо болакай жуда ҳам кичкина эди.

Бунини деразасидан кўриб турган Дев фавқулодда таъсирланиб кетди.

— Нақадар худбин эдим!— деди у.— Баҳорнинг нега бу ерга келмагани энди менга аён бўлди. Мен бу болакайни дарахтнинг энг учига ўтиргизиб қўяман ва



деворни бузиб ташлайман, бундан буён боғим ҳар доим болаларнинг ўйингоҳлари бўлади.

Дев ҳақиқатан ҳам қилган ишидан хижолат чекди.

Шу асно Дев оёғининг учида юриб зинадан тушди ва қасрининг олди эшигини очиб боғига чиқди. Аммо болалар уни кўришлари билан қўрққанларидан тумтарақай қочишди ва боққа яна Қиш қайтиб келди. Фақат жажжи болакайгина қочмади, чунки кўзлари ёшга тўлганидан Девнинг келаётганини ҳам сезмай қолганди. Дев эса унинг орқасидан билдирмайгина келиб, оҳиста қўлига олди-да, дарахтга ўтиргизиб қўйди. Ва дарахт шу заҳоти гуллади, қушлар учиб келиб шохдан-шохга сакраб куйлай бошладилар, болакай эса Девнинг бўйнидан қучоқлаб, юзидан ўпиб олди. Девнинг мулоим бўлиб қолганини кўрган болалар дарҳол югургилаб келишди, улар билан бирга Баҳор ҳам келди.

— Энди бу боғ — сизларники, кичкинтойлар, — деди Дев ва қўлига катта болтани олиб деворни бузиб ташлади.

Шу кундан бошлаб, туш пайти бозорга кетаётган кишилар Девнинг гўзалликда тенги йўқ боғида болалар билан ўйнаётганини кўрадиган бўлишди.

Улар кунбўйи ўйнадилар, кечқурун эса хайрлашгани Девнинг ёнига келдилар.

— Кичик дўстларинг нега кўринмайди? — деб сўради Дев. — Мен дарахтга ўтиргизиб қўйган бола-чи?

Дев уни ҳаммадан ҳам ёқтириб қолганди, чунки болакай уни ўпганди-да.

— Биз билмаймиз, — деб жавоб беришди болалар. — У қайгадир кетиб қолди.

— Эртага бу ерга келишни унга албатта айтиб қўйинглар, — деди Дев. Аммо болалар унинг қаерда яшашлигини билмасликларини, илгари уни сира ҳам учратмаганликларини айтишди. Буни эшитган Дев ғуссага чўмди.

Ҳар куни дарсдан сўнг болалар Дев билан ўйнагани келишарди. Девга ёқиб қолган болакай эса ортиқ кўринмади. Дев барча болаларга меҳрибон эди, шунга қарамасдан кичик дўстини соғинар ва тез-тез эслаб турарди.

— Уни нақадар кўргим келяпти! — дер эди у доим. Ииллар ўтди, Дев ҳам кексайиб, мункиллаб қолди. У энди богда ўйнай олмас, шунинг учун ҳам чуқур

курсисда ўтирган ҳолда болаларнинг ўйинларини томоша қиларди ва боғининг бу қадар гўзаллигидан фахрланиб кетарди.

— Менинг жуда кўп ажойиб гулларим бор,— дер эди у,— аммо болалар гуллардан ҳам аъло.

Қиш кунларининг бирида, эрталаб Дев кийинаётиб деразадан ташқарига қаради. Энди у Қишдан нафратланмасди, чунки Баҳорнинг уйқуга кетганини ва гулларнинг дам олаётганини биларди. Шу пайт у бир мўъжиза кўриб қолгандек ташқаридан кўзини узолмай қолди. Чиндан ҳам у ерда мўъжиза содир бўлганди. Боғнинг ичкарисиди бир дарахт оппоқ фаройиб либос кийган: новдалари олтиндан, кумуш мевалари пастга осилиб ётар, остида эса ўзи севиб қолган болакай турарди.

Бениҳоя қувониб кетган Дев югургилаб зинадан тушди ва боққа томон интилди. У катта-катта қадам ташлаб майсаларни тезда босиб ўтди ва болакайга яқинлашди. Аммо етиб келиши билан юзлари ғазабдан қизариб кетди.

— Сени яралашга ким журъат этди?— деб сўради Дев. У болакайнинг кифтларида ҳамда жажжи товончаларида иккитадан михнинг қолдирган жароҳатларини кўриб қолганди.

— Сени яралашга ким журъат этди?— ҳайқирди Дев.— Айт ва мен уни катта қиличим билан чопиб ташлайман.

— Йўқ!— жавоб берди болакай.— Ахир бу Муҳаббат жароҳати-ку!

— Айт, кимсан?— деб сўради Дев ва шу дам вужудини беҳад ҳаяжон ларзага солди ва жажжи болакайнинг оёқлари остига йиқилди.

Болакай эса Девга жилмайиб қаради ва деди:

— Бир кун сен боғингда ўйнашга менга рухсат берган эдинг, бугун мен сени Жаннат аталмиш боғимга олиб кетаман.

Туш пайти болалар ҳар галгидек боққа югургилаб келишганида оппоқ либосга чулганган дарахтнинг остида ўлиб ётган Девга кўзлари тушди.



БУЛБУЛ ВА АТИРГУЛ

«Қизил атиргул келтирсамгина у мен билан рақс тушмоқчи!»—деб хитоб қилди ёш Талаба,— аммо бутун бошли боғимда бир дона ҳам атиргул йўқ!

Эман дарахтидаги уясида ўтирган Булбул унинг зорини эшитиб, япроқлар орасидан ажабланиб қаради.

— Лоақал бир дона қизил атиргул ўсмаса-я!— яна нолди Талаба ва кўзлари жиққа ёшга тўлди.— О, бахт баъзан шундай арзимас нарсалар билан боғлиқ бўладики! Барча донишмандларнинг жами асарларини ўқиб чиқдим, фалсафанинг тагига етдим,— мана, энди биттагина қизил атиргулнинг йўқлигидан ҳаётим барбод бўлмоқда.

— Ниҳоят ҳақиқий ошиқни кўришга муяссар бўл-яман,— деди Булбул.— Уни неча тунлар куйладим, гарчи билмаган бўлсам ҳам, неча оқшом у ҳақида юлдузларга ҳикоя қилдим, ниҳоят ҳақиқий ошиқни кўриш насиб этди. Сочлари сумбулдек қора, лаблари ўзи орзу қилаётган атиргул каби ол, бироқ, ишқ даридан юзлари фил суягидек бўзариб, бутун қиёфаси ғуссага чўмган.

— Эртага кечкурун шахзода катта зиёфат бермоқда,— шивирлади Талаба,— унга севгилим ҳам таклиф этилган. Агар унга қизил атиргул келтирсам, у мен билан то тонгга қадар рақс тушади. Қизил атиргул келтирсам, уни қучоғимга олардим; у эса бошини елкамга қўярди ва мен қўлчаларидан ушлаб олардим. Аммо боғимда қизил атиргулнинг уруғи ҳам йўқ; шундай экан, сўппайиб ўтиришимга тўғри келади. У

ёнимдан тўхтамай ўтиб кетади. Ҳатто қиё ҳам боқмайди; мен эса куйиб кул бўламан!

— Бу йигит ҳақиқий ошиқ экан,— деди Булбул.— Мени мудом куйлашга мажбур қилиб келган нарса — уни қийноққа солмоқда; менга қувонч келтирувчи нарса — унинг учун ғусса бўлиб чиқяпти. Муҳаббат чиндан-да ажойиб: у олтиндан ҳам ноёб, зумраддан ҳам қадрлироқдир. Уни на дурга ва на ёқутга алиштириб бўлади; у бозорда ҳам сотилмайди.

— Болохонада чолғучилар дилрабо куйлар чалиб ўтиришади,— сўзида давом этди Йигит,— маҳбубам эса мусиқа садолари остида рақсга тушади. У шундай енгил, шундай нозик ҳаракатлар қиладики, оёқчалари ерга тегмайди; байрам либосига чулганган саройгирлар эса атрофида гирди-капалак бўлишади. Аммо мен билан рақс тушишни у хаёлига ҳам келтирмайди, чунки унга совға қилгани менда қизил атиргул йўқ!

Шундай дея Талаба майсалар устига йиқилди ва қўллари билан юзини беркитганча ҳўнграб юборди.

— У нега йиғлаяпти?— деб сўради шу ердан думчасини ликонглатиб ўрмалаб кетаётган Қалтакесак.

— Ҳа, ростдан ҳам нега йиғлаяпти экан?— деди қуёш нурлари билан қувлашмачоқ ўйнаётган Қапалак.

— Ростдан ҳам нега?— ҳамсоясига қараб шивирлади Дасторгул мулоҳим товуш билан.

— У қизил атиргул дардида йиғлаяпти, — деди Булбул.

— Атиргул дардида?— ажабланишди ҳаммалари.— Шунга шунчаликми: нақадар кулгили!

Беҳаёроқ бўлган Қалтакесак эса баралла кулиб юборди.

Фақат Булбулгина Талабанинг қайғусини тушунганди ва уясида жимгина ўтирганча, муҳаббатнинг сирлилиги ҳақида ўйларди.

Ниҳоят у жигарранг қанотларини ростлаб парвозга шайланди ва зум ўтмай ҳавога кўтарилди. У ўрмонзор, сўнгра чаманзор устидан учиб ўтди.

Ўтлоқзор ўртасида чиройли Атиргул тупи ўсиб турарди; уни кўрган Булбул дарҳол келиб гул шохига қўнди.

— Қизил атиргулингдан бирини менга бер,— деб хитоб қилди Булбул.— Эвазига энг суюкли қўшиғимни куйлаб бераман.

— Аммо Гултуп бошини чайқади.

— Менинг гулим қизил эмас,— деди у,— улар денгиз кўйигидек оқ, тоғ чўққиларидаги қордан ҳам оқроқ. Аммо сен акамдан сўраб боқ: у кўҳна қуёш соатининг тагида ўсади. Балки излаган нарсангни топиб берар.

Булбул кўҳна қуёш соатининг остида ўсадиган Гултуп томон парвоз қилди.

— Қизил атиргулиндан бирини менга берсанг-чи,— деб хитоб қилди Булбул.— Эвазига энг суйган қўшигимни куйлаб берардим.

Бироқ Гултуп бошини чайқади.

— Менинг гулларим қизил эмас,— деди у,— улар қаҳрабо тахтда ўтирадиган сув парисининг сочларидек сариқ, ўроқчининг ўроғи тегиб улгурмаган буғдой бошоғидек, ҳатто ундан ҳам сарғишроқ. Аммо сен акамдан сўраб кўргин: у Талабанинг деразаси остида ўсади: балки излаган нарсангни топиб берар.

Шундан сўнг Булбул Талабанинг деразаси остида ўсадиган Атиргул Тупи сари парвоз қилди.

— Қизил атиргулиндан бирини менга берсанг-чи,— деб хитоб қилди Булбул.— Эвазига энг суйган қўшигимни куйлаб берардим.

Бироқ Гултуп бошини чайқади.

— Менинг гулларим қизил,— деди у,— улар кабутарнинг панжаларидек ол, денгиз ости ғорларида баҳайбат елпигичлардек чайқалиб турадиган маржонлардан ҳам қизилроқ. Аммо қиш қон томирларимни қақшатди, куртакларимни аёз уриб кетди, бўрон эса шохларимни синдирди; бу йил энди битта ҳам атиргулим очилмайди.

— Атиги бир дона қизил атиргул берсанг бас,— илтижо қилди Булбул.— Атиги бир дона қизил атиргул, бошқа ҳеч нарса керак эмас! Балки уни топиш йўлини биларсан?

— Биламан!— деди Гултуп.— Аммо у шундай даҳшатли йўлки, айтишга сира ҳам тилим бормайди.

— Айтавер,— деди Булбул,— мен ҳеч нарсадан кўрқмайман.

— Агар қизил атиргулга эга бўлишни истасанг,— деди Гултуп,— уни ойдинда гўзал оҳанглардан яратишинг ва юрак қонинг билан қизартиришинг лозим. Кўкрагининг тиканимга қадаб менга қўшиқ куйлашинг лозим. Шунда тиканим нақ юрагингга санчилади

ва илиқ қонинг томирларимга қуйилиб, менинг қонимга айланади.

— Қизил атиргул жонни фидо қилишга арзийдиган нарса эмас,— хитоб қилди Булбул.— Ҳамманинг жони ўзига ширин. Ям-яшил ўрмонда туриб олтин аравасида ўтирган қуёшни ва марварид аравасида ўтирган ойни томоша қилиб ўтириш қандай яхши. Дўлананинг ҳиди қандай ҳушбўй, водийдаги мовий чучмомалар ва қирларда гуллаб ётувчи супургигуллар нақадар гўзал. Аммо Муҳаббат — Ҳаётдан кўра қадрлироқ. Бунинг устига қуш юрагини инсон юраги билан тенглаштириб бўлармиди!

Шундай деб Булбул жигарранг қанотчаларини ёйиб ҳавога парвоз қилди. У ўтлоқзор ва чаманзор устидан шарпадек учиб ўтди. Талаба ҳамон майсалар устида ётар, чиройли кўзларидаги ёш ҳам ҳали қуриб улгурмаганди.

— Қувонавер!— деб хитоб қилди Булбул.— Қувонавер, орзу қилган нарсангга эришадиган бўлдинг. Мен уни ойдинда гўзал оҳанглардан яратаман, қипқизил бўлиб очилиши учун унга қонимни қуяман. Эвазига сендан ҳақиқий ошиқ бўлишингни сўрайман. Чунки Муҳаббат Фалсафадан оқилроқдир. Ҳокимият қанчалик зўр бўлмасин, Муҳаббатчалик қудратли бўла олмайди. Унинг қанотлари оловранг, унинг бутун вужуди оловранг. Лаблари болдан тотли, нафаси эса худди баҳор шабадасига ўхшайди.

Талаба майсадан бошини кўтариб, тинглади, бироқ Булбулнинг сўзларига тушунмади: у китобда ёзилган нарсаларнигина биларди.

Эман эса тушуниб, ғуссага чўмди. Чунки у шохларига уя солган бу жажжи қушчани севиб қолганди.

— Сўнгги марта мен учун куйлаб бер,— деб шивирлади у,— сенсиз энди менга қийин бўлади.

Булбул Эманинг илтимосини қондирди; унинг хониши кумуш кўзадан қуйилаётган сувнинг товушига ўхшарди. У қўшиғини тугатиши билан Талаба ҳам ўрнидан турди ва чўнтагидан қалам ва дафтарчасини олиб уйига қараб юрар экан,— усули чакки эмас,— деб ўйлади.— Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлаверади. Аммо ҳис-туйғу деган нарса бормикин унда? Албатта, Булбул ундан маҳрум бўлса керак. Нафсиламрини айтганда, у ўз ишига моҳир-у, аммо зигирчалик самимияти йўқ рассомларга ўхшайди. У ҳеч қачон ўзгалар учун жо-

нини қурбон қилмайди, фақатгина мусиқа ҳақида ўйлайди. Умуман олганда, санъатнинг худбинликка ҳослигини ҳамма билади. Шунга қарамай, овозида баъзан гўзал оҳанглар пайдо бўлишини инкор этиш қийин, албатта. Афсуски, уларда на маъно бор ва на наф.

Шу ўй билан Талаба хонасига кириб кетди, торгина тўшагига ётиб ўз муҳаббати тўғрисида ўйлай бошлади ва тез орада уйқуга кетди.

Осмонга нурафшон ой қалқиб чиққанида, Булбул Атиргул тупининг қошига учиб келди-да, унинг новдасига қўниб кўксини тиканга қадади ва шу кўйи туни билан тинмай куйлади. Ссвуқ биллур Ой пастга энгашиб унинг қўшиғини тинглади. Булбул тун бўйи куйлади, тикан эса борган сари қаттиқроқ санчилар ва кўкрагидан илиқ қон сизиб чиқарди.

Аввал у йигит ва қиз қалбида туғилган муҳаббат ҳақида куйлади. Ва Гултупнинг энг узун бандида ажиб бир атиргул гунчалади. Қўшиққа қўшиқ уланган сайин, гулбаргга гулбарг қўшилди. Дастлаб атиргул дарё устидаги енгил тумандек рангпар, субҳидамдек хира ва тонг қанотларидек сиймин эди. Гултупнинг юқори новдасида очилган гул — Атиргулнинг кўзгудаги, Атиргулнинг сокин сув юзидаги акси каби эди.

Гултуп эса,— тиканга маҳкамроқ ёпишгин,— деб Булбулни қистарди.

— Қаттиқроқ ёпишгин, жажжи Булбулча, акс ҳолда атиргул батамом очилиб қизаргунча, тонг отиб қолади!

Буни эшитиб Булбул тиканга яна ҳам қаттиқроқ қапишди. Тикан кўксига чуқурроқ ботгани сайин, қўшиғи ҳам кучайиб борарди. Чунки у йигит ва қиз қалбида уйғонган юксак туйғу ҳақида куйларди. Мана, гулбарглар қайлиғининг лабидан бўса олаётган куёвнинг юзидек ол рангга кирди.

Аммо тикан ҳали Булбулнинг юрагига етиб борманган ва Атиргулнинг юраги ҳам оқлигича қолганди. Чунки фақат Булбулнинг қонигина гулнинг юрагини қизартира оларди.

Гултуп яна Булбулни шоширди.

— Қаттиқроқ ёпишгин, жажжи Булбулча, акс ҳолда гул очилиб бўлгунча, тонг отади.

Булбул унинг айтганини қилди ва тикан юрагига санчилиб, вужуди кучли оғриқдан ларзага келди.

Оғриқ кучайган сари Булбулнинг қўшиғи ҳам авжга минарди. Чунки у ўлимдагина такомилга етадиган ва абадий барҳаёт — Муҳаббат ҳақида куйлаётганди.

Ниҳоят ажойиб атиргул шарқ осмонидаги тонг шафағи янглиғ қизарди; унинг гултожи ҳам, юраги ҳам лаъли рангга кирди.

Булбулнинг овози эса тобора пасайиб борди, жажжи қанотчаларига титроқ кириб, кўзини қоронғилик қоплай бошлади.

Овози заифлашиб бораркан, бўғзига нимадир тикилгандек бўлди. Мана, у сўнгги марта овоз чиқарди. Бунни эшитган Ой тонгни ҳам унутиб, жойида қотиб қолди.

Қизил атиргул ҳам бунни эшитиб, жон ҳолатда тўлғонди ва муздек тонг ҳавосига қарата гулбаргларини ёзиб юборди. Акс-садо бу сасни ўзининг тоғдаги қизғиш ғорига олиб кетди ва уйқуда ётган чўпонларни уйғотиб юборди.

Бу сас дарёдаги қамишларга етиб борди ва қамишлар уни денгизга элтдилар.

— Қара, қара! — хитоб қилди Гултуп. — Атиргул қизил бўлиб очилибди. Аммо Булбул жавоб бермади. У юрагида санчилган тикан билан баланд ўсган ўтлар орасида ўлиб ётарди.

Туш пайти Талаба деразани очиб ташқарига боқди.

— О, қандай бахт! — қичқириб юборди у. — Мана, қизил атиргул. Умрим бино бўлиб бундай гўзал атиргулни кўрмаганман. Бу ғаройиб атиргулнинг албатта узундан-узун Лотинча номи бўлиши керак.

Шундай дея Талаба эгилиб гулни узиб олди.

Сўнгра қалпоғини кийиб, қўлида гул билан Профессорнинг уйига қараб югурди.

Профессорнинг қизи остонада ғалгакка кўк ипак толасини ўраб ўтирарди. Митти кучуги эса оёғининг остида ётарди.

— Сиз, қизил атиргул келтирсам, мен билан рақсга тушмоқчи эдингиз, — деди Талаба. — Мана, дунёдаги энг қизил Атиргул. Оқшомда уни юрагингизга яқинроқ жойга танғиб олинг. Рақсга тушаётган пайтимизда у сизни қанчалик севишимни айтиб беради.

Бироқ, қиз хўмрайиб олди.

— Менимча, у кўйлагимга унчалик мос тушмаса керак, — деб жавоб берди у. — Бунинг устига сарой Бошқарувчисининг жияни менга қимматбаҳо тош сов-

ға қилиб юборди. Унинг ҳар қандай гулдан ҳам анча қиммат туриши ҳаммага аён.


— Нақадар ношукур экансиз,— деди жаҳл билан Талаба ва атиргулни ерга улоқтирди. У йўлгага келиб тушди ва арава ғилдирақларининг остида эзилиб кетди.

— Ношукур!?— деди қиз.— Сизга айтсам, ўлгудек қўпол экансиз! Нимангизга кериласиз — билмайман. Ҳатто кавушингизда Бошқарувчининг жияниникидагидек кумуш ҳалқа бўлса, ўлай агар.

Шундай дея қиз ўрнидан туриб хонасига кириб кетди.

— Муҳаббат — бу қандай аҳмоқона нарса,— ўйлади Талаба уйига қайтар экан.— Унда заррача ҳам Мантиқ йўқ. У ҳеч нарсани исбот қилмайди, у донм амалга ошмайдиган нарсани ваъда қилади ва ёлғон нарсага ишонишга мажбур қилади. У мутлақо нобол нарса. Бас, асримиз — ишбилармонлар асри экан, яхшиси Фалсафага қайтганим ва Метафизикани ўрганганим маъқул.

Шундай қилиб Талаба хонасига қайтиб келди ва чағи босган катта китобни олди-да, мутולהага киришди.



ЯШИЛ МУШАК

Қиролнинг ўғли уйланиш тараддудида, шу боисдан ёшу қари шоду хуррам эди. Йигит йил бўйи кутди ва ниҳоят қайлиғи етиб келди. У рус маликаси бўлиб, Финляндиядан буёғига бутун йўлни олтига буғу қўшилган чанада босиб ўтди. Чана катта олтин оққуш шаклида эди ва қанотларининг орасида Малика ястаниб ётарди. У бошдан-оёқ узун сувсар либосга бурканган, бошига кичкина кумушранг қулоқчин кийганди, юзи эса ватанидаги қор саройидек оппоқ эди. Шундай оқ эдики, кўчадан ўтиб бораётганида уни кўриб одамлар ҳайратдан ёқа ушладилар.

— У худди Оқ атиргулга ўхшайди!— деб хитоб қилди одамлар ва Маликанинг бошидан гуллар сочишди.

Шаҳзода қайлиғини кутиб олиш учун қасрининг дарвозасидан чиқиб келди. Унинг кўзлари бинафшаранг эди ва хаёлчан боқарди, сочлари эса соф олтинга ўхшарди. У қайлиғини кўриши билан бир оёғида тиз чўкиб, Маликанинг қўлидан ўпди.

— Суратингиз ғоят гўзал эди,— деб шивирлади йигит, — аммо сиз ундан юз чандон сулувсиз!

Жажжи Маликанинг ёноқларига қизил югурди.

— У Оқ атиргулга ўхшарди,— деди ёш Маҳрам сарой хизматчиларидан бирига,— энди эса Қизил атиргулга ўхшаб қолди. Бу қиёслаш бутун сарой аҳлини қойил қолдирди.

Уч кунгача ҳамма — Оқ атиргул, Қизил атиргул, Қизил атиргул, Оқ атиргул, деб тинимсиз хитоб қилиб юрди, қирол эса Маҳрамнинг ойлигини икки ҳисса ошириш ҳақида буйруқ берди.

Маҳрамнинг умуман ойлик олмаслигини назарда тутсак, бундан у ҳеч нарса ютмади, аммо иззат-эътибори кескин ошиб кетди ва бу воқеа Сарой Рўзномаси саҳифаларида атрофлича ёритилди.

Уч кундан сўнг тўй маросими нишонланди. У ниҳоятда дабдабали ўтди: Келин ва Куёв қўл ушлашиб, майда марваридлар қадалган лоларанг духоба соябон остида турдилар. Кейин зиёфат тортилди. Базм беш соат давом этди. Шаҳзода ва Малика танобий хонанинг тўрида ўтирдилар ва шаффоф биллур қадаҳдан май ичдилар. Фақат ҳақиқий ошиқларгина бу қадаҳдан ичишлари мумкин эди, зеро риекор лаблар тегиши билан у сўниқ, хира ва кулранг тусга кириб қоларди.

— Уларнинг бир-бирларини севишлари ойдек равшан,— деди бояги Маҳрам.— Мана бу биллур қадаҳдек равшан. Қирол унинг ойлигини иккинчи марта оширди.

— Қандай шараф!— бир овоздан хитоб қилишди сарой хизматчилари.

Зиёфатдан сўнг рақс бошланди. Куёв ва Келин Атиргул рақсига тушишлари керак эди. Қирол эса сурнай чалиб бермоқчи бўлди. У ниҳоятда расво чаларди, аммо буни айтишга ҳеч ким журъат этолмасди, ахир у Қирол эди-да. Аслида у атиги иккита куйни биларди ва қайси бирини чалаётганини ўзи ҳам сира билмасди. Аммо бунинг мутлақо аҳамияти йўқ эди, негаки Қирол нимаки қилмасин, ҳамма бир овоздан «Ажойиб! Ажойиб!»— деб хитоб қиларди.

Байрам қоқ ярим кечада зўр мушакбозлик билан тугаши керак эди. Жажжи Малика умри бино бўлиб мушакбозликни кўрмаганди. Шу боисдан тўй кунини ўтказиладиган мушакбозликни Қирол шахсан Сарой Мушакбозининг гарданига юклади.

— Мушакбозлик? У нимага ўхшайди?— деб сўради Малика Шаҳзодадан эрталаб айвонда сайр қилиб юришганда.

— Шимол Шафағига,— деди доим бировга берилган саволга жавоб берадиган Қирол.— Аммо ҳақиқийсига қараганда анча табиийроқ. Шахсан мен мушакбозликни юлдузларнинг шуъласидан афзал кўраман, зеро уларнинг ёниши олдиндан маълум, қолаверса мушакбозлик менинг сурнайдаги машқим сингари ажойиб. Сиз албатта уни кўришингиз керак.

Мана, Қирол боғининг бурчагига баланд сўри ўрнатилиб, Сарой Мушакбози керакли нарсаларни жой-жойига ўрнатиб бўлганидан сўнг мушаклар ўзаро суҳбат бошладилар.

— Олам нақадар гўзал!— деб хитоб қилди Кичкина Мушак.— Манави сариқ лолаларга ҳам бир қараб қўйинглар-а. Нимасини айтасиз, ҳақиқий мушак оловларидан ҳам яхши-я! Мен саёҳат қилганимдан жуда бахтиёрман. Саёҳат ҳайрон қоларли даражада ақлни пешлайди ва жаҳолатдан халос этади.

— Аҳмоқсан, Кичкина Мушак,— деди Катта Рум Мушаги.— Қирол боғи— бу ҳали бутун олам дегани эмас. Оламнинг чеки йўқ ва у билан батафсил танишиб чиқаман десанг, уч кун вақтинг кетади.

— Қаерни ёритсанг, сен учун ўша ер бутун оламдир,— деб хитоб қилди ғамгин Фаввора Мушак. У дастлаб эски қарағай тахтага маҳкам боғланган эди ва ўзича пора-пора бўлган юраги билан фахрланарди.— Аммо энди севги одат бўлмай қолди, уни шоирлар мақтайвериб ўлдирдилар. Оқибатда ҳеч ким севгига ишонмай қўйди, бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ. Ҳақиқий ошиқ азоб чекади ва сукут сақлайди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, мен ҳам бир вақтлар... Дарвоқе, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Муҳаббат ўтмиш бўлиб қолди.

— Сафсата!— деди Рум Мушаги.— Муҳаббат ҳеч қачон ўлмайди. У ойга ўхшайди, у абадий. Мана, масалан, бизнинг келин-куёв бир-бирларини ниҳоятда севишади. Улар ҳақидаги ҳамма нарсани бугун эрталаб тасодифан мен билан бир қутига тушиб қолган ва саройдаги сўнгги янгиликлардан хабардор бўлган қоғоз портлагичдан эшитдим.

Бироқ, Фаввора Мушак бошини чайқади.

— Муҳаббат ўлган, Муҳаббат ўлган, Муҳаббат ўлган,— деб шивирлади у. Узоқ вақт айтилаверадиган нарса ниҳоят ҳақиқатга айланади, деб ҳисоблайдиган кишилар тоифасига мансуб эди у.

Тўсатдан қаттиқ, қуруқ йўтал товуши эшитилди ва ҳаммалари ўгирилиб қарадилар.

Йўталган — узун калтакнинг учига боғланган, новча ва кўринишдан такаббур Яшил Мушак эди. У ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиш учун ҳар доим гапиришдан олдин йўталиб оларди.

— Ух-хў! Ух-хў!— деб йўталди у. Бошини чайқаб

«Муҳаббат ўлган», деб шивирлашда давом этаётган Фаввора Мушакдан бошқа ҳамма унга қизқиқиб қаради.

— Дикқат! Дикқат!— деб қичқирди Бенгал Олови. У сиёсатга аралашиб турар ва ҳар доим маҳаллий сайловларга фаол қатнашиб келарди. Шунинг учун ҳам у парламент ибораларидан усталик билан фойдаланарди.

— Бутунлай ўлган,— деб шивирлади Фаввора Мушак ва уйқуга кетди.

Яшил Мушак эса учинчи марта йўталди ва сўзини бошлади. У ғоят паст овозда, гўё хотираларини айтиб ёздираётгандек дона-дона қилиб гапирарди. У мурожаат қилаётган кишисига донм юқоридан қарарди. Қисқаси, у ҳаммадан ўзини баланд тутиши билан ажралиб турарди.

— Шаҳзоданинг бахти чопган экан,— деди у,— ахир у айнан мени осмонга учиривадиган куни никоҳдан ўтади-да. Шаҳзодалар доим омадли бўлишади.

— Наҳотки!— деди Кичкина Мушак.— Мен эса бунинг акси деб ўйлабман, яъни бизни Шаҳзоданинг никоҳи муносабати билан осмонга учиривади, дебман.

— Сизни балки шунинг учун учиривар,— деди яшил Мушак.— Сизга шундай қарашларига ҳатто шубҳаям қилмайман, аммо менинг йўриғим бошқа. Мен ниҳоятда ажойиб Мушакман ва ажойиб ота-онадан бунёд бўлганман. Онам бир вақтлар энг машҳур Фаввора Мушак бўлган, ўзининг жозибали рақси билан ном қозонган. У халойиқнинг қаршисида намойиш этган машҳур ижроси вақтида сўнгунича ўн тўққиз марта айланган ва ҳар айланганида осмонга етита пушти юлдузлар сачратган. Унинг диаметри уч ярим фут эди ва энг яхши порохдан ясалганди. Отам эса ўзимдек Мушак эди, бунинг устига келиб чиқиши француз эди. У шундай юксакка кўтарилдики, бутунлай қайтиб тушмаса-я, деб ҳамма юрак ҳовучлаб турди. Аммо у қайтди, чунки жуда кўнгилчан эди ва кўзни қамаштиргудек ярқираб олтин ёмғир бўлиб сочилди. Рўзнамалар унинг ижросини кўкларга кўтариб ёритишди. Сарой Рўзнамаси ҳатто уни Мушакбозлик санъатининг зўр ғалабаси деб атади.

— Сиз Мушакбозлик демоқчи эдингиз, Мушакбозлик,— деди Бенгал Олови.— Мен биламан, у Мушак-

бозлик деб аталади, буни қутимдаги ёзувдан ўқиб билганман.

— Мен Мушакбозлик деб айтдим,— деди Яшил Мушак қаҳрли овоз билан. Бенгал Олови ўзини тарсаки егандек ҳис этди ва шу заҳоти ўзининг чакана шахс эмаслигини намоиш қилиш учун кичик Мушакларнинг жиғига тега бошлади.

— Мен деётгандимки,— сўзида давом этди Яшил Мушак,— деётгандимки... нима ҳақда гапираётгандим ўзи?

— Ўз ҳақингизда гапираётгандингиз, — деб жавоб берди Рум Мушаги.

— Ҳа, албатта. Шуниси эсимдаки, қандайдир қизиқ нарса тўғрисида гапираётганимда, кимдир қўполлик билан сўзимни бўлиб қўйди. Мен бениҳоя таъсирчанман, шунинг учун ҳам қўполликни ва аҳмоқона қилиқларни кўтаролмайман. Ишончим комилки, мен каби таъсирчан зот бутун дунёда топилмайди.

— Таъсирчан зот? Бу нима дегани?— деб сўради Портлагич Рум Мушагидан.

— Бу — ўзининг қадоғи қийнагани учун доим бошқанинг оёғини босадиган шахс дегани,— деб шивирлади Рум Мушаги ва Портлагич кулавериб портлаб кетишга сал қолди.

— Хўш, сиз нега кулаяпсиз?— деб сўради Яшил Мушак.— Мен ахир кулмаяпман-ку.

— Ўзимни жуда бахтиёр ҳис қиляпман,— деб жавоб берди Портлагич, шунинг учун куляпман.

— Бу ниҳоятда худбинона сабаб,— деди ғазаб билан Яшил Мушак.— Ўзингизни бахтли ҳис қилишга нима ҳақингиз бор? Бошқалар тўғрисида ўйласангиз бўларди, тўғрироғи менинг ҳақимда ўйласангиз бўларди. Мен доим ўзим ҳақимда ўйлайман ва бошқалардан ҳам худди шунини кутаман. Буни илтифот дейдилар. Илтифотлилик эса ажойиб фазилатдир. Менинг ўзим энг юксак фазилат эгасиман. Масалан, фараз қилинг, шу оқшом мен билан бир нарса содир бўлди — ҳамма учун бу нақадар бахтсизлик бўларди! Келин ва Куёв энди ҳеч қачон бахтли бўла олмасдилар, уларнинг биргаликдаги бутун ҳаётлари барбод бўларди. Қиролга келсак — у буни кўтара олмаслиги аниқ. Гапнинг очиги, мавқеимнинг нақадар муҳимлигини ўйласам кўзим ёшланиб кетади.

— Бошқаларга хурсандчилик бағишлаш ниятингиз

бор экан,— деб хитоб қилди Рум Мушаги,— намиқишдан сақланганингиз маъқул.

— Албатта-да,— деди анча ўзига келиб қолган Бенгал Оловн,— бу жўн ва оқилона фикр.

— Хм-м... Жўн эмиш!— деди Яшил Мушак ғазабланиб.— Менинг нечоғли ажойиб эканлигимни унутиб қўйган кўринасизлар. Тасаввурн ожиз кишиларгина оқилона фикрга эга бўладилар. Менинг тасаввуротим эса ниҳоят даражада бой, чунки ҳар доим мен нарсаларни ўз ҳолича эмас, тескарисини тасаввур қиламан. Намиқишимга келсак, менимча бу ерда ҳеч ким хассос қалб нима эканлигини билмайди. Ҳайриятки бу мени заррача ҳам ташвишга солмайди. Фақат биргина нарса ҳаётим давомида менга куч бағишлаб келади. Бу ҳаммангиздан устунлик ҳиссидир ва мен доимо қўлимдан келганча бу хислатни ўзимда ривожлантириб келганман. Аммо сизларда юрак деган нарса йўқ. Бу ерда сизлар ўйин-кулгуга шундай берилгансизки, гўё Шаҳзода ва Малика никоҳдан ўтишни хаёлларига ҳам келтирмагандек.

— Ие, ўйин-кулги қилсак нима қилибди? Ахир бу ғоят шодна воқеа-ку,— деди Олов Пуфак¹. Осмонга кўтарилганимда, бу ҳақда албатта юлдузларга ҳикоя қиламан. Ҳали кўрасиз, уларга келиннинг нақадар зеболиги ҳақида гапираётганимда менга кўзларини қисншади.

— Хим, нақадар қолоқлик!— деди Яшил Мушак.— Аммо мен худди шундай бўлишини кутгандим. Сизлардан бир нима чиқиши қийин: шундай пўксизларки, Шаҳзода ва Малика яшагани дарё ёқасида жойлашган бирорта қишлоққа бордилар, деб фараз қилинг. Эҳтимол, улар малласоч ва кўзлари отасиникидек бинафшаранг жажжигина ўғил кўришар, эҳтимол, кунлардан бир кун энагаси уни олиб сайрга чиққан пайтда катта қарағай бутасининг остида ухлаб қолар ва бола чуқур дарёга тушиб чўкиб кетар— унда нима бўлади? Қандай мусибат! Шўрлик ота ва она ёлғиз ўғилларидан жудо бўлсалар-а! Чиндан ҳам оғир мусибат! Мен бунни сира ҳам кўтара олмайман.

— Аммо улар ҳали ёлғиз ўғилларидан айрилган—

¹ Олов Пуфак — ранг-баранг мушаклар билан учириладиган ва маълум баландликда портлайдиган махсус пуфак.









ларича йўқ-ку,— деди Рум Мушаги.— Ҳали ҳеч қандай бахтсизлик содир бўлгани йўқ.

— Мен айрилдилар деганим йўқ,— деб жавоб берди Мушак,— айрилиб қолишлари мумкин дедим. Бинобарин, ёлғиз фарзандларидан айрилиб қолган тақдирларида, ортиқча гапга сира ҳожат қолмаган бўларди. Подадан олдин чанг чиқарадиган кишиларни жиним суймайди. Аммо Шаҳзода ва Маликанинг биттаю битта ўғилларидан жудо бўлишларини ўйласам кўнглим шундай бузилиб кетадики...

— Бунга шубҳа қилмасаям бўлаверади,— деб қичқирди Бенгал Олови.— Ростини айтсам, сиздек кўнгли бузуқни умримда кўрмаганман.

— Мен эса сизга ўхшаган кўполни биринчи марта кўриб туришим,— деди Яшил Мушак.— Менинг Шаҳзодага бўлган дўстлик туйғуларимни тушунишга мутлақо ожизсиз.

— Сиз у билан ҳатто таниш ҳам эмассиз-ку,— деб тўнғиллади Рум Мушаги.

— Қачон у билан танишман дедим,— жавоб берди Мушак,— таниш бўлганимда у билан ҳеч қачон дўстлашмаган бўлардим. Ўз дўстингни яқиндан билиш хавфли-ку, ахир!

— Ҳарҳолда намиқишдан сақлансангиз ёмон бўлмасди,— деди Олов Пуфак,— энг муҳими шу.

— Бу сиз учун муҳим,— деб жавоб берди Мушак.— Бунга шубҳам йўқ. Мен агар хоҳласам йиғлаб юборишим мумкин. Шундай деб Мушак чиндан ҳам йиғлай бошлади. Кўзёшлари унинг калтагидан ёмғир гомчиларидек сирғалиб оқди ва шу пайтда биргаликда яшаш учун қулай ва қуруқ жой излаб турган иккита минти кўнғизни чўктираёзди.

— Бу зот чиндан ҳам таъсирчан экан, бўлар-бўлмасга йиғлайверади,— деди Фаввора Мушак ва қарамай тахтаси ёдига тушиб чуқур хўрсиниб қўйди.

Аммо Рум Мушаги ва Бенгал Олови ғазабланиб, инчагача «Бўлмаган гап! Сафсата!»— деб қичқиришди. Улар хийлагина эслик зотлар эдилар ва кўнгилларига ўтирмаган нарсани Сафсата деб атардилар.

Бир пайт осмонга ғаройиб кумуш қалқонга ўхшаган ой қалқиб чиқди, юлдузлар порлай бошладилар, сарой тарафидан эса мусиқа садолари эшитилди.

Шаҳзода ва Малика рақсни бошлаб бердилар. Улар шундай ғаройиб ўйнардиларки, узун оппоқ нилуфар-

лар ҳовуздаги ойнадай сувдан мўралаб, уларни томоша қилишар, катта-катта қизил кўкноргуллар оҳангга қараб бошларини чайқардилар.

Мана, соат ҳам ўнга занг урди, кейин ўн бирга занг урди ва ниҳоят миллари ўн иккини кўрсатиб, ярим кеча бошланганидан дарак берганида ҳаммалари саройдан айвонга чиқиб келишди. Қирол эса Сарой Мушакбозини ҳузурига чақиртирди.

— Буюраман, мушакбозлик бошлансин!— деди Қирол ва Сарой Мушакбози чуқур таъзим адо этиб, боғнинг ичкарасига йўл олди. Ортидан қўлларида узун калтакка маҳкамланган машъала тутган ёрдамчилари эргашдилар.

Бу чиндан ҳам улуғвор манзара эди.

«Визз! Визз!»— этиб Фаввора Мушак пириллаб чарх урди.

«Бум! Бум!»— этиб Рум Мушаги парвоз қилди. Сўнгра Мушаклар боғ узра хиром қилдилар. Бенгал Оловлари ҳар тарафга қирмизи шуъла таратдилар.

— Яхши қолинглар! — деб қичқирди Олов Пуфак мовий кўкиш учқунлар сачратиб учаркан.

«Банг! Банг!»— деб ўнга жавоб қилишди қувончга тўлган Портлагичлар. Яшил Мушакдан бошқа мушакбозликнинг барча иштирокчилари катта муваффақиятга эришдилар. У эса йиғлайвериш шундай намиққанки, учиршига мутлақо яроқсиз бўлиб қолганди. Ундаги энг арзирли нарса портлагич эди ва у кўзёшидан намланиб, бутунлай яроқсиз ҳолга тушиб қолганди. У менсимайдиган бошқа мушаклар эса олов баргли олтин гуллардек осмонга парвоз қилдилар.

— Ура! Ура!— деб қичқиришди Сарой аъёнлари, жажжи Маликанинг эса қувончи ичига сиғмай кулиб юборди.

— Менимча, каминани махсус тантанали вазиятга сақлаб туришибди,— деди Яшил Мушак.— Бунга сира шубҳа қилмайман. Шу ўй билан у илгаригидан ҳам кеккайиб кетди.

Эртаси куни боғни тартибга келтириш учун Фаррошлар келишди.

— Бу албатта вакиллар бўлса керак,— деди Мушак.— Мен уларни обрўйимни тўкмасдан кутиб олишим лозим.— У бурнини осмонга кўтариб, ўта муҳим нарсалар ҳақида бош қотираётган кишидек қовоғини уйиб олди. Аммо фаррошлар Яшил Мушакни мутлақо

пайқамадилар, фақат кетаётганларидагина уларнинг бири тасодифан уни кўриб қолди.

— Буёққа қаранглар-чи,— деб қичқирди Фаррош,— қандай бало Мушак ётибди бу ерда?— Сўнгра у Мушакни олиб деворнинг ортига ариққа отиб юборди.

— Бало Мушак? Бало Мушак?— деб хитоб қилди у деворнинг устидан учиб ўтаётганида.— Бўлиши мумкин эмас! Аъло Мушак деди шекилли бу одам. Бало ва аъло деярли бир хил эшитилади ва умуман олганда деярли доим бир хил нарсани англатади,— шундай дея у балчиққа келиб тушди.

— Унчалик қулай жойга ўхшамайди,— деди у,— аммо шубҳасиз бу қандайдир шифохона бўлиши керак, мени бу ерга соғлигимни тиклаш учун юборишган-ов. Асабларим ростдан ҳам ишдан чиққан, албатта дам олишим зарур.

Шу пайт унинг ёнига кўзлари асл тошлардек ялтироқ, эгнига олачипор зангор тўн кийган кичкина бир қурбақа сузиб келди.

— О, кимни кўряпман,— кимдир меҳмон бўлиб келипти-ку! Ростини айтганда дунёда балчиқдан яхши нарса йўқ. Тамомила бахтли бўлиш учун менга яхшигина ёмғирли ҳаво ва ариқ бўлса бас. Сиз нима деб ўйлайсиз, кечга томон ёмғир ёғармикин? Бунга у қадар шубҳа қилмайман, аммо афсуски осмон кўм-кўк ва булутсиз.

— Ўх-хў Ўх-хў!— деди Мушак ва йўтала бошлади.

— Овозингиз нақадар ёқимли!— деб хитоб қилди қурбақа.— У қуриллашга ўхшайди, ахир қуриллаш дунёдаги энг ёқимли мусиқа-ку. Бугун кечқурун бизнинг катта ашуламизни эшитасиз. Биз фермернинг уйи ёнидаги эски Ўрдак ҳовузда турамиз ва ой чиқиши билан хонишимизни бошлаймиз. Бу шундай ақлга сизмас нарсани, ҳеч кимни ухлатмайди— ҳамма бизни тинглайди. Узоққа бориб ўтирмайлик, кечагина фермернинг хотини онасига бизни деб тун билан мижжа қоқмай чиққанини айтди. Ўзингни бу қадар эътиборли эканлигингни ҳис қилиш қандай роҳат.

— Ўх-хў! Ўх-хў!— ғазаб билан йўталди Яшил Мушак. У ҳатто бир оғиз гап қистиришга ҳам имкон бермаётганларидан бўғилаётганди.

— Гап йўқ, чиндан ҳам қойилмақом овоз,— сўзида давом этди Қурбақа.— Ўрдак ҳовузимизга қадам

ранжида қиласиз деган умиддаман. Мен қизларимни излагани кетяпман. Олтига қизим бор. Чўртанга дуч келиб қолишларидан қўрқяпман. У ашаддий махлуқ қизларимни тап тортмай еб қўяди. Хўп, хайр бўлмаса, ишонтириб айтаманки, суҳбатимиз менга ғоят ҳузур бағишлади.

— Ҳим, суҳбат эмиш!— деди Мушак.— Шунча вақтдан бери фақат ўзингиз гапирдингиз-ку! Шу ҳам суҳбат бўлдимми?

— Кимдир тинглаши керак-ку, ахир,— эътироз билдирди Қурбақа,— ҳамма гапни бир ўзим гапиришни ёқтираман. Бу вақтни тежайди ва ихтилофнинг олдини олади.

— Бироқ мен ихтилофни хуш кўраман,— деди Мушак.

— Қўйсангиз-чи,— деди Қурбақа ишонч билан.— Ихтилоф — бу ниҳоятда ёмон нарса, ҳарҳолда яхши жамиятда ҳамманинг нуқтан назари бир хил бўлади. Яна бир карра хайр, ҳувв нарида қизларим кўриняпти.— Шундай деб кичкина Қурбақа сузиб кетди.

— Сиз жуда миждов ва сира тарбия кўрмаган зот экансиз,— деди Мушак.— Мен сизга ўхшаган — ўзи ҳақида гапирадиган шахслардан нафратланаман. Мендек бир зот ўзи тўғрисида гапираман деб турганда сизга ўхшаган кимсалар ўзлари ҳақида гапира бошласалар нафратим қўзиб кетади. Мен бунинг худбинлик деб атайман, худбинлик эса жирканч нарса. Айниқса менга ўхшаган кишилар учун, ахир менинг илтифотлигим ҳаммага маълум-да. Қисқаси, мендан ўртак олсангиз бўларди, тақлид қилишга бошқа арзийдиганроқ намуна топишингиз амримаҳол. Шундай қулай имконият вужудга келганда, маслаҳатим, уни қўлдан чиқарманг, чунки мен ҳозироқ саройга қайтмоқчи бўлиб турибман. Саройда мавқеим ниҳоят даражада баланд: бўлмасам-чи, кечагина Шаҳзода ва Малика менинг шарафимга никоҳдан ўтдилар. Албатта, қишлоқи бўлганингиз учун булардан беҳабарсиз.

— Унга гапиришдан нима маъно,— деди баланд жигарранг қамишпоянинг учида ўтирган ниначи,— мутлақо фойдасиз, ахир аллақачон кетиб бўлган-ку.

— Э, ўзининг фойдасини билмаса, менга нима,— деб жавоб берди Мушак.— Уни деб гапимни тўхтатайми? Мен ўзимни ўзим тинглашни ёқтираман. Бундан жуда-жуда ҳузур қиламан. Мен тез-тез ўзим билан

Ўзим узундан-узоқ суҳбатлашиб тураман ва тан олиб айтганда шу қадар дономанки, баъзан гапираётган гапларимни ўзим ҳам тушунмай қоламан.

— У ҳолда сиз албатта фалсафадан ваъз айтишингиз керак,— деди Ниначи ва ажойиб ҳарир қанотчаларини ёйиб ҳавога кўтарилди.

— Учиб кетгани жуда аҳмоқона иш бўлди-да,— деди Мушак.— Ишончим комилки, дунёқарашини бойитиш учун унга бундай имконият ҳар доим ҳам насиб қилавермайди. Дарвоқе: бу билан зигирчалик ҳам ишим йўқ. Мендек даҳоларни бир кунмас бир кун албатта тан оладилар. Шундай дея у балчиққа яна ҳам чуқурроқ ботди.

Бир оздан сўнг унинг ёнига катта Оқ Ўрдак сузиб келди. Унинг оёқлари сариқ, панжалари пардасимон эди ва назокатли қадам ташлаши туфайли ниҳоятда гўзал парранда саналарди.

— Ғақ, ғақ, ғақ,— деди Ўрдак,— қаддингиз нақадар ғалати! Сўрашга журъат этсам, бу тугмами, ёки биронта бахтсиз ҳодисанинг натижасими?

— Бутун умрингиз қишлоқда ўтгани шундоқ кўриниб турибди,— деб жавоб берди Мушак,— акс ҳолда кимлигини билган бўлардингиз. Шундай бўлса ҳам подонлигингизни кечираман. Ҳаммаям мендай машҳур бўлавермайди албатта. Менинг осмону фалакка учиб, ерга зумрад ёмғирдек ёғилишимни эшитсангиз, шубҳасиз, ҳайратдан бармоғингизни тишлаб қоласиз.

— Катта кетвордингиз чоғи,— деди Ўрдак.— Бундан кимга манфаату кимга наф? Мабодо ҳўкиздеки ер ҳайдаганингизда, ёки от каби арава тортганингизда ва ё ит каби қўйларни қўриқлаганингизда эди,— йўриғи бошқа бўларди.

— Азизим,— деб хитоб қилди Мушак, кеккайиб,— азизим, кўриб турибманки, сиз энг қуйи табақага мансуб экансиз. Менинг тоифамдаги зотлар ҳеч қандай фойда келтиришмайди. Биз маълум гўзал одат-қилиқларга эгамиз, шунинг ўзи мутлақо кифоя қилади. Шахсан мен ҳеч қандай юмушни, айниқса, сиз лутфан тавсия қилаётган ишларни хушламайман. Ростини айтсам, нима қиларини билмайдиган кишиларгина оғир меҳнатдан нажот топадилар, мен доимо меҳнаткашлар ҳақида шундай фикрдаман.

— Яхши, яхши,— деди хийла муросаеоз, ҳеч қачон биров билан жанжаллашмайдиган Ўрдак,— ҳамма-

нинг диди ҳар хил. Ҳарҳолда биз билан шу ерда яшаб қоласиз, деган умиддаман.

— Азизим, нима деяпсиз?— деб қичқирди Мушак.— Мен бу ерда меҳмонман, ҳурматли меҳмонман ҳолос. Гап шундаки, бу ер ҳаддан ташқари зерикарли: на киборлар жамияти бор ва на ҳаловат. Бу ер аслида ғирт қишлоқнинг ўзи. Мен Саройга қайтсам бўлмайди шекилли, негаки, ўйлашимча пешонамга дунёга довруғ солиш битилган.

— Бир пайтлар мен ҳам жамоат ишларида қатнашмоқчи бўлганман,— деди Ўрдак.— Жуда кўп нарсалар ҳали ислоҳга муҳтож. Мен ҳатто яқинда мажлисни бошқарганман ва унда дидимизга ўтирмаган нарсаларга қарши қарор қабул қилганмиз. Лекин бирон бир жиддийроқ ўзгариш бўлганини билмайман. Шунинг учун ҳам ҳозир уй ишлари билан бандман ва онланнинг гамини ёмоқдаман.

— Мен эса,— деди Мушак,— узоқ-яқин барча қариндош-уруғим билан жамоат ишлари учун яратилганман. Биз қаерда пайдо бўлмайлик, барчанинг эътиборини жалб қиламиз. Менга ҳали бирор марта ҳам халқ олдида чиқиш насиб қилгани йўқ. Аммо чиққудек бўлсам борми— ниҳоятда қойилмақом манзара бўларди. Уй ишларига келсак, булар кишини тез қарилади ва юксак нарсаларни ўйлашдан чалғитади.

— Эҳ! Юксак нарсалар— нақадар ажойиб!— деб хитоб қилди Ўрдак.— Уларни ўйлаб, қорнимнинг очқанини эсладим.— У «Ғақ, ғақ, ғақ», деганича ариқнинг қуйи томонига қараб сузиб кетди.

— Қайтинг! Қайтинг!— деб чинқирди Мушак.— Мен сизга яна жуда кўп нарсаларни айтмоқчиман.

Аммо Ўрдак унга мутлақо эътибор бермади.

— Даф бўлганидан ғоят хурсандман,— деди Мушак.— Унинг дунёқараши шундай торки.

Шундай дея у балчиққа яна ҳам чуқурроқ ботди ва ёлғизлик— даҳонинг қисмати экани ҳақида ўйлай бошлагандики, бу пайт қозонча ва шох-шабба кўтарган оқ пешгирли икки болакай қирғоқ ёқалаб чопқиллаб келиб қолишди.

— Булар вакиллар шекилли,— деди Мушак на иложи борица ўзини улуғвор кўрсатишга ҳаракат қилди.

— Буёққа қара! — деб қичқирди болалардан бири.— Қандайдир чирик калтак ётибди! Қизиқ, бу

ерга қаердан келиб қолдийкин?— У Мушакни ариқдан чиқариб олди.

— Чирик Калтак эмиш!— деди Мушак.— Бу нимаси? Менимча у йирик калтак демоқчи бўлди. Йирик Калтак— бу хийла хушқадинган сўз. У мени Сарой Амалдорларидан бири деб ўйлади шекилли.

— Кел,— уни гулханга ташлаймиз,— деди иккинчи бола.— Қозонимиз тезроқ қайнайди.

Болалар шох-шаббаларни бир жойга уйиб, устига Мушакни ташладилар ва остидан ўт ёқиб юбордилар.

— Мана бу қойил!— деб хитоб қилди Яшил Мушак.— Улар мени ҳаммага кўринсин деб, куппа-кундуз кунни осмонга қўйиб юбормоқчилар.

— Энди ухлаб олсак ҳам бўлади,— дейишди болалар.— Уйғонгунимизча қозон ҳам қайнаб қолади. Болалар майсалар устига чўзилиб кўзларини юмдилар.

Мушак ниҳоятда нам тортгани, шунинг учун ҳам анчагача алаңгалана олмади. Ниҳоят у ёна бошлади.

— Ҳозир мен учаман!— деб қичқирди у ва қоматини ростлаб шай бўлиб турди.— Ишончим комилки, юлдузлардан ҳам баландга, ойдан ҳам баландга, қуёшдан ҳам баландга учиб чиқаман. Шундай баландга учаманки... Визз! Визз! Визз!

Ва у тикка ҳавога кўтарилди.

— Маза!— деб қичқирди у.— Мен шу кўйи абадий учаман. Нақадар катта муваффақият!

Бироқ ҳеч ким уни кўрмади.

— Ҳозир мен портлайман!— деб қичқирди у,— бутун дунёни оловга чулғайман ва шундай шов-шув кўтараманки, йил бўйи ҳеч ким бошқа нарсалар тўғрисида гаплашмайдиган бўлади.— Сўнг у ростдан ҳам портлаб кетди:

— Пақ! Пақ! Пақ!— деб ёрилди портлагич.— Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлаверади. Бироқ ҳеч ким, ҳатто иккала бола ҳам ҳеч нарсга эшитмадилар, чунки улар донг қотиб ухлаб ётардилар.

Энди Яшил Мушакдан фақат калтак қолгани ва у ариқ бўйлаб сайрга чиққан Ғознинг орқасига келиб тушди.

— Ие!— деб қичқирди Ғоз.— Ёмғирнинг ўрнига калтак ёғяпти шекилли...

У дарҳол сувга шўнғиди.

— Катта шов-шув кўтаришимни билган эдим,— деб вишиллади Мушак ва сўнди.



ЮЛДУЗ-БОЛА

Кунлардан бир кун икки қашшоқ Ўтинчи қалин қарағайзор ўрмон оралаб уйларига қайтишаётганди. Қиш кечаси эди, атрофда қаттиқ совуқ ҳукм суларди. Ер усти ва дарахт новдалари қалин қор билан қопланганди: ўтинчилар зич ўсган дарахт ва буталар орасидан ўтиб бораётганларида музлаб қолган новдалар чарс этиб синардилар. Тоғ Шаршарасининг олдига келганларида эса унинг ҳавода қотиб қолганини кўрдилар, чунки уни Қор Маликаси ўпганди-да.

Совуқ шу қадар қаттиқ эдики, ҳатто қушлар ва ҳайвонлар ҳам бу тасодифдан тамомила ўзларини йўқотиб қўйдилар.

— Уф!— гингшиди Бўри думини қисганча буталар орасидан сакраб ўтаркан.— Ҳаво ҳам шунақа даҳшатли бўладими? Ҳукуматнинг кўзи қаёқда экан?

— Вийт! Вийт! Вийт!— чуғурлашди зангор Тоғ-чумчуқлар.— Момо Ер ўлди ва уни оппоқ кафанга ўрадилар.

— Ер турмушга чиқмоқчи, бу эса унинг никоҳ либоси,— бир-бирларига шивирлашди Мусичалар. Уларнинг жажжи пушти оёқчалари совуқдан қотиб қолганди, аммо улар ҳаётга романтика кўзи билан қарашни ўз бурчлари деб ҳисоблардилар.

— Сафсата!— ириллади Бўри.— Сизга айтсам, ҳаммасига ҳукумат айбдор, агар гапимга ишонмасаларинг, барингни еб қўяман.— Бўри хийла фаросатли эди ва баҳслашганда ҳам, эзмаланмасдан лўндасини айтиб қўя қоларди.

— Мендан сўрасангиз,— деди туғма файласуф ҳи-

собланган Қизилиштон,— мени табиат ҳодисаларининг илмий тафсилотлари сира ҳам қизиқтирмайди. Агар нарса қандай бўлса, шундай нарсалигича қолаверади, ҳозир эса ўлгудек совуқ.

Совуқ ҳақиқатан ҳам ўлдиргудек эди. Баланд арчаларнинг қавагида яшайдиган жажжи Олмахонлар бир оз исиниб олиш мақсадида тумшукларини бир-бирларига ишқашар, Қуёнлар эса ўз уяларида гужи-ниб ётишар ва ташқарига қарашга журъат этишолмасди. Ўрмондаги жонзотлар ичида фақат шохли катта бойўғлиларгина бу совуқдан мамнун кўринардилар. Уларнинг патлари шундай музлагандики, пировардида бутунлай қотиб қолди. Аммо бу ҳол уларни мутлақо ташвишлантормади; улар катта-катта сариқ кўзларини бақрайтирганча бутун ўрмон бўйлаб:— У-уу! У-уу! У-уу! Ҳаво нақадар ажойиб!— деб, бир-бирларига овоз бериб ўтиришарди.

Икки Ўтинчи эса жон-жаҳдлари билан бармоқларига куҳ-куҳлаганча нағалли этиклари билан музга айланган қорни босиб ҳамон қарағайзор ўрмон оралаб боришарди. Бир марта улар қор билан тўлган чуқурликка ағанаб тушдилар ва у ердан айланаётган тошпарракнинг ёнида турган тегирмончилардек оппоқ бўлиб чиқдилар; бошқа сафар улар музлаган ботқоқликнинг қаттиқ ва силлиқ яхи устида сирпаниб тушиб, боғлаган ўтинларини сочиб юбордилар ва йиғиштириб қайтадан боғлашга мажбур бўлдилар. Яна бир гал эса улар адашаёздилар ва тасвишлаб бўлмайдиган даҳшатга тушдилар, зеро Қор Маликаси ўз қучоғида ухлаб қоладиганларга нақадар бераҳм бўлиши уларга маълум эди. Бироқ улар барча сайёҳларнинг йўлини беҳатар қиладиган Авлиё Мартиннинг ёрдамига умид боғладилар ва ўзлари қолдирган из бўйича бир оз орқага қайтдилар. Кейин эса улар ўта эҳтиёткорлик билан йўл юриб, ниҳоят ўрмон ёқасига чиқиб олдилар; узоқда, қуйидаги водийда қишлоқларининг шуъалари милтиллаб кўринарди.

Ахири ўрмондан қутулиб чиққанларидан қувониб кетган Ўтинчилар бор овозлари билан кулиб юбордилар. Шу тобда водий кўзларига қумуш гул, тепасидagi ой эса олтин гул бўлиб кўринарди.

Аммо кулиб бўлганларидан сўнг камбағалликлари эсларига тушиб, яна ғуссага чўмдилар ва улардан бири иккинчисига деди:

— Нега бунчалик қувониб кетдик? Ахир ҳаёт биздақангилар учун эмас, фақат давлатмандлар учун яхши-ку! Ундан кўра ўрмонда совуқдан қотганимиз ёки ёввойи ҳайвонларга ем бўлганимиз яхши эмасмиди?

— Тўғри,— деди шериги.— Баъзи бир кишиларга жуда кўп нарса, бошқаларга эса ҳаддан ташқари оз нарса берилган. Дунёда ноҳақлик ҳукмрон: у жуда озчиликка бахт ато этади, ғам-ғуссани эса сахийлик билан улашади.

Утинчилар пешоналарининг шўрлигидан нолиб туршиганда ажойиб ва гаройиб ҳодиса рўй берди: гўзал ва бениҳоя ёруғ бир юлдуз осмондан узилиб ерга қулади. Унинг фазо бўйлаб бошқа юлдузлар орасидан думалаб тушаётганини анграйганча кузатиб турган Утинчиларга у — турган жойларидан нарироққа, унча катта бўлмаган қўйхонанинг ёнидаги қари толларнинг ортига қулагандек туюлди.

— Ахир бу олтин парчаси-ку, уни ахтариб топиш керак! — деб барабар қичқириб юборишди Утинчилар ва шу заҳоти югуриб кетишди — олтин илинжи уларни шундай очкўзлик ҳолига солиб қўйганди.

Аммо Утинчилардан бири иккинчисига қараганда тезроқ югурарди; у дўстини ортда қолдириб, тезлик билан толларни кесиб ўтди... ва нимани кўрди деи! Оппоқ қор устида бир нарса чиндан ҳам олтиндек ярақлаб ётарди. Утинчи кела солиб уни қўлига олди ва кўтариб турган нарсаси — жилвадор юлдузлар билан зийнатланган, этаклари эса қаттиқ осилиб тушган олтин матоҳдан тикилган ёмғирпўш эканини кўрди ва дарҳол осмондан тушган хазинани топганлиги ҳақида ўртоғига қичқириб хабар қилди. Шериги етиб келгач, икковлари қорга чўкка тушиб, ичидаги олтинларни ўзаро бўлиб олиш мақсадида ёмғирпўшнинг қатларини очдилар. Бироқ, афсуски, улар на олтин, на кумуш ва на бошқа хазина топмадилар, балки ухлаб ётган гўдакни кўрдилар. Ҳафсаласи пир бўлган Утинчи шеригига қараб нолиди.

— Барча умидимиз пучга чиқди: биз каби фақирларга аслида омад ёр бўлмайди! Инсон учун гўдакдан қандай фойда бўлиши мумкин! Кел, уни шу ерда қолдирайлик-да, йўлимиздан қолмайлик. Ахир ўзимиз камбағал бўлсак, ўзимизники ҳам етиб ортади, бошқаларни ўйлаб, ўз болаларимизнинг нонини яримта қилолмаймиз-ку!

Аммо иккинчи Утинчи бошини чайқади.

— Йўқ, гўдакни музлагани шу ерда, қор устида ташлаб кетишдек ёвузлик қилиш ярамайди. Гарчи камбағалликда сендан қолишмасам ҳам, уйимдаги нонхўрлар сеникидан кўпроқ ва қозоним ҳам кунда қайнамаса-да, мен бу гўдакни бари бир уйимга олиб бо-
раман, хотиним ҳам унга ғамхўрлик қилади.

Шундай дея у болани оҳиста кўтариб олди-да, қақшатқич аёздан сақлаш учун уни ёмғирпўшга ўраб, қишлоғи томон йўл олди. Шериғи эса унинг аҳмоқлиги ва кўнгилчанлигидан қаттиқ ажабланди.

— Болани сен олдинг, энди менга ёмғирпўшини бер, топилмани ўзаро бўлиб олишимиз керак-ку, ахир,— деди у қишлоққа етиб келишгач.

— Йўқ, бермайман, чунки бу ёмғирпўш меники ҳам эмас, сеники ҳам эмас, у — боланинг ўзиники,— деди Утинчи ва дўсти билан хайрлашиб уйига яқинлашди-да, эшикни тақиллатди.

Эшикни хотини очди ва эрининг соғ-саломат қайтиб келганини кўриб, бўйнига осилиб ўпа бошлади, сўнгра елкасидан ўтин боғини олиб этикларини қордан тозалагач, уйга таклиф қилди.

Бироқ Утинчи ичкарига кирмади ва хотинига деди:

— Мен ўрмондан бир нарса топиб келдим, сен унга ғамхўрлик қилишинг керак.

— Нима нарса экан, билсак бўладими?— деб сўради хотини.— Тезроқ кўрсатсанг-чи, уйимиз қуп-қуруқ, ўзимиз кўп нарсага муҳтожмиз, ахир.

Утинчи ёмғирпўшни очиб хотинига ухлаб ётган гўдакни кўрсатди.

— Вой шўрим!— деб шивирлади хотини куйинчалик билан.— Ўзимизнинг болаларимиз етмагандек, бу ҳаромини ҳам нонимизга шерик қиламизми? Эҳтимол у бизга бахтсизлик келтирар? Қолаверса, уни қандай парвариш қилиш кераклигини ким билсин?— Хотин эридан ниҳоятда ғазабланиб кетди.

— Тушунсанг-чи, ахир, бу Юлдуз-бола-ку,— деди Утинчи ва болани қандай қилиб топгани ҳақидаги гаройиб воқеани сўзлаб берди.

Бироқ аёл ҳовуридан тушмади, аксинча, эрини масхаралаб қарғай бошлади.

— Ўзимизнинг болаларимиз оч ўтиришсаю бир бегона болани боқсак! Бизга ким ғамхўрлик қилади, ким бизга бир бурда нон беради?— деб қичқирди.

— Худо чумчуқнинг ҳам раҳмини ейди, унга ризқ беради,— деб жавоб берди эри.

— Қанча чумчуқлар қишда очликдан ҳалок бўлишади?— деб сўради аёл.— Ёки ҳозир қиш эмасми?

Аммо Ўтинчи жавоб бермади, остонадан ҳам ҳатлаб ўтмади.

Шу пайт ўрмон томондан изғирин шамол эсиб, ўзини очик эшикка урди. Аёл сесканиб қунишиб олди ва эрига қараб:— Нега эшикни ёпмай турибсан? Шамолнинг совуқлигини қара, қақшаб кетдим-ку,— деди.

— Тошюрак одамларнинг уйи ҳаммавақт совуқ бўлади,— деб жавоб берди Ўтинчи. Хотини ҳеч нарса демади, фақат оловга яқинроқ сурилиб олди. Аммо бир неча дақиқадан сўнг эрига ўгирилиб қараганда, кўзлари жиққа ёшга тўлганди. Ўтинчи тез ичкарига кириб, болани хотинининг тиззасига қўйди. У эса болани ўпиб, кенжа ўғилчасининг ёнига — беланчакка ётқизиб қўйди. Эртасига эрталаб Ўтинчи ғаройиб олтин ёмғирпўшни олиб катта сандиққа яшириб қўйди, хотини эса боланинг бўйнидан каҳрабо маржонни олиб, уни ҳам сандиққа солди.

Шундай қилиб, Юлдуз-бола Ўтинчининг болалари билан бир товоқдан ош еб, бирга ўйнаб ўса бошладди. Илдан-йилга боланинг чиройига чирой қўшилар, қишлоқ аҳли эса унинг гўзаллигини кўриб, ҳайратдан бармоқларини тишлашарди, чунки уларнинг барчаси қорача қорасоч бўлишса, боланинг юзи фил суягидан ясалгандек оппоқ ва бежирим эди, олтин жингала сочлари наргиснинг гулбаргларидек, лаблари — қизил гунчадек, кўзлари эса жилғанинг тиниқ сувидаги бинафшанинг аксидек эди. Қалди-қомати ўроқчининг қадами етмаган қалин майсалар ўртасида ўсган гулдек келишган эди.

Аммо гўзаллик Юлдуз-болани ёвуз қилиб қўйди негаки, у худбин, такаббур ва бағритош бўлиб улғайганди-да. Ўтинчининг болаларига ва умуман қишлоқдаги барча болаларга у юқоридан қарарди.— Чунки,— дер эди у,— барча болалар паст табақадан, мен эса — олий насабман, зеро Юлдуздан туғилганман.

У болаларни таҳқирлар, уларни қулларим, деб атарди. Ғариб-ғураболарга, кўзи ожизларга, мажруҳ нотавонларга унинг сира раҳми келмас, аксинча, уларни тошбўронга тутиб, қишлоқдан ҳайдаб чиқарарди ва орқаларидан,— бу ерга тилангани иккинчи кела кўр-

манглар,— деб қичқирарди. Бора-бора биронта ҳам тиланчи — ноиложликдан юрак бетлаб келганларни мустасно қилганда — қишлоққа иккинчи марта қадам қўймайдиган бўлишди. Юлдуз-бола ўзининг гўзаллигига ўзи мафтун бўлиб қолганди, нотавон ёки хунуқларни эса ҳамманинг ичида мазаҳ қиларди. Ўзини эса ниҳоят даражада севарди ва ённинг шамолсиз кунларида руҳонийнинг боғидаги ҳовузнинг лабига ётиб олиб, ўзининг паричеҳрасига тикилар ва гўзаллигига маҳлиё бўлиб, қувонганидан кулиб юборарди.

Ўтинчи билан хотини доимо унга:

— Нега сен бу бахтсиз, дунёда битта ҳам яқин кишини бўлмаган шўрпешоналарни хафа қиласан, ахир биз сенга шундай муомалада бўлмадик-ку? Нега ёрдамга муҳтож кишиларга бераҳмлиқ қиляпсан?— дейишарди.

Кекса руҳоний ҳам неча марта уни ҳузурига чақиртириб, тангри яратган ҳар қандай мавжудотга меҳрибон бўлишни ўргатишга уриниб, насиҳат қиларди.

— Қапалакни ўзингга ука деб бил, унга зиён етказма. Ўрмонда учиб юрган қушлар — эркин мавжудотдирлар: эрмак қиламан деб уларга тузоқ қўйма. Худо чувалчангни ва кўрсичқонни яратиб, уларни ҳам ўзларига яраша жой билан таъминлаган. Сен кимсанки, тангри яратган мавжудотларга озор етказмоққа журъат этяпсан? Ахир далада ўтлаб юрган мол ҳам яратганига ҳамду сано айтади-ку!

Бироқ Юлдуз-боланинг қулоғига гап кор қилмасди, у фақат хўмрай ва нафратомуз тиржайарди, сўнгра тенгқурлари олдига югуриб, уларни хоҳлаганча хўрлай бошларди. Тенгқурлари ҳам унга бўйсунитарди, чунки у чиройли ва чаққон бўлиш билан бир вақтда рақс тушишни, куйлашни ва сурнай чалишни биларди. Шунинг учун ҳам Юлдуз-бола қаерга бошламасин, болалар унга эргашишар, нимани буюрмасин, дарҳол итоат этишарди. У кўрсичқоннинг шусиз ҳам заиф кўзларига учи ўткир қамишни суқиб олганда, болалар завқланиб кулишди, моховни тошбўронга тутганда ҳам улар кулиб туришаварди. Юлдуз-бола ҳаммавақт ва ҳамма нарсанда болаларнинг йўлбошчиси эди, пировардида болалар ҳам у каби тошбағир бўлиб қолишди.

Кунлардан бир куни қишлоқ йўлидан бир бахти қаро тиланчи аёл ўтиб қолди. Қўйлаги жулдурвоқи, ялангоёқлари йўллардаги чағир тошлар тилаверганидан қонга бўялган, бир сўз билан айтганда, аёл ниҳоят даражада аянчли аҳволда эди. Тинка-мадори қуриган аёл дам олиш мақсадида каштанининг тагига ўтирди.

Шу пайт уни Юлдуз-бола кўриб қолди ва дарҳол ўртоқларини чақирди.

— Қаранг! Ажойиб ям-яшил дарахтнинг остида жирканч ва ифлос тиланчи ўтирибди. У шундай ёқимсиз ва тасқараки, яхшиси, юринглар, уни ҳайдаб юборамиз,— деди у ва аёлга яқинлашиб, тош отиб мазах қила бошлади. У бошини кўтариб болага қаради ва бирдан даҳшатдан қотиб қолган кўзларини унга тикканча, бақрайиб қолди. Бироқ, бостирманинг тагида хода йўнаётган Ўтинчи Юлдуз-боланинг қилаётган қилиғини кўриб, югуриб келиб уни койнй бошлади.

— Ҳақиқатан ҳам юрагинг тошдан экан, шафқат нима эканини билмайсан. Бу шўрлик аёл сенга нима ёмонлик қилди, нега уни бу ердан ҳайдаяпсан?

Юлдуз-бола бу гапни эшитиб ғазабдан қизариб кетди.

— Сен ўзинг кимсанки, мени тергаяпсан? — деди у депсиниб.— Мен сенинг ўғлинг эмасман ва сенга қулоқ солишга мажбур эмасман.

— Тўғриликка тўғрику-я,— деди Ўтинчи,— аммо сени ўрмондан топиб олганимда бераҳмлик қилмаган эдим-ку.

Шу пайт уларнинг гапларини эшитиб турган тиланчи аёл қаттиқ қичқирганча ҳушидан кетиб йиқилди. Ўтинчи дарҳол уни кўтариб, уйга олиб кетди; хотини эса уни ўзига келтира бошлади. Аёл кўзини очгач, эрхотин унинг олдига нон-сув қўйиб, унга жой берганларидан хурсанд эканликларини айтишди.

Бироқ аёл ейишни ҳам, ичишни ҳам истамади ва Ўтинчига қараб, деди:

— Болани ўрмондан топдим, дединг, шу гап ростми? Бунга роппа-роса ўн йил бўлди, шундай эмасми?

— Ҳа, худди шундай,— деб жавоб берди Ўтинчи.— Мен уни ҳақиқатан ҳам ўн йил бурун ўрмондан топиб олганман.

— Бола билан бирга яна бошқа нарса топмадингми?— деб хитоб қилди аёл.— Бўйнида қаҳрабо маржонни бормиди? Ўзи юлдузлар билан зийнатланган олтин ёмғирпўшга ўралган эмасмиди?

— Тўппа-тўғри,— деди Ўтинчи ва сандиқда сақланаётган ёмғирпўшни ва қаҳрабо маржонни олиб аёлга кўрсатди.

Бу нарсаларни кўрган аёл қувонганидан йиғлаб юборди.

— Бу бола — менинг ўғлим; уни ўрмонда йўқотиб қўйгандим. Илтимос қиламан, уни тезда чақиртириб кел, уни топаман деб бутун дунёни кезиб чиқдим ахир!

Ўтинчи билан хотини ташқарига чиқиб Юлдуз-болани чақирдилар ва у келгач: «Уйга кир, у ерда сени онанг кутиб ўтирибди», дедилар.

Юлдуз-бола эса ҳам қувониб, ҳам ҳайратланиб ичкарига отилди, аммо ўзини кутиб ўтирган аёлга кўзи тушиши билан:

— Хўш, менинг онам қаерда экан? Бу ерда мана бу жирканч тиланчидан бўлак ҳеч ким йўқ-ку!— деб қичқирди ва нафрат билан кулиб юборди.

— Мен сенинг онангман,— деди аёл.

— Сен ақлдан озган кўринасан,— ғазаб билан қичқирди Юлдуз-бола.— Мен сенинг ўғлинг эмасман, ахир сен тиланчисан-ку, бунинг устига бадбашара ва жулдурвоқисан. Қани, туёғингни шиқиллатиб қол-чи, ифлос башарангни иккинчи бу ерда кўрмайин.

— Аммо сен чиндан ҳам менинг ўғлимсан, сени ўрмонда туққанман,— деб қичқирди аёл ва боланинг оёғига йиқилиб, йиғлаб юборди.— Сени қароқчилар ўғирлаганлар ва ҳалок қилиш учун ўрмонга ташлаб кетганлар. Сени кўришим билан танидим, таниганимнинг исботи тариқасида олтин ёмғирпўшнинг ва қаҳрабо маржоннинг номларини айтдим. Ўтинаман, мен билан юр, сени топаман деб бутун дунёни кезиб чиқдим, ахир. Мен билан юр, ўғилгинам, меҳрингга ғоят ташнаман.

Бироқ Юлдуз-бола кипригини ҳам қоқмай, аёлнинг оҳ-зори учун қалбининг эшикларини тақа-тақ ёпиб қўйди, энди орага чўккан жимликни, ғам-аламдан ўртапаётган аёлнинг йиғисигина бузиб турарди.

Ниҳоят бола тилга кирди. Унинг овози совуқ ва нафратомуз янгради.

— Агар менинг онамлигинг рост бўлганда,— деди у,— бу ерга келиб мени шарманда қилмаган бўлардинг. Ахир мени сенга ўхшаган қандайдир тиланчи эмас, балки Юлдуз туққан, деб ўйлагандим-да. Шунинг учун кет бу ердан, иккинчи қорангни кўрсатма.

— Э-воҳ,— деб қичқирди аёл.— Ўғлим, наҳотки хайрлашиш олдидан онангни ўпмасанг? Ахир сени топаман деб озмунча қийналмадимми?

— Йўқ,— деди Юлдуз-бола,— шу қадар жирканч-санки, мен учун сени ўпгандан — илонни ёки бақани ўпиш осонроқ.

Шундан сўнг тиланчи аёл ўрнидан туриб йиғлаганча уйни тарк этди ва ўрмонга кириб кўздан ғойиб бўлди. Юлдуз-бола эса унинг кетганини кўриб ниҳоятда қувониб кетди ва ўртоқлари билан ўйнагани ошиқди.

Улар эса болани кўришлари билан кула бошладилар.

— Ахир сен бақадек жирканч, илондек қабиҳсан-ку. Йўқол бу ердан, биз билан бирга ўйнашингни истамаймиз,— деб қичқирдилар ва уни боғдан ҳайдаб чиқардилар. Юлдуз-бола бу гапни эшитиб ўйланиб қолди ва ўзича: «Булар нима дейишяпти ўзи! Ҳозироқ ҳовузга бориб, сувга қарайман ва у менинг гўзаллигимни айтиб беради»,— деб, дарҳол ҳовузга бориб, унинг ичига қаради ва нимани кўрди денг! Юзи худди бақаникидек, бадани эса илонникидек танга-танга пўст билан қопланганди. Юлдуз-бола ўзини майсалар устига ташлаб йиғлаб юборди.

— Бу жазо менга қилган гуноҳларим эвазига юборилган бўлса керак,— деди у ўзига-ўзи.— Ахир мен ўз онамдан юз ўгириб, уни ҳайдаб юбордим, унинг олдида кеккайиб кетдим ва бағритошлик қилдим. Энди йўлга равона бўлишим, уни топмагунимча бутун дунёни излаб чиқишим лозим. Унгача дам олишни ҳам, халоватни ҳам хаёлимга келтирмайман.

Шу пайт Утинчининг кенжа қизи боланинг ёнига келиб елкасига қўлини қўйди ва деди:

— Хунук бўлиб қолдим, деб ҳам еб ўтирибсанми? Ҳечқиси йўқ, биз билан қолавер, мен ҳеч қачон сени масхара қилмайман.

— Йўқ, мен онамга нисбатан тошбағирлик қилдим ва эвазига шундай жазога сазовор бўлдим. Шунинг учун мен бу ердан кетишим, онамни топиб, ундан кечирим сўрамагунимча дунёни кезиб чиқишим керак.

Шундай дея, Юлдуз-бола ўрмонга қараб югурди ва онасини чақира бошлади, аммо ҳеч қандай жавоб эшитмади. У кунбўйи онасини чақириб қичқириб юрди, қуёш ботганидан сўнг эса хазон уюмининг устига ётиб уйқуга кетди. Барча қушлар ва ҳайвонлар уни тарк этишди, чунки бола уларга ниҳоятда қаттиққўллик қилганди-да; фақат бақа боланинг ёлғизлигига шерик бўлиб уйқусини қўриқлай бошлади, илон эса унинг ёнидан оҳиста судралиб ўтди.

Тонг отгач, Юлдуз-бола ўрнидан туриб дарахтдан бир нечта нордон мева узиб еди ва аччиқ кўз ёшини тўкканча қалин ўрмон ичига йўл олди ва йўлда учраган жониворлардан онасини сўрай бошлади.

— Сен ер остида ўзинг учун ер қазийсан, айт-чи, онамни кўрмадингми?— деб сўради Кўрсичқондан.

— Сен кўзларимни ўйиб олгансан-ку, қандай қилиб уни кўришим мумкин,— деб жавоб берди Кўрсичқон.

Юлдуз-бола ноилож Тоғчумчуққа мурожаат қилди:

— Сен энг баланд дарахтлардан ҳам юқорида учасан ва у ердан бутун дунё сенга кафтдек кўринади. Айт-чи, онамни кўрмадингми?

Аммо Тоғчумчуқ бошини чайқади.

— Сен эрмак учун қанотларимни қирққансан. Мен энди қандай уча оламан?

Юлдуз-бола арчанинг қавагида ёлғиз яшайдиган Олмахондан ҳам:

— Онамни кўрмадингми?— деб сўради.

— Сен онамни ҳалок қилдинг,— деди Олмахон,— энди ўзингникини ҳам ўлдириш учун излаётгандирсан?

Шунда Юлдуз-бола бошини ҳам қилиб йиғлаб юборди ва таггри яратган барча жониворлардан кечирим сўрай бошлади, сўнгра онасини қидирганча ўрмоннинг яна ҳам ичкарисига кириб кетди. Йўл юрса ҳам мўл юриб, учинчи кун деганда ўрмон ёқасидан чиқди ва водийга қараб йўл олди.

Қишлоқлардан ўтаётганида болалар уни калака қилиб, тошбўронга тутишарди, деҳқонлар эса ҳатто омборларида тунагани ҳам рухсат этишмасди, чунки боланинг кўриниши шу қадар жирканч эдики, у ерда тунаса— дон-дунга моғор тушиши мумкин, деб қўрқишарди ва уни қувиб юборишарди: унга ҳеч кимнинг раҳми келмасди. Бироқ, оламни кезаётганига уч йил

бўлса ҳамки, Юлдуз-бола ўзининг онаси бўлиб чиққан тиланчи аёлнинг дарагини тополмас, неча марта уни узоқдан кўриб, танигандек бўлар ва ўткир шағаллар тилаверганидан товопларидан қои сизиб турган бўлишига қарамасдан аёлни қақирганча орқасидан қува бошларди, аммо етолмасди. Яқин ўртада яшайдиган одамлар эса на тиланчи аёлни ва на унга ўхшайдиган кимсани кўрмаганликларини айтиб, боланинг қайғуси устидан кулишарди.

У ропна-роса уч йил олам кезди, аммо ҳеч қаерда меҳр-муҳаббат ҳам, раҳм-шафқат ҳам кўрмади. Кеккайиб юрган вақтларида одамларга қандай муносабатда бўлган бўлса, ҳамма жойда унга худди шундай муомала қилишди.

Кунлардан бир кун у дарё бўйида жойлашган, баланд қалъа деворлари билан ўралган бир шаҳарга етиб келди ва ниҳоятда чарчаганидан оёқлари букилиб кетаётган бўлса ҳам шаҳарга кирмоқчи бўлиб, дарвозага яқинлашди. Бироқ дарвозанинг ёнида турган посбонлар болани кўришлари билан найзаларини чалиштириб олдилар.

— Нима ишинг бор, шаҳримизда?— деб қичқирдилар улар қўполлик билан.

— Онамни қидириб юрибман,— деб жавоб берди бола.— Ўтиниб сўрайман, мени шаҳарга ўтказиб юборинглар, онам шу ерда бўлиши мумкин-ку, ахир.

Аммо посбонлар уни калака қила бошладилар ва улардан бири боланинг олдини қалқони билан тўсиб, қоп-қора соқолини силкитганча қичқирди:

— Сени кўриб, онанг чиндан ҳам қувониб кетади, чунки сен балчиқдаги бақадан ёки ботқоқликдан судралиб чиққан илондан ҳам жирканчроқсан-да. Йўқол бу ердан! Даф бўл! Бизнинг шаҳримизда онанг йўқ.

— Сенинг онанг ким, нега уни қидириб юрибсан?— деб сўради байроғининг сопида ушлаб турган иккинчи посбон.

— Онам ҳам менга ўхшаб тиланчилик билан кун кечириб юради,— деди бола,— мен уни қаттиқ ранжитиб қўйдим. Шунинг учун ўтинаман, ўтказиб юбор, агар у шу шаҳарда бўлса, топиб кечирим сўрайин.

Бироқ посбонлар болани ичкарига киритишни ис-тамай, уни найзалари билан дўппослай бошладилар.

Юлдуз-бола йиғлаб энди қайтмоқчи бўлиб турганда, дарвозанинг оғзида — эғнига олтин гуллар билан

зийнатланган совут, бошига эса қанотли шер бўртиб чиққан тўсиқли дубулға кийиб олган кимса пайдо бўлди ва посбонлардан.

— Ким бу ерда шаҳарга киришга рухсат сўраб турибди?— деб сўради.

— Бир гадойвачча, онаси ҳам тиланчи экан, биз уни қувиб юбордик,— деб жавоб беришди посбонлар.

— Бунақаси кетмайди,— деди кулиб ҳалиги кимса.— Биз бу жирканч махлуқни бир коса ширин мусаллас баҳосида қул қилиб сотиб юборамиз.

Шу пайт уларнинг ёнларидан афтидан баджаҳл ва қўрқинчли бир чол ўтиб кетаётганди. У буларнинг гапини эшитиши билан, шу баҳода сотиб олишга рози бўлди ва пулни тўлаб, болани қўлидан ушлаганча, шаҳарнинг ичига етаклаб кетди.

Улар талай кўчалардан ўтиб, ниҳоят, катта анор дарахтининг орқасида кўринмай турган кичкина бир эшикка етиб келишди. Чол эшикка яшм узугини теккизганди, эшик очилиб кетди ва улар бешта биринж пиллапояни босиб, боққа тушишди. У ерда қора кўкнорилар гуллаб ётар, улардан нарида эса зангор сопол кўзалар терилиб турарди. Бир оздан сўнг чол салласининг орасидан гулдор шоҳи рўмол олиб Юлдуз-боланинг кўзларини боғлади ва турта-сурта уни қаергадир бошлаб кетди. Чол боғични ечиб ташлагач, бола ўзини зиндонда кўрди; уни илғакда осилиб турган фонус ғира-шира ёритиб турарди.

Чол бу ерда турган ёғоч қутининг устига бир бурда моғорлаган нон қўйиб: «Е», деди.

Бир пиёла шўртанг сув қўйиб: «Ич», деди.

Бола еб-ичиб бўлганидан сўнг чол эшикни қулфлади ва устидан темир занжир билан маҳкамлаб, чиқиб кетди.

Эртасига эрталаб чол — у аслида Ливиянинг эпг ўткир ва маккор сеҳргарларидан бўлиб, бу санъатни Нил бўйидаги мақбарада яшайдиган бешқа сеҳргардан ўрганганди — зиндонга кирди-да, Юлдуз-болага хўмрайиб, деди:

— Бу кофирларнинг шаҳридан нарироқдаги ўрмонда оқ, сариқ ва қизил олтиндан зарб қилинган учта танга яширилган. Бугун сен менга оқ олтиндан ясалган тангани келтиришининг керак, акс ҳолда юз дарра ейсан. Имиллама, мен сени кун ботганда боғимнинг эшиги

ёнида кутиб тураман. Ёдингда бўлсин, ёки оқ олтиндан ясалган тангани келтирасан ёки ҳолингга маймунлар йиғлайди; чунки сен менинг қулимсан ва мен сен учун бир коса тўла мусалласнинг ҳақини тўлаганман.

Шундай дея, чол боланинг кўзини яна гулдор шох рўмол билан яхшилаб боғлади ва қора кўкнорилар ўсадиган боққа олиб чиқди, сўнгра бешта биринж пиллапоядан кўтарилишга мажбур қилиб, узуги ёрдамида эшикчани очди-да, болани чиқариб юборди.

Юлдуз-бола эшикдан чиқиб шаҳарни тез кесиб ўтди-да, Сеҳргар тайинлаган ўрмонга яқинлашди. Узоқдан ўрмон жуда гўзал, сайроқи қушларга ва хушбўй гулларга тўладек туюлди ва Юлдуз-бола қувонч билан унинг ичига шўнғиб кетди. Аммо у ўрмоннинг гўзаллигидан баҳраманд бўлолмади, чунки қаерга қадам қўймасин, қаршисида ўткир игналар билан қопланган тиканли буталар пайдо бўларди, оёғини заҳар тилли қичитқи ўтлар ачитарди, қушқўнмас эса ханжардек ўткир тилларини оёғига аямай санчарди. Юлдуз-бола жуда азобланиб кетди, лекин шунга қарамасдан, Сеҳргар айтган оқ олтин тангани гарчи тонг саҳардан тушгача ва тушдан кун ботгунча излаган бўлса ҳам, тополмади. Мана, ниҳоят қуёш ҳам ботди ва ўзини қандай жазо кутаётганини билган бола аччиқ кўз ёшини тўкканча уйига қайта бошлади.

Аммо ўрмон этагига энди яқинлашдим, деганда, орқасидан чийиллаган товуш эшитилди.

— Кимдир ёрдамга чақиряпти шекилли,— деб ўйлади бола ва қайғусини ҳам унутиб, товуш келган томонга қараб югурди ва овчининг тузоғига илинган митти Қуёнчага кўзи тушди. Унга раҳми келиб:

— Мен ўзим бир қулман холос, аммо сенга озодлик бериш қўлимдан келади,— деди ва жониворни тузоқдан бўшатиб юборди.

— Ҳа, сен менга озодлик бердинг,— деди Қуёнча,— айт-чи, бу яхшилигингни қандай қилиб қайтарай?

— Мен оқ олтиндан ясалган тангани қидиряпман, аммо ҳеч қаердан тополмаяпман, агар уни топиб хўжайинимга келтирмасам, у мени дўппослайди,— деди Юлдуз-бола.

— Орқамдан юр,— деди Қуёнча,— боришинг керак бўлган жойингга олиб бораман, чунки танга яширилган жой ҳам, унинг сабаби ҳам менга аён.

Юлдуз-бола бу гапни эшитиши билан митти Қуёнчанинг орқасидан эргашди ва нимани кўрди денг! Улкан эманнинг қавагида у излаб юрган оқ олтин танга ётарди. Юлдуз-бола беҳад қувониб кетди.

— Сенга қилган хизматимни юз ҳисса қилиб қайтардинг, қилган яхшилигимни ҳам юз баробар қайтардинг, — деди у Қуёнчага.

— Йўқ, мен учун нима қилган бўлсанг, мен ҳам шуни қайтардим холос, — деди Қуёнча ва сакраб-сакраб кўздан ғойиб бўлди, Юлдуз-бола эса шаҳарга қараб кетди.

Худди шу пайтда шаҳар дарвозасининг ёнида бир мохов ўтирарди. Юзини тўсиб турган кулранг бўз бошлигининг тирқишидан кўзлари кўмирдек ёниб кўринарди. Дарвозага яқинлашиб келаётган Юлдуз-болани кўриши билан, у ёғоч косасини тақиллатиб ва қўнғироқчасини силкитиб, болага қараб қичқирди:

— Хайр қил, бўлмаса очликдан ўламан. Чунки мени шаҳардан қувиб юбордилар, эвоҳ, ҳолимга ачинадиган кимсам йўқ!

— Афсус! — деди Юлдуз-бола. — Ҳамёнимда биттагина тангам бор холос, уни хўжайинимга олиб бормасам, мени дўппослайди, чунки мен унинг қулиман.

Бироқ мохов унга шундай ёлвора бошладики, боланинг раҳми келиб, унга олтин тангани бериб юборди.

Юлдуз-бола уйига етиб келгач, Сеҳргар эшикни очиб, уни боққа киритаркан:

— Оқ олтин тангани келтирдингми? — деб сўради.

— Йўқ, у менда йўқ, — деб жавоб берди бола.

Шунда Сеҳргар болага ташланиб уни дўппослай бошлади ва нон қўядиган бўм-бўш қутини олдига суриб: «Е», деди: олдига бўш косани қўйиб: «Ич», деди ва уни яна зиндонга ташлади.

Эрталаб эса унинг ёнига келиб, деди:

— Агар бугун менга сариқ олтиндан зарб қилинган тангани келтирмасанг, умр бўйи қулим бўлиб қоласан ва уч юз дарра ейсан.

Юлдуз-бола яна ўрмонга жўнади ва кунбўйи сариқ олтин тангани излади, аммо ҳеч қаердан топа олмади. Кун ботгач эса ерга ўтириб йиғлай бошлади ва шу кўйи йиғлаб ўтирганда, олдига ўзи тузоқдан бўшатган митти Қуёнча югуриб келди.

— Нега йиғлаялсан? Ўрмонда нимани излаб юрибсан? — деб сўради Қуёнча.

— Сарик олтиндан ясалган тангани излаяпман,— деди Юлдуз-бола.— У шу ерга яширилган ва агар уни тополмасам, хўжайиним мени дўппослайди ва мен умрбод қул бўлиб қоламан.

— Орқамдан юр!— деб қичқирди Қуёнча ва чоп-қиллаб кетди. Шу кўйи улар кичикроқ бир кўлнинг бўйигача югуриб боришди. Кўлнинг тубида эса сарик олтиндан зарб қилинган танга ётарди.

— Бу яхшилигингни қандай қайтарай?— деди Юлдуз-бола.— Шу билан иккинчи марта мени қутқар-япсан.

— Нима қипти, ахир биринчи бўлиб сен раҳм қилдинг-ку, менга,— деди Қуёнча ва сакраб-сакраб кўздан ғойиб бўлди.

Юлдуз-бола тангани олиб, чўнтагига яширди ва шаҳарга қараб жўнади. Аммо мохов уни узоқдан кўриши билан олдига югуриб борди ва қаршисида чўкка тушиб:

— Хайр қил, бўлмаса очликдан ўламан!— деб хитоб қилди.

Юлдуз-бола бошини чайқади.

— Ҳамёнимда сарик олтин тангадан бўлак ҳеч вақом йўқ; агар уни хўжайинимга олиб бормасам, мени ўлгудек дўппослайди ва мен бир умрга қул бўлиб қоламан.

Бироқ мохов, раҳм қил, деб ёлвора бошлади ва Юлдуз-боланинг раҳми келиб тангани бериб юборди. }

Юлдуз-бола уйига етиб келгач, Сеҳргар эшикни очиб, уни боққа киритди ва:— Сарик олтиндан зарб қилинган тангани келтирдингми?— деб сўради.

— Йўқ,— у менда йўқ,— деб жавоб берди бола.

Бу сўзни эшитиши билан Сеҳргар болага ташланиб, уни дўппослай бошлади, сўнгра занжирбанд қилиб, яна зиндонга ташлади.

Тонг отгач, боланинг ёнига келиб:— Агар бугун менга қизил олтиндан зарб қилинган тангани келтирсанг, сенга озодлик инъом қиламан, келтирмасанг— ўлдираман,— деди.

Юлдуз-бола яна ўрмонга жўнади ва кунбўйи қизил олтиндан ясалган тангани излади, аммо ҳеч қадардан уни тополмади. Қош қорайгач, ерга ўтириб йиғлай бошлади ва шу кўйи кўз ёшини тўкиб ўтирганда, олдига митти Қуёнча югуриб келди.

— Сен қидираётган танга орқангдаги ғорда ётибди; ёшингни артгин-у, қувонавер,— деди Қуёнча.

— Яхшилигингни нима билан қайтарай?— деди Юлдуз-бола.— Шу билан учинчи марта қутқаряпсан.

— Аммо сен менга биринчи бўлиб ачингансан,— деди Қуёнча ва сакраб-сакраб кўздан ғойиб бўлди.

Юлдуз-бола эса ғорга кириб, қизил олтиндан ясалган тангани топди-да, уни ҳамёнга солиб шаҳарга шошилди.

Бироқ мохов уни кўриши билан йўл ўртасига чиқиб олди ва қўлини чўзиб қичқира бошлади.

— Қизил олтиндан ясалган тангани менга бер, бўл-маса — ўламан!

Юлдуз-боланинг бу сафар ҳам унга раҳми келди ва:— Сен мендан кўра муҳтожроқсан,— деб, тангани бериб юборди. Аммо ўзини қандай даҳшатли жазо кутаётганини ўйлаб, юраги эзилиб кетди.

Бироқ, во ажаб! Юлдуз-бола шаҳар дарвозасидан ўтаётганида посбонлар унинг ҳурматини жойига қўйишди ва чуқур таъзим адо этган ҳолда:— Қандай гўзал-а, жанобимиз!— деб хитоб қилишди.

Шаҳар аҳолиси эса унинг кетидан эргашарканлар:— Дарҳақиқат, бундан гўзалроғини бутун дунёни изласанг ҳам тополмайсан,— деб таъкидладилар.

— Улар мени мазах қилишяпти, мусибатимдан кулишяпти,— деди бола хўрлиги келиб.

Бир оздан сўнг халойиқ, шу қадар кўпайиб кетдики, бола йўлидан адашиб, Қиролнинг саройи олдидаги кенг майдондан чиқиб қолди.

Шу пайт саройнинг дарвозалари очилиб, Юлдуз-боланинг истиқболига руҳонийлар ва шаҳарнинг энг улуғ ашрофлари чиқиб келишди ва боланинг оёғига бош уриб:— Сен — бизнинг соҳибимизсан ва қиролимизнинг ўғлисан, сени анчадан бери кутмоқдамиз,— дейишди.

Юлдуз-бола эса уларга жавобан:

— Мен Қиролнинг ўғли эмас, бир бечора тиланчининг ўғлиман,— деди.— Нима учун мени гўзал деяпсизлар, ахир нақадар жирканчлигим ўзимга аён-ку?

Шунда совути олтин гуллар билан зийнатланган ва дубулғасида бўртма қанотли шер тасвирланган кимса боланинг юзига қалқонини яқиндаштириб:— Нега жа-

нобим гўзалликларига ишонмайдилар?— деб хитоб қилди.

Юлдуз-бола ҳайрон бўлиб унинг қалқонига қаради ва нимани кўрди дег! Унинг гўзаллиги қайтиб келганди: юзи ҳам аввалгидек чиройли, фақат кўзларида у илгари сира пайқамаган янгича бир ифода бор эди.

Руҳонийлар ва аъёнлар унинг қаршисида тиз чўкдилар ва дедилар:

— Неча йил бурун — шахримизга шу кунда ташриф буюрадиган зот бизларга ҳукмронлик қилади, деб башорат қилинганди. Шундай экан, жанобимиз ушбу тожни ва салтанат ҳассасини олиб бизнинг одил ва марҳаматли қиролимиз бўлсинлар.

— Мен бундай шарафга муносиб эмасман,— деб жавоб берди Юлдуз-бола.— Чунки мен ўз онамдан, мени юрагининг остида олиб юрган онамдан юз ўғирганман. Энди эса ундан кечирим сўраш учун излаб юрибман, онамни топмагунимча ҳаловат нима эканини билмайман. Шунинг учун мени қўйиб юборинглар, ахир яна дунё бўйлаб сафарга чиқишим керак, гарчи менга тож ва салтанат ҳассасини таклиф қилаётган бўлсаларинг ҳам, бу ерда қололмайман.

Шундай дея Юлдуз-бола шаҳар дарвозасига қадар чўзилиб кетган кўчага қайрилиб қаради ва нимани кўрди дег! Сарбозларни орқага суриб ташлаган оломоннинг ўртасида онаси — тиланчи аёл ва мохов ёнмаён турардилар.

Уларни кўриши билан Юлдуз-бола қувонганидан қичқириб юборди ва онаси томон талпиниб, қаршисида тиз чўкди ва оёқларидаги жароҳатларни ўпиб кўз ёшлари билан юва бошлади. Сўнгра боши ерга теккунча эгилиб, юрагини пора-пора қилгудек йиғларкан, онасига қарата хитоб қилди:

— Онажон! Мағрур юрган вақтларимда сендан юз ўғиргандим, энди бўйин эгиб турганимда мендан юз ўғирма. Онагинам, мен сендан нафратлангандим, муҳаббатингни мендан дариг тутма. Онажоним, сендан юз ўғиргандим, ўз болангни қабул қил.

Бироқ тиланчи аёл жим тураверди.

Шунда Юлдуз-бола моховнинг оёқларига йнқилди.

— Сенга уч марта шафқат қилгандим, энди мен учун онамдан ўтишиб сўрагин — менга бир оғиз бўлса ҳам жавоб қилсин.

Бироқ мохов жим тураверди.

Юлдуз-бола яна онасига ўғирилди.

— Э, она,— деб йиғлади у,— бу азобга чидолмайман. Мени афв этгин, сўнгра ўрмонимизга қайтишга ижозат бергин.

Шунда аёл боланинг бошига қўлини қўйиб:—

— Тур ўрнингдан!— деди.

Мохов ҳам қўлини унинг бошига қўйиб:

— Тур ўрнингдан!— деди.

Юлдуз-бола ўрнидан туриб, уларга қаради ва ё ажаб! Рўпарасида Қирол ва Қиролича туришарди.

— Муҳтожлик соатида сен ёрдам берган мана бу киши — отанг бўлади,— деди Қиролича.

— Оёқларини кўз ёшинг билан ювган бу аёл — сенинг онанг бўлади,— деди Қирол ва икковлари ҳам боланинг қучоғига отилиб, уни ўпа бошладилар. Кейин саройга олиб бориб, эғнига шоҳона кийимлар, бошига тож кийдирдилар, қўлига эса салтанат ҳассасини тутдилар ва у дарё бўйида жойлашган шаҳарнинг ҳукмдори бўлиб қолди. У барчага раҳм-шафқат ва адолатли бўлгани ҳолда салтанатни тебрата бошлади. У ёвуз Сеҳргарни шаҳардан қувиб чиқарди. Утинчи ва унинг хотинига қимматбаҳо совғалар жўнатди; унинг ўғилларига эса катта мансаб ва мартаба бағишлади. У қушларга ва ўрмондаги жониворларга тошбағирлик қилишга йўл қўймас, ҳаммани хайрли иш қилишга, меҳр-муҳаббатли ва шафқатли бўлишга даъват этарди. Яна у очларни, етим-есирларни боқарди, яланғочларни кийинтирарди, мамлакатаида эса доимо тинчлик ва эзгулик ҳукм суларди.

Аммо у кўп азоб-уқубатларни, ҳаддан ташқари оғир синовларни бошидан кечирганди: бинобарин, ҳукмронлиги узоққа бормади ва Юлдуз-бола уч йилдан сўнг вафот этди. Унинг вориси эса зolim эди.



ИНФАНТАНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

Инфантанинг туғилган кунин эди. У роппа-роса ўн иккига тўлганди ва қуёш сарой боғларига чароғон нур сочиб турарди. Гарчи у ҳақиқий малика, боз устига Испаниянинг валиаҳд Маликаси бўлса-да, унинг туғилган кунин дунёдаги энг камбағал болаларникидек бир йилда атиги бир марта келарди ва об-ҳавонинг ҳам бундай муносабат билан яхши келиши шубҳасиз, бутун мамлакат учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлди. Ҳақиқатан ҳам бу кун ҳаво жуда ажойиб эди.

Саф тортган лашкарлардек таналарининг роз тутиб бўй чўзиб турган баланд ола-чипор долалар ўтлоқ оша атиргулларга гердайиб қараб:— Биз ҳам энди сизлардек қийғос очилганмиз,— дейишарди. Қанотчаларига заррин чапг ёпишган қизғиш капалаклар гулдан-гулга қўниб учишарди; митти калтакесаклар деворларнинг ёруғларидан судралиб чиқишар ва офтобшувоқда мириқиб исинишарди, анорлар иссиқдан тарс ёрилиб қон сизиб турган қизил юракларининг очиб ётишарди. Ҳатто ярим вайрон панжаралардан ва қатор қоронғи пештоқлардан фарқ етилиб осилиб тушган оқ-сарик лимонлар ҳам қуёш нурларининг эмиб янада ярақлаб кетгандай эдилар, магнолиялар эса катта-катта оппоқ гулларининг чамбаракдек очиб ҳавонинг муаттар ҳидларга тўлдирирдилар.

Жажжи Малика дугоналари билан айвонда сайр қилар, улар билан тош хумлар ва моғорлаган кўҳна ҳайкаллар атрофида яшин-топалоқ ўйнардн. Оддий кунларда унга фақат ўзининг даражасидаги болалар

билан ўйнашга рухсат этишарди, шу сабабли у доим ёлғиз ўйнашга мажбур эди; туғилган кунидagina истиснога йўл қўйиларди. Бу кун ҳам шундай бўлди: Қирол Инфантага ёш дўстларидан хоҳлаганини таклиф этишга ва улар билан бирга ўйнашга рухсат берди. Боғ оралаб сайр қилиб юрган бу нозик-ниҳол испан болаларининг қадам босишларида қандайдир улуғвор назокат бор эди; ўғил болалар катта пат қадалган соябонли қалпоқ ва барлари қилпираб турадиган калта ёмғирпўш кийишган, қизлар этаги ерда судралиб юрувчи узун ва оғир кимхоб кўйлакларини бир қўллари билан ушлаган кўйи кумуш безакли катта қора елпигичлари билан юзларини қуёшдан тўсиб боришарди. Аммо Инфанта назокатли ҳаракатлари ва дид билан яسانيши билан — гарчи у пайтларда сиқик кийимлар расм бўлса ҳам — барча дўстларидан ажралиб турарди. У кулранг шоҳидан кўйлак кийган, избаси ва момик енгларига заррин безаклар чатилган, таранг тортилган корсажига эса майда дурлар қадалганди. Юриб бораётганида этагининг остидан катта пушти боғичли жажжи кавушчалари кўриниб кетарди. Ўнинг дур қадалган катта хилҳила елпигичи ҳам пушти эди; олтин гултожга ўхшайдиган ва оппоқ жажжи юзини ўраб турган сочларига эса чиройли оқ атиргул қистирилган эди.

Сарой деразасидан болаларни ғамгин Қирол кузатиб турарди. Орқасида жинидан бадтар ёмон кўрадиган укаси Педро Арагоний турарди, унинг ёнида эса пири бузруквори — Гренаданинг Улуғ Инквизитори ўтирарди. Қирол ҳар галгидан ҳам маъюс эди, зеро Инфантанинг саройгирларнинг таъзимига болаларча жиддийлик билан жавоб қайтараётганини ёки елпигичи билан юзини тўсиб ўзининг доимий ҳамроҳи — тунд герцогиня Албрукер устидан кулаётганини кўриб унинг онаси ҳақида — назарида яқиндагина қувноқ француз юртидан келган ва испан саройининг ғамгин ҳашамати орасида сўлган ёш Қиролича ҳақида ўйларди. У Инфанта туғилганидан роса ярим йил ўтгандан сўнг вафот этганди; унга боғда бодомнинг яна бир марта гуллаштини кўриш, ҳозир қалин ўт билан қопланган ҳовли ўртасида ўсган, қари қийшиқ анжир дарахтининг меваларини териш қайта насиб қилмади.

Ўнинг Қироличага бўлган муҳаббати шундай кучли эдики, севгилисини ҳатто қабр ҳам кўзидан яширол-

мади. Қироличани, айтишларича, аллақачон муқаддас инквизиция томонидан шаккокликда ва жодугарликда айбланиб ўлимга ҳукм қилинган бир ҳабаш табиби мўмиёлади ва бу хизмати эвазига ҳаёти сақлаб қолинди. Қироличанинг жасади ҳанузгача саройнинг қора мармар бутхонасида, гиламлар тўшалган катнинг устида худди бундан деярли ўн икки йил аввал ўша шамолли март кунда роҳиблар олиб кирган пайтдагидек, сира ўзгармаган ҳолда ётарди. Бир ойда бир марта Қирол қора ёмғирпўшга бурканиб қўлида яширин фонус билан бутхонага кирар ва жасаднинг қаршисида чўкка тушиб: «Менинг қироличам! Менинг қироличам!»— деб нола қилар ва баъзан Испанияда кишининг ҳар бир қадамини бошқариб турадиган, ҳатто Қиролнинг мусибатини ҳам чеклаб қўядиган дастурни унутиб қўяр ва аламидан телбаланиб севгилисининг қимматбаҳо узуклар тақилган оппоқ қўлларини ушлаганча қайноқ бўсалар билан унинг совуқ, бўялган юзига жон киргизишга уринарди.

Бугун Қиролича назарида унга худди ўшанда, биринчи марта Фонтелло¹да кўрганидагидек бўлиб кўринди. Ушанда Қирол атиги ўн беш ёшда, Қиролича эса ундан ҳам ёш эди. Уша кун уларни Франция Қироли ва сарой аҳли иштирокида Папа цунцияси² расмий равишда унаштирганди, кейин шаҳзода олтин сочларнинг жингала тутамчасини ва ёпиқ аравага ўтираётган вақтда қўлидан икки марта ўпган мурғак лаблар ҳақидаги хотирани ўзи билан олиб Эскурнал саройига қайтганди.

Тез орада улар Франция ва Испания чегарасида жойлашган Бургос деган кичкина шаҳарчада шошинч равишда никоҳландилар ва тантанали суратда Мадридга кириб бордилар. Бу ерда таомилга кўра Ла Аточа ибодатхонасида тантанавор ибодат адо этилгач, ғоят улуғвор аутодафе³ уюштирилди ва ёқиш учун ҳукумат қўлига уч юзга яқин шаккоклар шу жумладан, бир талай инглизлар топширилди.

Қирол ёш рафиқасини шу даражада севардики, бу ҳол — кўпчиликнинг ўйлашича ўша пайтда Янги Дунё

¹ Фонтелло қалъаси — Француз қиролларининг Париж четдаги ёзги қароргоҳи.

² Рим папасининг расмий дипломатик муносабатда бўлган давлатлардаги доимий вакили.

³ Шаккоклар учун инквизиция олови.

салтанати учун Англия билан уруш олиб бораётган Испания давлатининг ҳалокатига олиб келиши мумкин эди. У Қироличани бир зум ҳам кўздан қочирмас, уни деб ўта муҳим давлат ишларини ҳам унутишга тайёр эди ва кўзни кўр қиладиган жўшқин эҳтиросга фарқ бўлгани ҳолда сертакаллуф ва назокатли муомаласи билан хотинини секин-аста ўз домига тортаётган ғалати бир касалини кучайтиришга сабаб бўлаётганини ҳам сезмасди. У вафот этгандан сўнг, Қирол бирмунча вақт ақлдан озгудек бўлиб юрди. Агар у жажжи Инфантини ҳатто Испаниянинг ўзида ҳам золимлиги билан ном чиқарган укасининг қарамоғига қолдириб кетишдан қўрқмаганида эди, тахтдан ҳам воз кечиб, Гренададаги ўзи неча йиллардан бери фахрий приори бўлиб келаётган катта трапийлар монастирига кетган бўларди. Миш-мишларга қараганда, Қирол укасининг Арагондаги саройига хотини билан ташриф этган вақтда, укаси Қироличага бир жуфт захарли қўлқоп совға қилган ва унинг ўлимига сабаб бўлган эди, Гарчи Испания тожиги қарашли барча ерларда Қирол фармонига биноан эълон қилинган уч йиллик мотам муддати тугаган бўлса ҳам, Қирол министрларига янгидан уйланиш тўғрисида ҳатто оғиз очишларига ҳам йўл қўймайди; Императорнинг ўзи совчи юбориб, унга жияни — Богемиянинг сулув эрцгерцогинясига уйланишни таклиф этганида эса Қирол совчиларга ўзининг аллақачон Қайғу билан никоҳланганини ва гарчи бу рафиқаси бепушт бўлса-да, уни Гўзалликдан ортиқ кўришини ўз ҳукмдорларига етказишни сўради. Бу жавоб туфайли Испания оқибатда бой Нидерландия вилоятларидан ажраб қолаёзди. Чунки тез орада улар Императорнинг хаспўшлаши билан бир нечта мутаассиб протестантлар раҳнамолигида Испанияга қарши бош кўтардилар. Қирол айвонда шўхчан ўйнаб юрган Инфантини дераза ортидан кузатиб турган пайтда шиддатли ва жўшқин қувончлардан иборат оилавий ҳаёти қайтиб келгандек бўлди. Баъзан ойнадан ташқарига қарагандаги ёки биронта испан аслзодасига ўпиш учун жажжи қўлчасини узатгандаги дилкаш ҳаракати, бошини ўзига хос илкис кўтариб қўйиши, бежирим лабларини мағрур буриши ва ҳақиқий французларга хос жон олувчи табассуми унга онасидан ўтганди. Аммо болаларча қаттиқ кулгуси қулоғига ўқдек санчиларди; беаёв нурафшон қуёш худди

унинг мусибати устидан мазах қилаётгандек, мусаффо тонг ҳавосига эса мўмиёлашда ишлатиладиган дориворларнинг ҳиди сичғиб қолгандек эди. Қирол қўллари билан юзини беркитди; Инфанта яна бир марта деразага қараганда пардалар аллақачон тортилган, отаси эса ғойиб бўлганди.

Инфанта норози бўлиб, елкасини қисиб қўйди — отаси туғилган кунда у билан бирга бўлса нима қиларди? Бу бемаъни давлат ишлари кимга керак экан! Ёки у Инфантага кириш таъқиқланган, доимо шамлар ёниб турадиган ўша қоронғи бутхонага кетганмикин? Қандай бемаънилик: қуёш шундай чарақлаган, ҳамма қувончга тўлган шундай ажойиб кунда-я! Мана, энди у аллақачон карнайлар чорлаётган қизиқарли буқалар жангини ҳам, қўғирчоқларни ва бошқа ғаройиб ўйинларни ҳам кўрмай қолади. Амакиси ва Улуғ Инквизитор Қиролдан ақллироқ эканлар. Улар айвонга ташриф буюришди ва Инфантага шундай илтифот кўрсатишдики.

Инфанта чиройли бошчасини силкитиб Дон Педрони қўлтиқлаб олди ва улар боғнинг ичкарасига ўрнатилган узун, қирмизи шойи билан қопланган шийпон томон зинадан оҳиста туша бошладилар. Қолган болалар зотларининг баланд-пастлигига қараб орқама-кетин уларга эргashiшди. Энг узун номга эга бўлганлар олдида боришарди.

Инфанти — тореадорларнинг ғаройиб кийимларини кийиб олган энг аслзода оилаларга мансуб болалар зўр эҳтиром билан кутиб олишди; бениҳоя гўзал, ўн тўрт ёшли граф Тьерра-Нуэва тугма гидальго ва испан грандига хос назокат билан бош кийимини ечиб, Инфанти фил суяғи билан нақшланган бежирим заррин кресло турган майдоннинг тўридаги шоҳсунага тантанали вазиятда олиб келди. Болалар ўзаро шивирлашиб, катта елпигичлари билан елпинган кўйи унинг атрофида тўпланишди, Дон Педро билан Улуғ Инквизитор эса кула-кула орқада қолишди. Ҳатто сариқ чолвор кийган қоқ суяк герцогиня хоним ҳам, уни бош камерера деб аташарди, ҳар галгидек баджаҳл кўринмасди: серажин юзига совуқ табассумга ўхшаш ифода қалқиб чиққан юпқа қонсиз лабларини қийшайтириб турарди.

Буқалар жанги ҳақиқатан ҳам ажойиб эди. Инфантининг фикрича, отаси ҳузурида Парма герцогини

меҳмон бўлиб турганда Севильяга олиб бориб кўрса-тишган ростакам буқалар жанги бу жангнинг олдида ип эшолмасди. Бир нечта болалар зийнатланган ёпқичлар ёпилган таёқларини от қилиб у натишар ва рангбаранг тасмалар боғланган узун найзаларини силки-тишарди; бошқалари эса қизил ёмғирпўшлари билан буқанинг жиғига тегиб ирғишлар, буқа уларга ҳужум қилганида эса чаққонлик билан тўсиқ устига чиқиб олишарди. Буқага келсак, у гарчи тери қопламали тол новдаларидан ясалган ва баъзан тўсиқ бўйлаб ҳақиқий буқанинг хаёлига ҳам келмайдиган вазиятда, яъни, орқа оёқлари билан югуришни афзал кўраётган бўлса ҳам, ростакам буқадан сира фарқ қилмасди. У жуда қойилмақом жанг қиларди ва болалар бундан шу қадар ҳаяжонга тушишдики, ўринларидан сакраб туриб, тўр ҳошияли дастрўмолларини силкитганча, катталардек «Қойил, торо! Қойил, торо!» — деб қичқира бошладилар.

Ниҳоят, узоқ давом этган жангдан кейин, буқа шохларини анчагина ўйинчоқ отларга санчиб, суворийларни эгарларидан ағдарганидан сўнг ёш граф Тьерра-Нуэва буқани чўкка тушишга мажбур қилди ва Инфантадан буқага *coup de Grace* ҳавола қилишга рухсат олгач, ёғоч шпагасини ҳайвоннинг бўйнига шундай куч билан суқдики, унинг бўйни узилиб тушди ва Мадриддаги француз элчисининг кичик ўғли мосье де Лоррэннинг кулиб турган юзи пайдо бўлди.

Гулдурос қарсақлар тинмай туриб саҳна тозаланди ва сариқ-қора рангли ливреялар кийган занжи маҳрамбачалар ҳалок бўлган отларни танганали равишда олиб кетишди ва қисқа танаффус пайтида француз дорбози таранг тортилган дор устида ўйнаб берганидан сўнг, шу воқеа муносабати билан атайин қурилган мўъжаз театр саҳнасида Италия кўғирчоқлари томонидан «Софонисба» номли ярим классик фожеа намойиш қилинди. Улар шундай ажойиб ўйнашадик, ҳаракатлари шундай табиий эдики, спектаклнинг охирида Инфантининг кўзлари жикқа ёшга тўлди. Баъзи болалар баралла йиғлашар ва уларни ширинлик билан юпатишга тўғри келарди. Ҳатто Улуғ Инквизитор ҳам шу қадар таъсирландики, ёғоч ва бўялган шамдан ясалган, сим ёрдамида ўйнаётган оддий кўғирчоқларнинг нақадар бахтсизлигини, нақадар аянчли мусибатларни бошларидан кечираётганликларини кўриш

юрагини қанчалик ўртаётганини Дон Педрога айтишдан ўзини тийиб тура олмади.

Кейин, даврада африкалик кўзбойловчи пайдо бўлди ва ўзи билан олиб келган устига қизил мато ёпилган катта ясси саватни ўртага қўйиб, салласининг ичидан қамишдан ясалган ғаройиб сурнайни олиб чала бошлади. Бир оздан сўнг мато қимирлаб кетди ва сурнай овози баландроқ ва кескинроқ янграганда остидан иккита заррин зангори илонлар учбурчаксимон ғалати бошларини баланд кўтарган кўйи сурнай садолари остида сув ўсимликлари янглиғ чайқала бошладилар. Илонларнинг ола-чипор доғлари ва ҳаракатчан ўткир тиллари болаларни қўрқувга солган бўлса, кўз олдиларида кўзбойловчининг сеҳри билан қум ичидан миттигина апельсин дарахтининг ўсиб чиқиши ва шу заҳоти чиройли ва оппоқ бўлиб гуллаши, кейин новдаларида ҳақиқий мевалар етилиши уларга илон ўйинига қараганда анча ёқиб тушди. Кўзбойловчи маркиза де Лас — Торреснинг қизалоғидан елпиғичини олиб, уни мовий қушга айлантирганда ва у майдон узра хониш қилиб уча бошлаганда болаларнинг ҳайрат ва қувончлари ичларига сиғмай кетди.

Нуэстра Сеньора Дель Пилар черковининг жажжи раққослари томонидан ижро этилган тантанавор мунуэт ҳам уларга ғоятда манзур бўлди. Ҳар йили май ойида авлиё биби Марям шарафига унинг баланд минбари қаршисда ижро этиладиган бундай ажойиб маросимни Инфанта умри бино бўлиб кўрмаганди, чунки, одамларнинг гумонича, Англия қироличаси Елизавета томонидан пулга ёлланган телба кашиш катта Сарагосса соборида заҳарланган сув билан Австрия шахзодасини гумдон қилишга урингани сабабли Испания қироллик хонадонининг биронта ҳам аъзоси унинг остонасига қадам қўймайдиган бўлишганди. Инфантага илгари эшитган «биби Марям рақси» ни ғоятда ёқиб қолди. Раққос болалар қадимий саройгирларникидай кумуш уқали ажиб учбурчакли, катта туяқуш қўшпарлари билан безалган шляпалар оқ духоба кийимлар кийиб олишганди. Уларнинг қорамағиз юзлари ва узун қора сочлари кийимларининг кўзни қамаштирадиган даражадаги оқлигини яна ҳам бўрттириб кўрсатарди. Улар ўта назокат билан бажараётган маънодор рақснинг оҳиста ҳаракатларига ва таъзимларининг сервиқорлилигига ҳамма йиғил-

ганлар ўзларича мафтун эдилар. Рақс тугаганидан сўнг раққослар патлар билан зийнатланган катта шляпаларини ечиб Инфантанинг қаршисида бош эгдилар, Инфанта эса алоҳида илтифот билан таъзимларига жавоб қилди ва шундай ҳузур бағишлагани учун миннатдорлик сифатида авлиё Дель Пилар меҳроби олдиға катта мум шаъм қўйишни дилиға тугиб қўйди.

Шундан сўнг, саҳнада ўша даврларда лўли деб аталган бир гуруҳ келишган мисрлик машшоқлар пайдо бўлдилар. Улар давра ясаб чордана қуриб ўтирдилар ва уд жўрлигида қандайдир чўзиқ ва хаёлий қўшиқни паст овозда, оҳангга мослаб тебратган кўйи хиргойи қила бошладилар. Аммо нарида турган Дон Педроға кўзлари тушиши билан машшоқларнинг қовоқлари солинди, баъзиларининг юзида эса ваҳима ифодаси пайдо бўлди, зеро бундан бир неча ҳафта бурун Дон Педронинг буйруғига биноан Севильянинг бозор майдонида уларнинг қабиласига мансуб икки кишини жодугарликда айблаб дорға осишганди. Аммо, юмшоқ креслога ястанган ҳолда, елпигичининг тепасидан катта-катта хаёлча мовий кўзларини тикиб ўтирган Инфанта уларни тамомила ўзига асир этди. Бундай дилбар қиз ёвузлик қилишға қодир эмаслиғига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг, улар узун тирпоқлари билан уд торларини оҳиста чертган кўйи бошлари уйқуга кетаётган кишиникидек чайқалиб, бир маромда майин чалишда давом этдилар. Тўсатдан, мисрликлар қаттиқ қичқириб ўрниларидан сакраб турдилар ва чилдирмаларини уриб ўзига хос бўғиқ тилларида қандайдир бир ғалати ишқий ашулани бошлаб юбордиларки, барча болалар чўчиб тушишди, Дон Педро эса дарҳол ханжарининг ақиқ дастасини чангаллади. Кейин ҳаммалари ўзларини ерга ташладилар; энди ўртаға чўккан жимликда фақат уднинг паст овози эшитиларди. Бу томошани яна бир марта қайтарганларидан сўнг машшоқлар қаёққадир ғойиб бўлишди ва кўп ўтмай, саҳнаға занжирға боғлиқ юнглари ҳурпайган қўнғир айиқни етаклаб чиқишди. Елкаларида эса бир нечта митти баробар маймунчалар ўтиришарди. Айиқ фавқулодда жиддийлик билан бошида тик турди, маймунчалар эса бужмайган башаралари билан ҳар хил қизиқ қилиқлар қила бошладилар; улар жажжи қиличлар билан ўз эгалари — иккита

пўли болалари билан қиличбозлик қилишди, милтиқ отишди, кейин эса бир сафга тизилиб худди қироллик лейб-гвардиясининг машқларидагидек аскарый ҳаракатлар қила бошладилар.

Аммо шу кунги энг аломат томоша, шубҳасиз, Пакана боланинг рақслари эди. У қийшиқ, калта оёқчаларида каловланиб, катта бадбашара калласини чайқаб саҳнага чиқиб келганида болалар қойил қолганларидан қичқириб юборишди, ҳатто Инфанта ҳам шундай кула бошладики, Оқсочи — гарчи Испанияда қирол қизларининг ўз тенглари олдида йиғлаганларини кўп марта кўрган бўлсалар ҳам, томирларида қирол қони оқувчи Маликанинг насл-насабига кўра ўзидан паст бўлганлар олдида бу қадар хурсандчиликка берилиши ақлга сиғмайдиган иш эканини эслатиб қўйишга мажбур бўлди.

Бироқ Пакана ҳақиқатан ҳам ўзига мафтун қиларлик даражада кулгили эди ва ҳатто ҳар қандай бемаъни ва даҳшатли нарсаларга ўчлиги билан донг таратган Испания қироллик саройида ҳам шу пайтгача бундай ғаройиб митти махлуқни кўришмаганди. Бу Пакана эса илгари сира томошаларда иштирок этмаганди. Уни кечагина топиб келтиришганди. Болани — икки гранд, шаҳарни чор атрофидан ўраб олган эманзор ўрмоннинг хилват жойларида ов қилиб юрганларида ўрмон ёқалаб ҳовлиққанча югуриб кетаётган жойида учратишган ва Инфантага совға қилиш мақсидида ўзлари билан саройга олиб келишганди. Унинг отаси камбағал бир кўмирчи эди; у бу қадар бадбашара ва фойдасиз боладан қутулганига ҳатто хурсанд бўлди. Энг қизиги — Пакана ўзининг нақадар хунук ва кулгили эканига мутлақо ақли етмасди, аксинча, бахтиёр кўринарди ва ниҳоят даражада қувноқ эди. Болалар кулишса, Пакана ҳам уларга қўшилиб яйраб-ййраб куларди ва ўзини гўёки табиат ҳазил тариқасида, бошқаларга эрмак учун яратган митти тасқара эмасу балки, ҳеч кимдан кам жойи йўқ кишидек тутар ва рақс орасида ҳар бир болага алоҳидадан, ғоят кулгили тарзда бошини силкитиб, кулимсираб таъзим қиларди. У Инфантага ғоят мафтун бўлиб қолган, ундан кўзини узолмас, фақат Инфанта учун рақсга тушаётгандек эди. Шу пайт Инфанта қачондир ширали овози билан Қиролнинг кўнглини ёзади, деган ўй билан Рим Папасининг уй-черковидан Мадридга юбо-

рилган машхур италиялик дискант — Кафареллига сарой хонимлари гулдасталар ташлаганлари ёдига тушиб, сочлари орасидан чиройли оқ атиргулни суғириб олди ва ҳазил тариқасида ҳамда Оқсочининг жиғига тегиш мақсадида чиройли табассум билан саҳнанинг нариги тарафида турган Паканага иргитди. Пакана ҳазилни ниҳоятда жиддий қабул қилди; гулни қалин, буришган лабларига босиб қўлини юрагининг устига қўйди, Инфантининг қаршисида бир оёқлаб тиз чўкди, орзи қулоғига етгудек тиржайди, ялтироқ бит кўзлари эса ҳузур қилганидан яна ҳам чақнаб кетди.

Шундан сўнг Инфанта ўзини сира тутиб туролмади, Пакана саҳнадан қочиб кетганидан кейин ҳам анчагача кулгисини тия олмади ва амакисидан рақси зудлик билан такрорлашларини илтимос қилди. Аммо Оқсоч ҳавонинг ҳаддан ташқари исиб кетганини баҳона қилиб, жаноби олияларининг дарҳол саройга қайтганлари маъқуллигини, у ерда Инфанта учун аллақачон зиёфат ҳозирлаб қўйилгани, чўққисига чиройли кумуш байроқча ўрнатилган ва тантана сабабчисининг исми бўялган оқ қанд билан ёзилган ҳақиқий байрам пироғи анчадан бери уни стол устида кутиб турганини маълум қилди. Инфанта ўта киброна тарзда, обрўйини сақлаган ҳолда оҳиста ўрнидан туриб, зиёфат сўнггида Пакана унинг олдида яна бир марта ўйнаб беришини амр қилди ва ёш граф Тьерра-Нуэвага яхши кутиб олганлари учун миннатдорчилик билдириб ўз бўлмаси томон равона бўлди. Унинг орқасидан болалар — қандай келишган бўлса, шундай тартибда эр-ғашишди.

Паканага Инфантининг алоҳида шахсий буйруғига биноан яна бир марта ўйнаб бериши лозимлигини айтишганда, у шундай севиниб кетдики, бемаъни қувонч билан оқ атиргулни тўхтовсиз ўпиб, бахтиёрлигини ўта ёввойиларча ва бесўнақай ҳаракатлар билан ифода қилгани ҳолда боққа қараб қочиб кетди.

Гуллар бу тасқаранинг ажойиб гўшаларига беҳаёларча бостириб кирганидан бениҳоя ғазабланишган бўлса, қўлларини беўхшов ва кулгили тарзда осмонга кўтариб сакраб юрганини кўрганларидан сўнг эса ўзларини ортиқ тия олмадилар.

— Сирасини айтганда у шундай хунулки, — деб хи-

тоб қилишди. Лолалар,— биз бор жойда унинг ўйнаб юришига йўл қўйиб бўлмайди!

— Уни кўкнор гулига шундай қондирмоқ керакки, минг йиллик уйқуга кетсин,— дейишди баланд бўйли тўқ-қизил Пиёзгуллар ва ғазабларига чидолмай яна ҳам ловуллаб кетишди.

— Даҳшат, жуда даҳшат, шунақа ҳам хунук бўладими киши!— деб қичқирди Кактус.— У шундай қий-шиқ, пакана, калласи ҳам оёқларига нисбатан шундай каттаки, яқинимга йўласа борми, найзаларимни шундай санчиб олардимки.

— Бунинг устига у менинг энг яхши гулларимдан бирини ушлаб турибди; бугун эрталаб уни ўз кўлим билан Инфантага — туғилган кун муносабати билан бергандим, бу эса уни ўғирлабди,— деб хитоб қилди Оқ Атиргул. Тупи ва кучининг борица «Ўғри! Ўғри! Ўғри!»— деб қичқира бошлади.

Хатто у қадар такаббур бўлмаган Яронгуллар ҳам,— уларнинг ўзларида ҳам камбағал қариндошлардан сероб эди,— нафрат билан шундай эшилиб кетишдики, Бинафшаларнинг,— тўғри, у жуда хунук, аммо бунда унинг нима айби бор,— деган камтарона луқмаларига асосли равишда эътироз билдириб,— ҳамма гап шунда-да, тузалиш имконидан маҳрумчилиги учунгина унга қойил қолишимиз керакми, бунга сира асос йўқ,— деб уқдиришди. Аммо баъзи Бинафшаларга Пакана гўё ўзининг тасқаралигини атайин намойиш қилаётгандек туюлди ва бундай ғалати ва бемаъни қилиқлар билан йўлкаларда иргишлаш ўрнига ўзини ғамгин ёки жила қуриса тафаккурвор кўрсатиб юрса ҳар ҳолда дидлироқ кўринармиди, деган ҳаёлга бордилар.

Бир вақтлар шахсан Император Карл V га вақтни кўрсатиш шарафига муяссар бўлган машҳур зот — кўҳна Қуёш соатга келсак, у Пакананинг турқини кўриши билан шундай ҳайратландики, ўзининг узун соя бармоғи билан нақ икки минутни кўрсатишни унут-ёзди ва панжаранинг устида қуёшда исиниб ўтирган катта оқ Товусга гўё ҳаммага маълум бўлган ҳақиқатни, яъни, шоҳнинг болалари — бу шоҳнинг болалари, кўмирчининг болалари эса — бу кўмирчининг болалари эканини айтишдан ўзини тия олмади. Товус ҳам дарҳол унинг фикрига қўшила қолди ва «Шубҳасиз! «Шубҳасиз!»— деб, қулоқни қоматга келтирадиган

овозда шундай чинқирдики, салқин шабадаси келиб турган фавворада яшовчи Олтин Балиқчалар бошларини сувдан чиқариб катта тош Тритонлардан (калтаке-сакка ўхшаган, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшайдиган жонивор) нима гаплигини ва қандай ҳодиса юз берганини сўрадилар.

Қушларга эса Пакана негадир ёқиб қолганди. Қушлар уни илгари ҳам ўрмонда — шамол юлқиган барглари қувиб, эльфага ўхшаб ўйинга тушиб юрганини ёки қари эман дарахтининг қавагида гужиниб олиб териб келган ёнғоқларини олмахонлар билан баҳам кўраётганини кўп марта кўргандилар. Улар Пакананинг бадбашаралигидан сира ҳам нафратланмасдилар. Ахир кечалари апельсинзор боғларда шундай ширали овози билан хониш қилиб ҳатто Ойни ҳам баъзан пастга оғдирадиган булбул ҳам у қадар гўзал эмас-ку. Қолаверса, болакай уларга жуда меҳрибон эди: дарахтлар мевасиз, ер темирдек қаттиқ бўлиб қоладиган, бўрилар эса емиш излаб шаҳар дарвозаларига изғиб келадиган ёвуз қаҳратон қиш пайтида у қушларни унутмас ва бир бурда қора нондан иборат нонушталигини — у қанчалик оз бўлишига қарамасдан ушоқларини ташлаб, улар билан баҳам кўрарди.

Қушлар боланинг ёноқларига қанотларини теккизиб атрофида чарх уришар ва ўзаро чуғурлашарди. Пакана эса шундай бахтиёр эдики, ўзини тутиб туролмай, қушларга чаман очилган оқ атиргулни кўрсатиб — Инфанта уни севишини ва шу сабабли унга бу гулни тақдим қилганини айтди.

Қушлар унинг биронта ҳам гапини тушунишмади, бунга ҳожат ҳам йўқ эди; улар бошчаларини букиб хаёлга чўмиб туришди, бу — боланинг гапига тушуниш билан баробар, боз устига анча қулай ҳам эди.

Пакана Калтаке-сакларга ҳам жуда ёқиб тушди; болакай югуришдан чарчаб дам олиш учун майсалар устига чўзилганда, улар унинг атрофида ва устида қувонч билан югургилаб, уни қўлларидан келганча хурсанд қилишга ҳаракат қилишди.

— Ҳаммага ҳам калтаке-саклардек гўзал бўлиш насиб қилавермайди-да, буни талаб ҳам қилиб бўлмайди, — дейишарди улар. — Ва гарчи шундай дейиш аҳмоқлик бўлса ҳам, айтиш керакки, Пакана у қадар хунук эмас, унга кўзни юмиб қаралса албатта.

Қалтакесаклар — туғма файласуфлар: агар қиладиган бошқа ишлари бўлмаса ёки ҳаво ёмғирли бўлса улар бир жойда соатлаб ўйга толиб ўтиришлари мумкин.

Гулларга эса боланинг, шунингдек қушларнинг ҳам ҳатти-ҳаракатлари сира ёқмади.

— Бу — мудом югуриб ёки учиб юрадиганларнинг охири беадаб бўлиб қолишларидан далолат беради, — дейишарди улар. — Бизга ўхшаб яхши тарбия олган мавжудотлар доимо бир жойда турадилар. Бизнинг йўлкаларда дам олдинга, дам орқага қараб югурганимизни ёки биронта чигиртканинг кетидан қувиб жиннига ўхшаб ажриқларда ирғишлаб юрганимизни кўрганлар бўлса айтсин. Ҳавони ўзгартиришга эҳтиёж сезганимиздагина боғбонни чақиртирамиз ва у бизни кўчириб бошқа гузарга экиб қўяди. Бу — ҳар ҳолда одобимиздан дарак беради, аммо калтакесаклар ва қушлар ҳаловатнинг қадрига етишмайди, қушларнинг эса ҳатто доимий тураргоҳлари ҳам йўқ. Улар лўлилар каби дарбадар, уларга айнан дарбадарларга қилинадиган муомалани қилиш керак.

Бир оздан сўнг, Пакана ўрнидан туриб каловланганча сарой айвони томон кетганда, гуллар такаббурилик билан бурниларини осмонга кўтариб олдилар; бундан ўзлари мамнун эдилар.

— Сирасини айтганда, уни умрининг охиригача қамаб қўйиш керак; унинг букрилигини қаранг! Оёқларининг қийшиқлигичи! — деб гуллар боланинг орқасидан хиринглаб қолишди.

Пакана эса буни ҳаёлига келтирмасди. У қушларни ва калтакесакларни ниҳоят даражада севарди, гулларни эса — Инфантини мустасно қилганда — дунёдаги энг ажойиб нарса деб ҳисобларди. Чунки Инфанта унга ғаройиб оқ атиргул совға қилганди-да; у болакайни севади, ҳамма гап шунда. Пакана Инфанта билан яна бир марта бирга бўлишни шундай орзу қилардики. У Паканани ўнг томонига ўткизар ва унга табассум билан қарарди, Пакана эса қизнинг олдидан ҳеч қачон кетмаган, у билан дўстлашиб унга ҳар хил ғаройиб нарсаларни ўргатган бўларди ва гарчи у аввал бирон марта қасрда бўлмаган бўлса ҳам қўлидан анча-мунча ажойиб нарсалар келарди. Масалан, у чигирткани ичига қамаб куйлатиш учун қамишдан кичкина қафасчалар ясашни билар, сербўғин узун бам-

букдан шундай най ясардики, уни тинглаган Пан ҳам албатта анграйиб қоларди. У қушларнинг овозига тақлид қилишни биларди; майнани дарахт учидан, турнани эса ботқоқликдан чақира оларди. У қайси жонивор қандай из қолдиришини билар, қуёни — қолдирган саёз панжа изларидан, тўнғизни эса эзилган япроқлардан аниқлаб топарди. Унга табиат қўйнида яшовчи барча мавжудотнинг рақслари маълум эди; қип-қизил либосга чулганган кузнинг қутурган рақси ҳам, ёзнинг тўқ зангор далаларида етилган буғдойлар орасида тушадиган рақси ҳам, кўзни қамаштирадиган оппоқ қорли гулчамбарлар кийган қишнинг рақси ҳам, баҳорнинг — гулларга бурканган мевали боғлардаги рақслари ҳам маълум эди.

У ёввойи кабутарларнинг ин қўядиган жойларини ҳам биларди ва бир кун, нур кабутар ўз жуфти билан овчининг тўрига илинганда, Пакананинг ўзи уларнинг ёлғиз қолган жўжаларини қарамоғига олганди ва улар учун чирмовуқлар орасига уя солиб берганди. Кабутарлар унинг қўлига ўрганиб ўсишди, ҳар кун эрталаб унинг қўлидан овқатланадиган бўлишди. Инфантага эҳтимол кабутарлар ҳам, баланд ўсган қирққулоқлар орасида изғиб юрадиган қуёнлар ҳам, қанотлари қаттиқ, қора тумшуқли тўрғайлар ҳам, тиканли золдирга айлана оладиган кирпитиканлар ҳам ва бошларини силкитганча ёш барглари чайнаб судралиб юрадиган катта ақлли тошбақалар ҳам ёққан бўлармиди. Ҳа, Инфанта албатта унинг ёнига — ўрмонга келиб, у билан бирга ўйнаши керак. Пакана унга ўз ўриндигини беради, ўзи эса қизалоқни ёввойи зубрлар безовта қилмасликлари ва очликдан озиб кетган бўрилар кулбага яқин келмасликлари учун дераза остида тонгга қадар қўриқлаб туради. Тонгда эса деразани тақиллатиб Инфантини уйғотади ва улар ўрмон ичкарасига кириб кунбўйи рақс тушадилар. Ўрмонда, ростиини айтганда, киши сира зерикмайди. Баъзан ўрмондан оқ хачирга минган епископ расмли китобидан кўзини узмай ўтиб қоларди. Баъзида эса бошларига зангор бахмалдан қалпоқ, эгниларига ошланган кийик терисидан тикилган камзул кийган, қўлларига бошига қопчиқ ёпилган лочинларни кўндириб қушбегилар ўтиб қолишарди. Узум пишиғи пайтида эса қўллари ҳам, оёқлари ҳам узум сувидан қизариб кетган, бошларига ялтироқ чирмовгулдан чамбарак кўндирган узум-

чилар ўтишарди; қўлларидаги мешлардан янги му-
саллас томарди. Оқшомлари эса катта гулхан атро-
фида кўмирчилар тўпланишар, ёнаётган ғўлаларнинг
секин-аста кўмирга айланишини кузатиб ва кулга каш-
тан кўмиб пишириб ўтиришарди, ўрмон ичидан эса
улар билан хурсандчилик қилгани қароқчилар чиқиб
келишарди.

Бир куни у ҳатто Толедога олиб борадиган узун
чанг йўлда илони эб бўлиб тантанали вазиятда кетаёт-
ган одамларни кўрганди. Энг олдинда черков байроғи
ва олтин крестлар ушлаган роҳиблар баралла куйлаб
боришар, уларнинг орқасидан эса кумуш совут кий-
ган, мушкет ва найзалар билан қуролланган солдат-
лар қуршовида ёқилган шамларни ушлаб ғаройиб расм-
лар солинган ғалати сариқ кийим кийган уч киши оёқ
яланг кетишарди. Ўрмонда шундай ажойиб нарсалар-
ни кўриш мумкин; Инфанта чарчаб қолгудек бўлса
Пакана унга мўйна тўшак топиб берарди ёки қўлида
кўтариб кетарди, нега десангиз, у пакана бўлса ҳам —
буни ўзи ҳам биларди — шундай кучлики. Болакай ун-
га бриониянинг қизил меваларидан маржон қилиб
берарди, чунки у гўзалликда Инфантининг кўйлагига
чатилган оқ мевалардан сира қолишмайди-да. Мабодо
бу маржон унга ёқмай қолса бемалол ташлаб юбори-
ши мумкин, болакай унга бошқасини топиб беради.
У қизга дуб ёнғоғининг косачаларини ҳам, шабнам
билан қопланган анемонларни ҳам, митти ялтироқ
қўртларни ҳам келтириб беради; улар Инфантининг
сочларида юлдуздек чақнайдилар.

Аммо Инфантининг ўзи қаерда экан? Пакана бу
ҳақда Оқ Атиргулдан сўради, бироқ у жавоб бермади.
Болага саройда ҳамма уйқуга кетгандек туюлди,
ҳатто дераза эшиклари очиқ, ойналарга қуёш нурла-
рини ўтказмайдиган қалин пардалар тортилган хо-
надагилар ҳам гўё уйқуга чўмган эдилар. Пакана
саройнинг ичига киришга уриниб, унинг атрофини
айланиб чиқди ва ниҳоят қия очиқ бир эшикка дуч кел-
ди. У ичкарига кириб, ўзини муҳташам танобий хо-
нада кўрди ва унинг ўрмонга қараганда анча шукуҳ-
лилигини кўриб анграйиб қолди: хонанинг ичи олтин
безакларга лиқ тўла, ҳатто поли ҳам қандайдир ҳан-
дасий шакллар тарзида терилган катта-катта рангин
тошлар билан қопланганди. Аммо бу хонада жажжи
Инфанта кўринмади, фақат яшма супаларда унга қан-

дайдиρ маъюс табассум ифодаланган кўзларини қадаб турган ғалати оқ ҳайкалларгина бор эди.

Хонанинг нариги тарафида Қиролнинг севимли бе-заги — қуёш ва юлдузлар тасвирланган дабдабали қора бахмал дарпарда осиглиқ турарди; қора ранг ҳам унинг севимли ранги эди. Балки Инфанта шу парда-нинг орқасига беркиниб олгандир? Ҳар ҳолда кўриб қўйса зиён қилмайди.

Пакана оҳиста дарпардага яқинлашиб, уни кўта-риб қаради. Йўқ, унинг орқасида фақат бошқа хона бор эди ва у болага аввалгисидан ҳам гўзалроқ кў-ринди. Хонанинг деворларига ов жараёнини тасвир-ловчи расмлар тикилган зангор сўзаналар осиглиқ; фламанд рассомлари уларни тайёрлаш учун етти йил-дан кўпроқ вақт сарфлашганди. Бир вақтлар бу хона ақлдан озган қирол Иоанн Телбага қарашли бўлган эди; у шундай ов жинниси эдики, баъзан алахсираб сўзанадаги икки оёғида тик турган катта от тасвири-га миниб олишга, баҳайбат итлар ташланаётган ки-йикни ажратиб олишга, ов бурғисини олиб чалишга ва қочиб бораётган рангпар буғуга пичоқ уришга ҳаракат қиларди. Ҳозир бу хона кенгашлар залига айлан-тирилганди ва ўртадаги столда министрларнинг испан олтин лолалари ҳамда Габсбургларнинг герб ва эм-блемалари билан нақшланган қизил жузгирлари ётарди.

Пакана атрофига жавдираб қарар, олдинга бир қадам юришга ҳам юраги бетламай турарди. Бепоен ўрмон сўқмоқлари бўйлаб овоз чиқармасдан отларини елдириб кетаётган ғалати хомуш суворийлар Паканага қўрқинчли арвоҳларни эслатди. Кўмирчиларнинг ҳи-коя қилишича, улар фақат тунлари овга чиқишар ва агар биронта одам дуч келиб қолса, уни кийикка ай-лантириб то ўлгунча таъқиб қилишармиш. Шу пайт Пакана Инфантини ўйлади ва анча дадилланди. Бо-лакай уни ҳоли учратишни, қизчани у ҳам севишини ўзига айтишни истарди. Балки у қўшни хонададир?

Пакана юмшоқ араб гиламларини овоз чиқармас-дан тез босиб ўтди-да, хонанинг нариги четидаги эшик-ни очиб юборди. Инфанта у ерда ҳам йўқ эди. Хона кимсасиз эди.

Бу — қирол қабулхонаси бўлиб, бу хонада у рас-ман қабул қилишга кўнганда (кейинги пайтларда Қирол элчиларни камдан-кам ҳолларда қабул қилади-ган бўлиб қолганди) хорижий элчиларни қабул қилар-

ди. Кўп йиллар муқаддам, ўша пайтда Европа католиклари ҳукмронларидан бири ҳисобланган ўз Қироличаларини Императорнинг катта ўғлига унаштиргани келган англиялик совчиларни ҳам худди шу хонада қабул қилишганди. Деворлари заррин кордуан териси билан қопланган, оқ ва қора рангга бўялган шипдан эса уч юзта шам ўрнатилган оғир қандил осилиб турарди. Майда марваридлар билан тикилган кастилия шери ва миноралар тасвирланган катта заррин маҳфил остида тахт турарди; унинг устига сиймин доалар чатилган, кумуш ва марваридлар қадалган серҳашам шокилали қора духобадан ажойиб чойшаб ёпилганди. Тахт зинасининг иккинчи поғонасига — Инфанта тиззасини қўядиган кумушранг ёстиқчали курсича, қуйроқда эса — соябондан нарида, папа нунцияси учун кресло қўйилганди. Фақат угина оммавий маросимларда Қирол ҳузурида ўтириш ҳуқуқига эга эди ва олдидаги қизил курсида унинг қизил попукли кардиналлик қалпоғи ётарди. Тахтнинг қаршисида, девор ёнида катта ит билан Карл V нинг овчи кийимидagi бор бўйи билан чизилган портрети осифлиқ турарди; ёнидаги деворнинг ўртасини энлаб турган портретда эса Нидерландлардан совға қабул қилаётган Филипп II тасвирланганди. Деразалар орасида қора дарахтдан ясалган, фил суяги билан нақшланган ва айтишларича, энг машҳур уста томонидан Гольбейннинг Улим Рақси тасвирланган ўймакор жовонча турарди.

Аммо Пакана бу дабдабага айтарлик эътибор бермади. У атиргулини соябондаги барча марваридларга, унинг бир дона япроғини эса бутун бошли тахтга ҳам алишмасди. У бутунлай бошқа нарсани — Инфанта саҳнага тушмасидан у билан учрашиб, ундан рақс тушиб бўлиши билан ўзи билан бирга кетишни илтимос қилишни истарди. Саройда ҳаво оғир ва бўғиқ, ўрмонда эса шабада эсиб турибди, қуёш нурлари титроқ япроқларни гўё олтин қўллари билан саралаётгандек ўйнайди. Ўрмонда гуллар ҳам сероб; улар эҳтимол сарой гулзорларидаги гуллардек шукуҳли кўринмас, аммо ҳиди нафисроқ: эрта баҳорда кўм-кўк адирларга, водийларга қип-қизил гилам бўлиб тўшаладиган сунбуллар; қари эманларнинг чигал томирлари орасида оила-оила бўлиб маскан қиладиган сариқ наврўзгуллар; мовий бинафшалар, заъфар ва бинаф-

шаранг гулсафсарлар. Енгоқ дарахтларида эса кулранг нсирғалар очилиб, боларилар қўниб олгач косачаларининг оғирлигидан эгилади. Каштанзорлар оппоқ юлдузчалар билан қопланган, дўлананинг оймсмалари эса оқиш ва ажойиб. Шундай бўлгач, Инфанта албатта Пакана билан кетади — қизни топса бўлгани, Сўнгра икковлари ғаройиб ўрмонга кетишади ва болакай қизчанинг кўнглини очиш учун эртадан кечгача рақс тушади. Пакана буни кўз олдига келтириб, чексиз қувониб кетди ва қўшни хонага ўтди.

Бу хона бошқаларига қараганда ёруғроқ ва чиройлироқ эди; деворлари қушлар ва ажиб кумуш гуллар чатилган қирмизи кимхоб билан қопланган, хона жиҳозлари нуқул қўйма кумушдан, гул ўрим осилчоқ безаклар ва тебраниб турадиган Амур ҳайкалчаларидан иборат эди. Товус ва тўтиларнинг суратлари туширилган иккита катта кўчма пардалар улкан оташдонларни тўсиб турарди, денгиз суви рангидаги ақиқдан қилинган пол эса кўзни тиндиргудек даражада тиниқ эди. Бу хонада Пакана ёлғиз эмасди; хонанинг париги бошида, эшик оғзида унга қандайдир кичкина мавжудот тикилиб турарди. Пакана қувонганидан юраги дукиллаб, нафаси бўғзига тиқилгудек бўлиб олдинга қараб юрди. У билан бир вақтда мавжудот ҳам унга томон чиқиб келди, энди Пакана уни аниқроқ кўриши мумкин эди.

Инфанта? Наҳотки бу Инфанта бўлса! Аммо у — бир махлуқ, умри бино бўлиб кўрмаган ғоят кулгилли бир махлуқ эди. Унинг гавда тузилиши номутаносиб, бошқаларникига ўхшамаган, елкаси букри, оёқлари қийшиқ ва тим қора сочлари паҳмоқ эди. Пакана хўмрайган эди, махлуқ ҳам қовоғини уйиб олди, Пакана кулган эди, у ҳам кулди ва боланинг ҳаракатларини айнан қайтариб, қўлларини белига тираб олди. Пакана махлуққа қараб масхараомуз таъзим қилди, у ҳам худди шундай таъзим қилди. Бола махлуққа қараб юрган эди, у ҳам боланинг ҳар бир ҳаракатини қайтариб, тўхтаганда — тўхтаб, унга қараб келаверди. Пакана ҳайратдан қичқириб юборди ва олдинга интилиб қўлини чўзганди, махлуқнинг муздек қўлига тегди. Пакана қўрққанидан қўлини тортиб олганди, махлуқ ҳам қўлини тортиб олди. Пакана махлуққа қараб бостириб борди, аммо йўлини қандайдир силлиқ, қаттиқ нарса тўсиб қўйди. Пакана шундоқ

рўпарасида, тиралгудек яқин турган махлуқнинг юзида даҳшат ифодасини кўрди. Пакана қўли билан кўзларига тушиб турган сочларини тепага таради. Махлуқ ҳам шундай қилди. Бола уни урган эди, махлуқ ҳам қайтарди. Пакана уни сўка бошлади, у эса болага қараб қандайдир ярамас қилиқлар қила бошлади. Пакана орқасига тисарилди, махлуқ ҳам тисарилди.

Бу нима нарса экан? Пакана бир муддат ўйланиб қолди, сўнгра хонани кўздан кечира бошлади. Ажабо: бу ерда — тиниқ сув каби кўринмас девор ортида ҳар бир нарса ўз жуфтига эга эди. Бу ерда расм бўлса — у ерда ҳам расм, бу ерда канапе¹ бўлса — у ерда ҳам канапе бор эди. Бу ерда, эшик олдидаги тахмонда ухлаб ётган Фави²нинг нусхаси — у ерда ҳам, девор ортида мудрарди; қуёш нурларида товланаётган қумуш Зухро³ ўзидек ажойиб бошқа Зухрога қўлини узатарди.

Бу нима?.. Акс-садомикин? Бир куни Пакана водийда қичқирганда акс-садо унинг гапларини сўзмасўз қайтарганди. Балки акс-садо овозга тақлид қилгандек — кўзга кўринадиган нарсаларга ҳам тақлид қила олар. Эҳтимол, у ростакам дунёга ўхшаб бошқа дунёни ҳам ярата олар. Аммо нарсаларнинг сояси аслига ўхшаб, бўёқларга, ҳаётга ва ҳаракатга ҳам эга бўла олармикан! Наҳотки шундай бўлса?

Пакана бу ўйдан сесканиб тушди ва кўкрагига қадалган чиройли оқ атиргулни олиб ўпди. Махлуқнинг қўлида ҳам худди шунақа — барги-баргига монанд атиргул пайдо бўлди, у ҳам беўхшов ҳаракатлар билан гулни ўпиб кўксига босарди.

Дафъатан, Пакана ҳақиқатни англаб етди ва ёввойиларча фарёд қилиб ҳўнграб ўзини ерга отди. Демак, рўпарасидаги шундай хунук, букри, кулгили ва жирканч нарса — ўзи экан-да! Бу махлуқ — унинг ўзи; болалар ҳам, жажжи Инфанта ҳам унинг устидан кулишган экан-да! У эса Инфанта мени севади, деб хаёл суриб юрганди; Инфанта эса бошқа болалар қатори унинг тасқаралигидан, унинг хунук бадани устидан калака қилган эди. Нега уни ўрмонда қолдириш-

¹ Канапе — фр. диван.

² Урмон худоси.

³ Гўзаллик маъбудаси.

мади; у ерда унинг бу қадар хунук ва жирканчлилигини айтадиган ойна йўқ эди-ку? Нега отаси уни шарманда бўлиш учун сотиш ўрнига ўлдириб қўя қолмади? Пакананинг ёноғидан ёш сизиб оқарди. У оқ атиргулни майда-майда қилиб ташлади; полда тўлғониб ётган махлуқ ҳам шу тарзда гул бўлақларини атрофига сочиб юборди. Махлуқ полга қапишиб ётарди; Пакана унга қараганда, махлуқ ҳам унга тикиларди, юзи азобдан буришиб кетганди. Бола уни кўрмаслик учун нарироққа судралиб кетди ва қўллари билан юзини яширди. У қоронғироқ жойга судралиб бориб яраланган ҳайвондек жимгина инграб ётарди.

Шу пайт, айвонга чиқиладиган эшикдан меҳмонлари қуршовида Инфанта кириб келди ва ётган жойида қийшиқ бармоқлари билан полни ураётган Паканани кўзи тушди; бу шу қадар бемаъни манзара эдики, болалар Пакананинг нима қилаётганини кўриш учун дарҳол уни қувонч билан ўраб олдилар.

— Унинг рақслари жуда ажойиб эди, аммо бу қилиғи ундан ҳам ажойиброқ, деярли қўғирчоқлардек, фақат уларчалик табиий эмас, албатта, — деди Инфанта катта елпиғичи билан елпиниб ва чапак чалиб уни томоша қиларкан.

Аммо Пакана унга қиё ҳам боқмади; кўз ёши ҳам тина бошлади. Шу пайт у ғайритабиий равишда сакраб тушди-да, биқинини чангаллаган кўйи йиқилди ва ҳаракатсиз чўзилиб қолди.

— Буни жуда қотирдинг, — деди Инфанта бир оз кутиб тургач, — аммо энди мен учун рақс тушиб беришинг керак.

— Ҳа, ҳа, — деб қичқириб юборишди болалар, — энди туриб ўйнаб бер, ахир барбар маймунидан кам эмассан-ку, ҳатто ундан ҳам кулгилироқсан.

Бироқ Паканадан садо ҳам чиқмади.

Инфанта оёқчаси билан депсиниб амакисини чақирди. У айвонда ўз Камергери билан сайр қилар ва ҳозиргина Мексикадан, яқинда муқаддас инквизиция жорий қилинган мамлакатдан келган шошилич мактубни ўқирди.

— Менинг кулгили Паканам қайсарлик қилиб, ўрнидан туришни истамаяпти. Унга ўрнидан туришни ва мен учун рақс тушишни буюринг.

Улар бир-бирларига кулимсираб қўйдилар ва хонага кирдилар. Дон Педро Пакананинг устига энгашиб

ўзининг зийнатланган қўлқопи билан боланинг ёноғига уриб қўйди.

— Қани, бир ўйнаб бер-чи, тасқаравой, ўйнаб бер-чи. Испаниянинг ва ҳар иккала Ҳиндистоннинг валиаҳд маликаси кўнглини олишларини истайдилар.

Бироқ Пакана қимирламади.

— Уни яхшилаб савалаш керак,— деди ҳорғинлик билан Дон Педро ва яна айвонга чиқиб кетди.

Камергер эса ташвишли қиёфада Пакананинг қаршисига чўккалаб, қўлини унинг кўксига қўйди. Бир оздан сўнг у елкасини қисиб ўрнидан турди ва Инфантага чуқур таъзим бажо келтириб, деди:

— Маликам, сизнинг кулгили Паканангиз энди ҳеч қачон рақс тушмайди. Афсус! У шундай бедавоки, менимча, ҳатто Қиролнинг ўзини ҳам кулдира олган бўларди.

— Аммо нега у энди ҳеч қачон рақс тушмас экан?— деб сўради Инфанта кулиб.

— Чунки унинг юраги ёрилиб кетди.

Инфантанинг қовоғи уюлди ва бежирим пушти лаблари ажойиб тарзда мағрурона буришиб кетди.

— Бундан буён, илтимосим шуки, мен билан ўйнагани келганлар юраксиз бўлсинлар!— деб қичқирди Инфанта ва югургилаганча боққа чиқиб кетди.



СОДИҚ ДУСТ

Бир куни тонг пайти Сув Қаламуши инидан бошини чиқариб атрофга қаради. Унинг кўзлари марвариддай ялтироқ, кулранг мўйловни диккайган, қора думи эса узун резина ипга ўхшарди. Ҳовузда жажжи ўрдакчалар сузиб юрар, улар Канар булбулидай сапсарик эдилар; ўзи қордай оппоқ, панжалари қипқизил она Ўрдак болаларини сувда оёғи осмондан туришга ўргатмоқчи бўлиб, ҳалак эди.

— Оёқларингизни осмонга қилиб туришни ўрганмасангиз ҳеч қачон сизларни яхши давраларга қўшмайдилар,— дерди Ўрдак ва гоҳи-гоҳида буни қандай қилиш кераклигини ўзи кўрсатиб берарди.

Аммо, ўрдакчалар онасига қайрилиб ҳам қарашмасди. Давраларга қўшилиш нақадар муҳимлигини улар ҳали тушунмас эдилар-да.

— Шунақаям ношуд болалар бўладими!— хитоб қилди Сув Қаламуши.— Яхшиси, уларни чўктириб ўлдириш керак.

— Йўғ-е, нима деяпсиз?— эътироз билдирди Ўрдак:— Ҳамма нарса бошида қийин бўлади, кейин ўрганиб кетишади, ота-оналарга сабр-тоқат керак холос.

— Уф, мен ота, она меҳри нималигини билмайман,— деди Сув Қаламуши,— чунки оила қурмаганман. Турмушга чиқмадим, чиқишнимам хоҳламайман. Эҳтимол; меҳр яхши нарсадир, аммо дўстлик ундан аълороқ. Очиги, дунёда садоқатли дўстликдан гўзалроқ ва аълороқ нарса йўқ.

— Садоқатли дўстлар сизнингча қандай бўлади,—

сўради шу атрофдаги тол новдасида ўтирган ям-яшил Саъва. У ҳамма гапни эшитиб турган экан.

— Шунн айтинг-а? Мен ҳам жуда қизиқяпман,— деди Урдак ва ўзи ҳовузнинг нариги четига бориб, оёғини осмондан қилиб, болаларига ўрнак кўрсата бошлади.

— Ўта аҳмоқона савол!— хитоб қилди Сув Қаламуши.— Шунням билмайсизми, садоқатли дўст авало менга содиқ бўлиши керак.

— Эвазига сиз нима берасиз?— сўради митти қанотларини парпиратиб, кумуш тусли новдани чайқалтираётган қушча.

— Гапингизга тушунмадим,— деди Сув Қаламуши.

— Майли десангиз шу тўғрида бир ҳикоя айтиб бераман,— деди Саъва.

— Менинг тўғримдами? — сўради Сув Қаламуши.— Ундай бўлса жон-жон деб тинглайман. Санон нафисани бирам яхши кўраманки.

— Ҳикоямнинг сизгайм тегишли жойи бор,— жавоб берди Саъва, сўнг қўниб турган шохидан пирр этиб учиб, соҳилга тушди ва содиқ дўст ҳақида ҳикоя айтишга тутинди.

— Мана шу атрофда қачонлардир Ханс исмли ажойиб йиғитча яшар эди,— гап бошлади Саъва.

— У жуда буюк одаммиди?— сўради Сув Қаламуши.

— Йўқ,— жавоб қилди Саъва,— менимча у ҳамма қатори одам эди, фақат оққўнгиллиги бақалоқ юз, очиқ чехралиги билан бошқалардан ажралиб турарди. У ўзининг боғидаги кичкинагина кулбада ёппаёлғиз яшар, эртадан кечгача кўчатларни парвариш қиларди. Бутун атрофда Ханснинг боғчасидек гўзал жой йўқ эди. Бу ерда турк чинни гули ҳам, намозшом гули ҳам, жағ-жағ ўтлар, бель-жежур деб аталган анвойи гуллар ҳам бор эди. Алвон ва сарғиш атиргуллар, сафсар ва олтиндай товланувчи крокуслар (заъфар гуллар), сиёҳранг ва оппоқ бинафшалар яшнаб ётар эди. Момақаймоқ ва печак гул, ифор гул ва тоғрайхон, ирис ва духобагул, наргиз ва қизил чиннигуллар бирин-кетин очилаверарди. Ой кетидан ой келар, бир хил гуллар тугаб, бошқалари очилар, Ханснинг боғи донмо кўзларни яшнатар, хушбўй таратиб, кўнгилни очар эди.

Кичкина Ханснинг дўстлари кўп эди, лекин улар ичида энг садоқатлиси Тегирмончи Катта Гью эди. Ҳа, бой Тегирмончи Кичкина Хансга шунчалик садоқатли эдики, у ҳар гал дўстининг боғи олдидан ўтаётганида панжара девордан осилиб, бир даста гул ёки бир қучоқ хушбўй гиёҳ ва ёки мева пишиғида бўлса, чўнтакларини олхўри ва гилосга тўлатиб олар эди.

— Чинакам дўстларда ҳамма нарса ўртада бўлиши керак,— дерди Тегирмончи. Кичкина Ханс эса хурсандликдан оғзи қулоғига етарди: у мана шунақа олижаноб фикрловчи дўсти борлигидан жуда фахрланарди.

Тўғри, қўшнилар баъзан нима учун олтита соғин сигири, бир сурув узун юнгли қўйлари, тегирмонида эса юз қоплаб унлари бўла туриб у нима учун Хансга миннатдорчилик билдирмайди, деб ажабланишарди. Лекин кичкина Ханс бундай нарсаларни ўйлаб ўтирмас, Тегирмончининг чинакам фидойи дўстлик ҳақидаги ҳайратомуз гапларини эшитиб ўзини бахтиёр ҳисобларди. Шундай қилиб, Кичкина Ханс ўз боғида меҳнатдан боши чиқмас эди. Баҳорда, ёзда, кузда у беташвиш яшарди. Лекин қишда унинг боғида на гул, на мева-чева қолмас, бозорга олиб чиқиб сотишга ҳеч вақоси бўлмас, шунинг учун у кўпинча совуқдан ва очликдан қалтираб, кечки овқатсиз уйқуга ётарди. Очдан ўлмаслик учун фақат бир-икки дона нок қоқи ёки бир ҳовучгина ёнғоқ билан кун ўтқазарди. Бунинг устига қишда у ёлғиз қолар — бундай пайтларда Тегирмончи ундан хабар олмас эди.

— Қорлар эригунча Хансдан хабар олишим керак эмас,— дерди Тегирмончи хотинига.— Одам қийналиб турганида уни тинч қўйиш керак, безовта қилиш керак эмас. Ҳарҳолда, дўстликни мен шундай тушунаман. Ва шу фикрим тўғри деб ўйлайман. Баҳоргача бормай тураман, шундан кейин хабар олишим мумкин. Ана ўшанда у менинг саватимни чучмома, гунафшаларга тўлдириб беради ва бундан ўзи роса ҳузур қилади.

— Сиз фақат бошқаларни ўйлайсиз,— деди қуруқ ўтин чирсиллаб ёниб турган печка олдида исиниб ўтирган хотини, ҳа, фақат бошқаларни ўйлайсиз. Дўстлик ҳақидаги доно гапларингизни эшитиб ҳузур қиламан. Рухоний отахонимиз учинчи қаватда яшаб, жимжилонига узук тақса ҳам сизчалик чиройли гапиролмайди.

— Кичкина Хансени шу ёққа таклиф қилсак яхши

бўларди,— деди Тегирмончининг кенжа ўғли.— Агар Кичкина Ханс қийналиб қолса, мен унга шовламининг ярмини бераман, унга қуёяларимни кўрсатаман.

— Аҳмоқ экансан!— хитоб қилди Тегирмончи.— Сени мактабга беришдан ҳам фойда чиқмайди, ҳеч нарсага ақлинг етмайди. Мабодо Хансни буёққа чақирсак, у бизнинг иссиқ уйимизни, мазали кечки овқатимизни, ажойиб қизил вино тўлдирилган бочкамизни кўрса, ҳасади келиши мумкин. Ҳасад эса дунёда энг ёмон нарса, у ҳар қандай одамни бузади. Табиийки, мен Ханснинг бузилишига йўл қўсмайман. Ахир мен унинг дўстиман-ку, шунинг учун уни йўлдан озитишга тинч қараб туролмайман. Мабодо, Ханс бу ерга келиб қолса, у мендан албатта қарзга озгина ун сўрайди, мен эсам унга ун беролмайман. Негаки, ун— бошқа нарса, дўстлик бошқа нарса, уларни бир-бирига аралаштирмаслик керак. Бу сўзларнинг ёзилишиям, маънолариям турлича. Бу кундай равшан-ку.

— Бирам ажойиб гапирасизки,— деди Тегирмончининг хотини, ўзининг каттакон дастали косасига илитилган пиводан қуйиб олар экан.— Мудроққа кетиб қолибман, худди черковда ўтиргандайман!

— Кўп одамлар яхшилик қилишни билади, лекин яхши гапиришни ҳаммаям эпполмайди. Демак, яхши гапириш осон эмас, демак, бунинг қадрига етиш керак.

Шундай деб, у столнинг нариги четида ўтирган кенжа ўғлига ўқрайиб қараб қўйди. Уғли бояги гапидан шунчалик уялиб кетдики, бошини қуйи солиб, йиғлаб юборди, ҳатто ёши чойга туша бошлади. Ҳайтовур, уни ёмон деб ўйламанглар, ахир у ҳали ёш эди-да!

— Ҳикоянгиз шу ерда тугайдими?— сўради Сув Каламуши.

— Йўғ-е, бу бошланиши-ку!— деди Сайроқи қуш.

— Сиз замондан орқада қолибсиз,— гина қилди Сув Каламуши.— Ҳозир ҳар бир ҳикоячи воқеани охиридан бошлаб, сўнг бошига ўтади ва ўртаси билан тугатади. Энг янги усул бу. Яқинда ҳовузимиз ёқасида бир ёш йигит билан айланиб юрган танқидчи олим шундай деди. У мана шу соҳада жуда узоқ гапирди, ҳарҳолда у ҳақ бўлса керак, чунки у тепакал, ҳам кўкиш кўзойнак таққан эди-да. Йигитча эътирозга оғиз жуфтлаши билан, ҳалиги олим «Гиль!»—

деб қичқирарди. Дарвоқе, афв этинг, ҳикоянгизни давом эттиринг, менга Тегирмончи ёқиб қолди. Мен ҳам унга ўхшаб, юксак нарсаларни ўйлайман, шунинг учун унинг ўйлари менга тушунарли!

— Шундай қилиб,— ҳикоясини давом эттирди Сайроқи қуш, оғирлигини у оёғидан, бу оёғига солар экан,— қиш охирлаб, гунафша ўзининг биринчи оқсариқ юлдузларини оча бошлаганида Тегирмончи Кичкина Хансни кўриб келай, деб хотинига эълон қилди.

— Ҳўп олтин қалбингиз бор-да!— қойил қолди хотини.— Сиз фақат ўзгаларни ўйлайсиз. Ҳар ҳолда гул соладиган саватни ола кетишни унутманг.

Тегирмончи оғир занжир билан тегирмон парраklarини қавсга боғлади-да, бўш саватни олиб, йўлга тушди.

— Салом, Кичкина Ханс!

— Салом,— жавоб берди Кичкина Ханс белкурагига суяниб оғзи қулоғига етганча.

— Қишдан яхши ўтволдингми?— сўради тегирмончи.

— Ҳол-аҳволимни сўраганингдан жуда миннатдорман,— деб хитоб қилди Кичкина Ханс.— Тўғриси, анча қийналиб қолдим. Майли, энди баҳорга ҳам чиқиб олдим. Энди мен ҳам, гулларим ҳам яйраб қоламиз.

— Биз бўлсак қишда сени жуда кўп ўйладик Ханс,— деди Тегирмончи,— сенинг аҳволинг қандай кечдийкин деб ташвишландик.

— Дўстингизни ўйлаганингиз қандай яхши,— жавоб берди Ханс.— Мени унутиб юбордингизми деб қўрқа бошлаган эдим.

— Эсинг жойидами Ханс,— деди Тегирмончи,— дўстларни унутиб бўладими? Дўстлик шуниси билан ширин-да. Лекин чамамда сен ҳаёт нафосатини яхши тушунмайсан. Дарвоқе, наврўз гулларинг роса чиройли очилибдими?

— Рост айтасиз, наврўзгуллар жуда чиройли очилган,— эътироф этди Ханс.— Баҳор яхши келди, гуллар чаман бўлиб кетди. Мен бу гулларни бозорга олиб бораман, бургомистрининг қизига сотаман, топган пулимга аравачамни қайтариб оламан.

— Қайтариб оламан?— Бундан чиқди, аравачангни гаровга қўйибсан-да. Тентак экансан!

— Иложим қанча,— жавоб берди Ханс.— Муҳтож-

ликдан. Билсангиз, қишда жуда қийналиб қолдим, тирикчилик, нон олишга ҳам чақам қолмади. Аввал дам олиш кунин киядиган курткамдаги кумуш тугмаларни, кейин кумуш занжирчамни, ундан кейин тамаки найчамни ва ниҳоят аравачамни гаровга қўйдим. Лекин энди ҳаммасини қайтариб оламан.

— Ханс,— деди Тегирмончи,— сенга ўзимни аравачамни совға қиламан. Тўғри, сал-пал бузуқ жойи бор, чамаси аравачани бир ёни йўқ эди, кегайлари ҳам жойида эмас, лекин барибир уни сенга совға қилавераман. Сахийлик қилаётганимни ўзим ҳам тушуниб турибман, кўплар шундай аравачани берадим, аҳмоқ экан деб ўйлаши мумкин. Лекин мен бошқалардек эмасман. Менимча сахийликсиз дўстлик ҳам бўлмайди. Бунинг устига мен ўзимга янги аравача сотволганман. Шунинг учун сен энди аравачани ташвишини қилмай қўяқол, сенга аравачамни совға қиламан.

— Чиндан ҳам жуда сахийлик қилдингиз! — хурсандликдан оғзин қулоғига етиб деди Ханс.— Менда бир тахта бор, аравачани бирпасда тузатиб оламан.

— Сенда тахта борми?!— хитоб қилди тегирмончи. Мен омборимни томини тузатиш учун тахта қидириб юрган эдим. Томдаги катта тешикни вақтида тузатиб қўймасам дон-дунларим расво бўлади. Тахтани эслатганинг жуда яхши бўлди-да. Ҳайрон қоласан одам, бировга яхшилик қилсанг дарров ўзингга қайтади. Мен сенга аравачамни совға қилсам, сен менга тахта совға қилмоқчисан. Аслида аравача қимматроқку-я, лекин ҳақиқий дўстлар бунга қараб ўтиришмайди. Тахтангни тезроқ олиб чиқ, мен шу бугуноқ ишга киришаман.

— Ҳозир олиб чиқаман!— деди Ханс ва шу заҳоти саройчага югуриб кириб, тахтани олиб чиқди.

— Каттароқ эмас экан,— деди Тегирмончи тахтани кўздан кечирар экан. Бу тахта омбор томини тузатишдан бошқага ярамайди. Аравачага ортмайди деб қўрқаман. Лекин бунга мен айбдор эмасман. Энди, модомики, аравачамни ҳадя қилган эканман, сен ҳам гулларингдан кўпроқ беришни хоҳласанг керак. Мана бу саватни тўлатиб бера қол, охиригача тўлсин.

— Охиригача тўлсин?— қайғуга ботиб сўради Ханс. Чунки сават жуда катта эди, агар у тўлатилса, бозорга олиб чиқишга ҳеч нарса қолмас, кумуш тугмаларини ҳам қайтариб ололмас эди.

— Ҳа, ўйланиб қолдинг?— деди Тегирмончи.— Мен сенга бутун бошли аравачамни совға қилсаму, сен менга бир озгина гул беришга оғринасанми? Чинакам дўстлар бир-биридан жонини ҳам аямайди, деб ўйлаган эдим. Сени дўст деб янглишган эканман-да.

— Азиз дўстим, энг қалин дўстим!— хитоб қилди Ханс.— Майли, менга деса боғимдаги гулларнинг ҳаммасини олиб кетаверинг! Сизнинг фикрингиз менинг учун қандайдир кумуш тугмалардан азизроқ, албатта.

Сўнг у югуриб бориб, боғидаги анвойи гулларнинг ҳаммасини қайчилаб, Тегирмончининг саватини тўлдириб берди.

— Хўп, кўришгунча, Кичкина Ханс! — деди Тегирмончи ва елкасида тахта, бир қўлида гул тўла сават билан тепаликдаги уйи томон юрди.

— Кўришгунча!— жавоб берди Кичкина Ханс ва аравачали бўлиб қолганидан хурсанд бўлиб, белкурагини олиб ишга тутинди.

Эртасига у зинаси олдида ўсаётган учқатнинг янги новдаларини тараб боғлаётган эди, кўчадан Тегирмончининг чақираётгани эшитилди. Ханс зинадан сакраб тушиб, панжара девор олдига бориб, кўчага қаради.

У ерда ун тўла катта қопни елкасига ортган Тегирмончи кутиб турарди.

— Азизим Ханс,— деди Тегирмончи,— мана шу унни бозорга олиб борсанг яхши бўларди.

— Жоним билан, лекин бугун жуда банд эдим-да. Бугун чирмовгулларни кўтариб қўйишим, ҳамма гулларни суғоришим, майсаларни ўришим керак.

— Бу дўстнинг гапи эмас,— норози бўлди Тегирмончи.— Мен сенга аравача ҳадя қилмоқчиману, сен ёрдам беришдан бош тортсанг, яхшимас бу.

— Йўқ, ундай деманг,— шошиб қолди Ханс.— Мен икки дунёда Сиздай дўстимни хафа қилмоқчи эмасман.

Шундай деб, Ханс югуриб уйига кириб, телпагини кийиб чиқди ва елкасига катта қопни ортиб, бозорга равона бўлди.

Қун иссиқ, йўл чанг, тупроқли эди. Ханс ҳали олтинчи милядаги тошга етмай туриб ҳолдан тойди ва нафас ростлаш учун ўтирди. Бор кучини тўплаб, яна юкни кўтарганича бозор томон юрди. Тез орада унни яхшигина пуллади ва тез ортига қайтди. Агар шошил-

маса қоронғуга қолиб, қароқчиларга учраши мумкин эди-да.

— Бугун оғир кун бўлди,— деди ўзича Ханс уйқуга ётар экан.— Лекин, тегирмончининг илтимосини рад этмаганим яхши иш бўлди. Ҳарҳолда у қалин дўстим, бунинг устига менга аравачасини ҳадя қилмоқчи.

Эртасига тонготардаёқ Тегирмончи пулини олиб кетгани келди, Ханс ҳали ўрнидан турмаган эди.

— Аммо-лекин дангаса экансан, оғайни,— деди Тегирмончи. Мен сенга аравачамни бермоқчиману, сен эсанг ғайрат қилмаяпсан. Беғамлик — катта айб, менинг дўстим дангаса ва ландавур бўлишини истамайман. Бундай очиқ гапирганим учун кечирасан. Сенга дўст бўлганимда бундай гапларни айтиш ҳаёлимгаям келмасди. Дилингдагини айтмасанг, бунақанги дўстликдан нима фойда? Ширин гапириш, хушомад ва ҳай-баракаллачиликни ҳаммаям қойил қилади, ҳақиқий дўст ачитиб гапиради, ўртоғим хафа бўлармикин, деб ўтирмайди. Дўст кўпинча гашингга тегади, аммо шу билан у сенга яхшилик қилади.

— Жаҳлингиз чиқмасин,— деди Кичкина Ханс,— кўзларини ишқалаб, бошидан тунги кулоҳини олар экан,— кеча роса чарчаганим учун бугун бир оз ҳузур қилиб, қушлар сайроғини эшитиб ётай, деган эдим-да.— Дарвоқе, қушлар сайроғини эшитсам мен яхши ишлайман.

— Ундай бўлса яхши, хурсандман,— деди Тегирмончи Ханснинг елкасига қоқиб,— ўрнингдан туришинг билан меникига бориб омборимнинг томини тузатиб беришинг керак, сенга шуни айтгани келган эдим.

Бечора Ханс бугун боғида ишламоқчи эди: ахир икки кундан бери гулларини суғормаганди; лекин Тегирмончи қалин дўсти бўлгани учун унинг гапини яна қайтаролмади.

— Агар вақтим йўқ десам дўстона иш қилмаган бўламан, тўғрими?— деди у астагина, хижолатомуз оҳангда.

— Албатта,— сўз қотди Тегирмончи.— Мен сенга унчалик оғир иш буюраётганим йўқ, айниқса, сенга аравачамни бермоқчи бўлганимда, йўқ дейишинг тўғри келмайди-да. Бўпти, агар ёрдам беришни хоҳламасанг, бориб томни ўзим тузатаман.

— Йўғ-е, нима деяпсиз!— хитоб қилди Ханс ва

партта ўрнидан туриб, апил-тапил кийинди-да, омбор омини тузатишга югурди.

Ханс тегирмончиникида кун ботаргача ишлади. ун ботганида Тегирмончи келиб, иш қандай бораётганигидан хабар олди.

— Қалай, Ханс, томим битаёздими?— сўради у қув-ноқ овозда.

— Тайёр бўлди!— деди Ханс ва нарвондан пастга ўшди.

— Оҳ, ўзгалар учун ишлашдан ҳам ёқимлироқ иш оламда йўқ!— деди Тегирмончи.

— Сўзларингизни эшитган одам ҳузур қилади,— деди Ханс манглайдаги терларни артиб, нафас ростлаш учун ўтирар экан. Эшитган одам буюк лаззат элади. Фақат, қўрқаманки, менга сира бундай юксак фикрлар келмаса керак.

— О, сенга ҳам шундай фикрлар келади!— жавоб берди Тегирмончи.— Шу кунгача сен дўстликнинг амалиётини ўрганиб олдинг, пайти келиб, назариясини ҳам билиб оласан.

— Рост айтяпсизми? — сўради Ханс.

— Шубҳасиз,— жавоб берди Тегирмончи.— Хўш, том тешиги ёпилди, энди уйингга қайтсанг бўлади. Яхшилаб дам олволгин, чунки эрталаб, қўйларимни тоғ яйловига олиб боришинг керак.

Бечора Кичкина Ханс бу гапга ҳам эътироз билдиришга журъат қилмади. Эрталаб Тегирмончи унинг кулбаси олдига қўйларини ҳайдаб келди. Ханс қўйларни тоққа олиб кетди. Қўйларни яйловга ҳайдаб бориб, ўтлатиб яна уйга қайтариб келгунича қоронғи тушди. Уйга келдию, роса чарчаганидан креслода ўтирганича ухлаб қолди. Эртасига фақат кун ёйилганида уйғонди.

— Мана энди бугун боғимда мазза қилиб ишлайман,— деди у ўзича ва шу заҳоти ишга тутинди.

Лекин, бари бир у гулларини кўнгилдагидай парвариш қилолмади. Чунки, Тегирмончи дўсти ҳар замон-ҳар замонда келиб, бирор юмуш билан юборар ёки тегирмонда ёрдамчиликка олиб кетар эди. Гоҳида Кичкина Ханс гулларим бизни унутиб юборди деб, мендан хафа бўлишаётгандир дея, қайғурар, аммо Тегирмончи энг яхши дўсти эканлигини ўйлаб, кўнгли таскин топар эди. «Бунинг устига у менга аравачаси-

ни ҳадя қилмоқчи, бу унинг ҳимматли одамлигини кўрсатади», деб қўшиб қўяр эди бундай пайтларда.

Кичкина Ханс шу зайлда Тегирмончининг юмушларини бажараверди, Тегирмончи эса унга дўстлик ҳақида чиройли гапларни айтаверди, Ханс эса уларни дафтарчасига ёзиб, кечалари одобли ўқувчидай ёдлайверди.

Бир куни кечқурун Ханс мўъжаз ўчоғи олдида исишиб ўтирганида, эшик қаттиқ тақиллаб қолди. Ташқарида бўрон увлар, шамол томларни учириб кетгудай гувиллар эдики, аввалига у эшик тақиллашини бўрон шовқини деб ўйлади. Лекин, кўп ўтмай, яна эшик тақиллади, учинчи марта янада қаттиқроқ тақиллай бошлади.

— Бирор бахтсиз йўловчи бўлса керак,— деб ўйлади Ханс ва шошиб эшикни очди.

Остонада бир қўлида фонус, бир қўлида таёқ ушлаган Тегирмончи турар эди.

— Азизим Ханс!— хитоб қилди у.— Уйимда фалокат юз берди. Ўғилчам зинадан йиқилиб, қаттиқ лат еди, шунга дўхтир излаб кетяпман. Лекин дўхтирнинг уйи жуда узоқ, тун эса даҳшатли, шунинг учун бир кўнглим: сени юборақолсам-чи, деб ўйладим. Ахир мен сенга аравачамни совға қилмоқчиман-ку, сен эсанг, адолат юзасидан бу яхшилигимга жавоб қайтаришинг керак.

— Бўлмасам-чи!— хурсанд бўлди Ханс.— Тўғри меникига келганингиздан бошим осмонга етди! Мен ҳозироқ дўхтирни излаб бораман. Фақат, фонусингизни бериб туринг. Ташқари жуда қоронғу, бирор чуқур— ҳандаққа тушиб кетмайин, тағин.

— Жон-дилим билан берардим-ку-я,— деди Тегирмончи,— лекин фонусим янги-да, мабодо синиб-нетиб қолса нима бўлади?

— Бўпти, фонуссиз ҳам кетавераман! — деди Ханс. У каттакон пўстинига ўралиб, бошига иссиқ қизил шапкасини кийди, бўйнига шарф боғлади ва йўлга тушди.

Бўрон даҳшатли увуллари. Зимзиё қоронғуликда Кичкина Ханс икки қадам йўлни ҳам кўролмас, кучли шамол уни йиқитиб юборай дерди. Аммо, у жасур эди, уч соат деганда дўхтирнинг уйига етиб борди ва унинг эшигини тақиллатди.

— Ким у?— сўради дўхтир уйқухонасидаги деразадан бошини чиқариб.

— Бу мен — Кичкина Хансман.

— Тинчликми, Кичкина Ханс, нима бўлди?

— Тегирмончининг ўғилчаси зинадан йиқилиб, оёғини лат егизибди. Тегирмончи Сизни тезроқ келсин, деб илтимос қилди.

— Ҳозир!— жавоб берди дўхтир, у отини эгарлатиб, этигини кийиб, фонусини қўлига олди ва Тегирмончиникига йўл олди. Ханс унинг ортидан судралди.

Шамол тобора қутуриб, ёмғир челақлаб қуя бошлади. Кичкина Ханс отга етиб югуролмас, чақир-чуқурларни ҳам билмай, таваккалига югуриб борарди. Бир пайт у йўлдан адашиб, ботқоққа тушиб кетди. Бу хавфли ботқоқ эди. Бечора Ханс, мана шу чуқур ботқоққа чўкиб кетди. Эртасига чўпонлар лойқа сув тўлган катта ҳандақдан Кичкина Ханснинг жасадини топиб, уйига олиб келишди.

Кичкина Хансни дафн этишга одамлар келди, чунки ҳамма уни яхши кўрарди-да. Тегирмончи ҳаммадан ортиқ қайғурди.

— Мен унинг энг яқин дўстийдим,— деди у,— шунинг учун мен олдинда боришим керак.

Шундай қилиб, Тегирмончи дафн маросимининг олдида борди, у мотам тутиб, узун, қора плашч кийиб олган, ҳар замон, ҳар замонда катта дастрўмоли билан кўзларини артиб қўярди.

— Кичкина Ханснинг ўлими — биз ҳаммамиз учун катта жудолик,— деди Темирчи дафн маросимидан кейин ҳамма йиғилиб шинам қаҳвахонада ширин пирожкалар билан хушбўй вино ичиб ўтиришар экан.

— Айниқса мен учун,— деди Тегирмончи.— Ахир мен унга аравачамни деярли совға қилган эдим. Энди ўзимга эҳтиёт бўламан. Энди ҳеч кимга ҳеч нарса бермайман. Ҳиммат қилиб ҳозир яхшилик топмайди одам.

— Кейин нима бўлди?— сўради Сув Қаламуши.

— Ҳеч нима,— деди Сайроқи Қуш.

— Тегирмончи нима қилди кейин?

— Билмадим,— жавоб берди Сайроқи Қуш.— Бунинг менга қизиғи ҳам йўқ.

— Ана, кўрдингизми, сиз жуда тошбағир нарса эканлигингиз билиниб қолди,— деди Сув Қаламуши.

— Чамамда, бу ҳикоянинг маъносига тушунмаган кўринасиз?— деб қўйди Сайроқи Қуш.

— Нимасини тушуниш керак?— қайтадан сўради Сайроқи Қуш.

— Маъносини.

— Ие, ҳали бу ҳикоянинг маъноси ҳам борми?

— Бўлмасам-чи,— жавоб берди Сайроқи Қуш.

— Оббо сиз-ей, шундай экан, буни аввалроқ айтиб қўймайсизми?— Ҳикоянгизни эшитиб ўтирмасдим ҳам. Анови танқидчига ўхшаб, сизгаям «Гил!»— деб бақириб қўя қолардим. Дарвоқе, ҳалиям кеч эмас.

Шундай деб, Сув Қаламуши томоғи йиртилгунча «Гил!»— деб бақирди ва думини бир силжитиб, инига кириб кетди.

— Айтнинг-чи, сиз мана шу Сув Қаламуши тўғрисида нима дейсиз?— сўради ҳовузнинг нариги четидан сузиб келган Урдак.— Менимча, унинг анча-мунча фазилатлари бор. Ҳарҳолда мен мана шунақанги қайсар қари қизларни кўрсам, кўзимга ёш келади.

— У мендан хафа бўлди,— деди Сайроқи Қуш.— Чунки, унга маъноли ҳикоя айтиб бердим.

— О, сира бундай қилиш керак эмас,— деб қўйди Урдак.

Сайроқи Қуш унинг фикрига мутлақо қўшилди.

МУНДАРИЖА

Бахтли шаҳзода	3
Худбин дев	15
Булбул ва атиргул	20
Яшил мушак	27
Юлдуз-бола	40
Инфантининг туғилган куни	58
Содиқ дўст	79

Уайльд Оскар.

У 12 Юлдуз бола: Эртақлар / [Кичик мактаб ёшидаги болалар учун; Ингл. М. Маҳмудов ва А. Муҳаммадиев тарж.].— Т.: Ёш гвардия, 1988.—96 б.

Инглиз адабиёти классиги, санъатда нозик нафосат учун курашган шоир, прозаик ва драматург Оскар Уайльд болалар учун ҳам кўплаб ажойиб эртақлар ёзган. У мазкур тўпلامдан жой олган «Бахтли шахзода», «Садоқатли дўст», «Атиргул ва булбул», «Худбин дёв», «Яшил мушак» каби қатор асарларида болаларни ҳам, катта ёшдагиларни ҳам қизиқтирувчи ва ҳаяжонга солувчи маънавий муаммолар — яхшилик, дўстлик, садоқат, мардликни ардоқлайди; мактанчоқлик, қуруқлик, лоқайдлик, хиёнат, худбинлик каби иллатларга қарши ўт очади.

Уайльд Оскар. Звездный мальчик: Сказки.

И [Ингл]

Для детей младшего школьного возраста

На узбекском языке

ОСКАР УАЙЛЬД

ЗВЕЗДНЫЙ МАЛЬЧИК

Сказки

Ташкент, издательство «Ёш гвардия», 1988

О. Уайльднинг «Прогресс» нашриётида 1979
йилда инглиз тилида босилган икки жилдли тан-
ланган асарларидан таржима қилинди.

Редактор А. Саидов

Рассом М. Карпузас

Расмлар редактори Ҳ. Раҳматуллаев

Техн. редактор В. Демченко

Корректор Ф. Заиджонова

ИБ № 2343

Теришга берилди 5.08.87. Босишга рухсат этилди 29.10.87. Формати $84 \times 108^{1/32}$. 2-босма қоғозга «Литературная» гарнитурада юқори босма усулида босилди. Босма листи $3,0 + 0,125$ (вкл). Шартли босма листи $5,04 + 0,21$ (вкл). Шартли кр. отт. 8,3. Нашр листи $4,77 + 0,24$ (вкл). Тиражи 40000. Буюртма № 1505. Баҳоси 25 т. Шартнома № 76—87.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700113, Чилонзор, 3-квартал, «Правда» газетаси кўчаси, 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент, Ленин кўчаси, 41.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ 1987 ЙИЛДА
ҚУЙИДАГИ ТАРЖИМА АСАРЛАРНИ
НАШРДАН ЧИҚАРДИ:

Л. Толстой.

Ғозлар қандай қилиб Римни сақлаб
қолдилар.

Ҳикоя.

В. Шекспир.

«Макбет».

Ғожиа.

И. Тургенев.

Бежин ўтлоғи.

Ҳикоя.

Ф. Купер.

Чингачгукнинг ғожиаси.

М. Булгаков.

«Уста ва Маргарита».

Роман.

В. Биков.

«Унинг батальони».

Қисса.

С. Вангели.

Гугуцэнинг саргузаштлари.

Қисса.

С. Алексеев.
Шошилич фармойиш.
Ҳикоялар.

Гул-Хусайн Хусайн-ўғли.
Гул умри.
Ҳикоялар.

И. Стрелкова.
Кичик шаҳар музейидаги ўғрилиқ.
Қиссалар.

Тўплам.
Революция фарзандлари.
Қиссалар, ҳикоялар.

Тўплам.
«Болтиқбўйи халқлари эртаклари»

25 т.

